

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ

МАКТАБГАЧА МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА
ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ

«БОЛАЖОН»

ТАЯНЧ ДАСТУРИ БҮЙИЧА
БАДИЙ АДАБИЁТ ТҮПЛАМИ

Тошкент
«Bekimachoq-plyus»
2012

УДК: 821.512.113-0534

КБК: 74.102

Б 83

Бодажон: таянч дастури бўйича бадиий адабиёт тўплами / тўпловчилар: В.А.Умарова, З.А.Раҳмонқулова – Тошкент: Bekintashchegi-Plus, 2012. - 164 б.

ISBN 978-9943-324-53-4

Ушбу түплам «Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига күйиладиган Давлат талаблари» ва «Болажон» таяңч дастури асосида 2-7 ёшли болаларни бадий адабиёт билан таништырында тарбиячилар ва ота-онадарга ёрдам бериш мақсадида тайёрланды. Күлланмада илк ёш, кичик, ўрта, катта ва тайёрлов гурӯҳларинин учун эртак, хикоя, шеърлар түплами берилган.

УДК: 821.512.113-0534

КБК: 74.102

Тұлға оқиғалар:

Валида АБДУФАФОР қизи

(Валида УМАРОВА)

З.А. РАХМОНКУЛОВА,

ММХҚТМОРҮММ методик ишлар мактабгача таълим сифат ва самарадорлуги бўлими бошлиғи.

Масъул мұхаррир:

С. С. МИРДЖАЛИЛОВА.

Халқ таълими вазирлиги, мактабгача таълим бўлими мудири

Такризчилар:

М.А.АЪЗМОВА,

ММХКТМОРҮММ директори.

М.Ш.РАСУЛОВА.


психология фанлари номзоди, доцент.

С. МАЖИДОВА

Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 550-сонли мактабгача таълим мұассасаси үслубчиси.

ISBN 978-9943-324-53-4

© «Болажон» таяңч дастури бүйича бадий адабиёт түплас-
тилүүчүлөр тинаараларынын макулдуктарынан
Б.А.Умарова, З.А.Рахмонкулова
“Bekim machaq-plyus” 2012 ийл.



КИРИШ

Эртаклар – бола қалбига эзгулик уруғини сепувчи сүз дейиш мумкин. Сүз санъати – эңг олий санъат дея бежиз айтишмаган. Адабиёт аталмиш сүз санъатининг муҳташам боғи кимларни ўзига мафтун этмаган, парвона қилмаган. Ҳеч шубҳасизки, адабиёт ҳар биримизнинг ҳаётимизда маданий маънавий муҳитни ташкил қиласиди. Жажжилигимиздан эртаклар орқали тасаввуримизда комил инсон идеали шаклана бошлайди, бадиий асарларни ўқиган сари эса дунёни, ўзликни англай бошлаймиз. Эртаклар эса дунёни атак-чечак ила англай бошлаган болажонга сирдош, йўлдош бўлса ажаб эмас.

Адабиёт орқали илк бор гўзаллик, адолат, ҳалоллик, виждон каби олий тушунчалар бола қалбидаги бўлади, илдиз отади. Хусусан, ўзбек халқида адабиётга бўлган меҳр асрлар силсиласида она сути орқали авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кўз ўнгимизда завқ билан кулаётган кичкинтойнинг томирида оқаётган қонда Румий, Навоий, Нодирабегим, Қодирийларнинг илҳоми, шижаоти, орзуинтилишлари мужассамлашган бўлса не ажаб.

Мустақилликка эришгандан сўнг ёш авлодга чуқур билим олиш, ўрганиш, юқори чўққиларга эришиш учун катта имкониятлар яратилиб берилди. Бугуннинг боласи телевидение, радио, глобал тармоқ орқали турли керакли маълумотларни қабул қиласиган ҳолда, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етмоқдалар. Аммо, адабиётнинг улкан аҳамияти неча замонлар ўтмасин ўз моҳиятини

йўқотмайди. Негаки, сўз туғилибди, адабиёт бор, адабиёт бор экан юксак маънавиятга интилиш ҳисси мавжуд! Зеро ҳар бир кунимиз, наинки умримиз ҳам комиллик сари интилиш ҳисси билан лиммо-лим.

Бувижон, буважонларимиз ҳали ҳарфни танимаган пайтимииздан эртаклар, ҳикоялар сўзлаб, мурғак қалбимиизда яхшиликка, яхши инсонларга меҳр уйғотишади. Эшитган эртакларимиздаги қаҳрамонларга тақлид қилиб, ўша қаҳрамонлар каби йўл тутишга ҳаракат қилаётган бола эса, секин-аста ҳам ижтимоий, ҳам маънавий ҳаётда адабиёт билан нафас ола бошлайди. Эртаклардаги образларнинг ҳаётий тимсолини кундалик турмушда қўра олади, яхши ва ёмонни ажратади олувчи бўлиб вояга ета бошлайди. Шуни таъкидлаш жоизки, адабиётга меҳр қўйган бола қўлидан ҳеч қачон ёмонлик келмайди. Аксинча, адабиёт гўдакнинг мақсад билан яшовчи, ҳаётсевар, инсонпарвар, жўмард бўлиб камол топишида йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиласди.

Шундай экан, фарзандларимизни эртаклар олами билан яшашга ўргатайлик, токи ҳаётда бош қаҳрамондек яхши амаллар билан ёмонлик устидан ғалаба қозонсинлар, ўз ҳаётларининг адолат учун курашувчи бош қаҳрамонига айлансинлар. Зеро, ҳаётимиз ҳам бир ҳикоя ёки эртак янглиғ интихоси яхшилик шодиёнаси бўлса не ажаб! Бош қаҳрамонларимизни муносиб тарбиялаш эса бизнинг вазифамииздир.

Валида АБДУҒАФФОР қизи
«Соглом авлод учун» ва «Мактабгача таълим»
журналлари бўлим мухаррири

Мактабгача таълим болаларининг бўш вақти-
ни мазмунли ўтказиши, уларнинг маънан соғлом,
билимли, баркамол авлод бўлиб етишиши йўлида
ушбу тўплам янги эртак, шеърлар ҳамда аввалда
эълон қилинган, жаҳон дурдоналаридан ўрин ол-
ган ўзбек халқ эртакларидан энг сара шеър, ҳикоя
ва эртаклар билан бойитилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДХИЯСИ

A. ОРИПОВ сўзи
Мутал (Мутаваккил) БУРҲНОВ мусиқаси

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга баҳт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илм-у фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚАРОТ:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оlamни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқдол машъали тинчлик посбони,
Хақсевар, она юрт, мангут бўл обод!

НАҚАРОТ:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оlamни маҳлиё айлаган диёр!

ИЛК ЁШ ГУРУХИ (2-3 ЁШ)

ҮҚИБ БЕРИШ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИШ

ФИЛ БИЛАН ХЎРОЗ

(Ўзбек халқ әртаги)

Бир бор экан, бир йўқ экан, даканг хўроз билан фил бор экан. Кунлардан бир кун дакан хўроз филнинг олдига келиб, қаттиқ қичқирибди:

– Қув-қу-қу-кув!

Фил ҳайрон бўлиб: «Мунча чиранади бу», – деб ўйлабди. Хўроз ҳаммаёқни титиб, чўқиб, дон териб еянерибди. Яна:

– Қув-қу-қу-кув! – деб қичқираверибди.

Унинг овозини эшишиб: «Бир ўхшатай буни», – деб ўйлабди Фил. Унга қараб шундай дебди:

– Ким кўп овқат ейди, сенми, ё менми?

Хўроз:

– Мен кўп ейман – дебди чираниб.

Улар, «Ким кўп овқат еяр экан?» – деб гаров боғлашибди.

Фил жуда кўп овқат ебди, кейин тўйиб уйқуга кетибди. Уйғониб қараса, хўроз хали ҳам донлаб юрган эмиш. Фил яна овқат ея бошлабди. Овқатни еб бўлиб, яна уйқуга кетибди.

Бир вақт уйғониб қараса, кеч бўлиб қолибди. Хўроз бўлса, ҳалиям донлаб юрган эмиш.

Дон териб еб, тез-тез:

– Қув-қу-қу-кув!. – дермиш хўроз.

– Еб туймас экан-ку! – дебди Фил ҳайрон бўлиб.

– Бунақа жониворни сира кўрган емасман!

Хўроз гаровда ютгач, ўзича: «Филнинг устига чиқиб, бир томоша қилай», – деб ўйлабди.

У пир этиб учиб, Филнинг устига чиқибди. Филнинг жон-пони чиқиб кетибди.

– Вой дод. Мени еб қўяди – деб қичқирибди-да, шу қочганича ўрмонга кириб кетибди.

Хўроз бўлса, унинг орқасидан қараб, қанотларини таппиллатиб:

– Кув-қу-ку-кув! Мен зўрман – деб қичқирибди.

M. МУРОДОВ

МЕҲРИБОН

Салимжоннинг дадаси кечқурун катта қовун сўйди-да, бир косасини онасининг одига қўйди. Қолганларини лаганга каржлади. Салимжоннинг опаси Каромат қирғич келтириб, бувисининг қовунини қириб берди. Ҳаммалари қовун ея бошлашди. Фақат Салимжонгина қўл чўзмай ўтиради.

– Ол, нега емаяпсан? – деб сўради ойиси.

– Менгаям ўшанақа қилиб беринг, – деди Салимжон бувиси еяётган қовунга кўз ташлаб.

– Вой, бувимнинг тишлари йўқ-ку. Сен ҳам қаримисан?

Салимжон индамади. Кейин кўз қирини ташласа, бувиси қирқилган қовунни ҳам кавшаниб еяпти. Салимжон аста лаганга қўл чўзди.

Эртаси куни Салимжон боғдан шафтоли узиб чиқди-да, бувисига меҳрибонлик билан:

– Бувижон, қирғичингиз қани, шафтоли қириб бераман, – деди.

БИЛМАЙ ҚОЛИБ

Райхон ёнғоқ чақиб еди-да, пүчогини оёқ остига ташлади. Акаси Бахтиёр чопиб чиққан зди, ёнғоқ пүчогини босиб олди, пүчоқ оёғига кириб, қонатди. Бахтиёр йиглади. Бахтиёрға құшилиб Райхон ҳам йиглади. Чунки у акасининг оёғи оғранига раҳми келиб кетди. Үнга ёрдам бергиси келарди-ю, лекин құлидан келмасди.

ИККИ ЭЧКИ

(Ўзбек халқ әртаги)

Икки кайсар эчки бўлган экан. Кунлардан бир куни иккаласи анҳор устидаги якка чўп кўприк устида учрашиб қолишибди. Иккисидан бири йўл бериши керак экан.

- Йўл бер! – дебди бири.
- Сен йўл бер! – дебди иккинчиси.
- Сени деб орқага қайтаманми? – дебди биринчиси.
- Бўлмаса сени деб мен орқамга қайтаманми?
– дебди иккинчиси.

Шундай қилиб, иккалалари аччиқланишиб, сузишиб кетибди.

Кейин биринчи эчки бир қадам, иккинчи эчки уч қадам орқага қайтиб, бирдан бир-бирларига ҳамла қилишибди. Шоҳлари шоҳларига тегиб, чақмоқ, чаққандек бўлибди.

«Қарс» этган овоз далани тутибди.

Икки қайсар эчки юмалоқ ёстиқ бўлиб ағдарилиб кетибди.

МАҚТАНЧОҚ ҚҮЁН

(Ўзбек халқ әртаги)

Кунлардан бир кун жиккаккина ола қуён шे-
риклариға:

– Бўридан қўрқмайман, тулкини бир пуфлаб
осмонга учириб юбораман, – деб чиранибди.

Ҳамма унинг мардалигига қойил қолиб, ёқа уш-
лаб турганда, бирдан бўри келиб қолибди.

– Ҳап – деб қуёнларга ташланибди у.

Ола қуён ўзини ҳаммадан олдин эшикка уриб-
ди. Бўри унинг йўлини тўсибди. Шу он ола қуён
улар ўтирганига қарамай бир сакраган экан, бўри-
нинг бошига чиқиб қолибди. Буни тум-тарақай
қочаётган қуёнларнинг ҳаммаси кўрибди. Бўри
эса ола қуённи иргитиб юборибди. Ола қуён зўрга
кутулиб, бир неча вақт нафасини ростломай,
чангалзорда ётибди.

У кеч кирганда уйига кириб борибди.

– Аҳволларинг қалай? – дебди у гердайиб.

– Ҳайрият, омон экансан. Бўрига ем бўлган-
сан, деб ўйлаган эдик – дейишибди қуёнлар.

– Бе-е, – дебди ола қуён сир бой бермай ва мақ-
таниб кетибди. Ем бўлиб бўпман. Бошига чиқиб
бир тепдим, тил тормай ўлиб қолди.

Ола қуён ўртага чиқиб, бўрининг терисини қан-
дай шилганини мағганиб сўзлаб кетибди.

– Раҳмат сента, ола қуён, бўридан қутулибмиз,
– дебди қуёнлар.

– Ҳа, бутунлай қутулдинглар, – дебди керилиб
ола қуён, бўри пойлаб турмаганмикан деб ҳаво-
тирланиб, атрофига қараб қўйибди. У мақтанчоқ,
лекин жуда қўрқоқ экан.

ТОНГГИ СҮЗ

Аҳмад тонгда уйғонди-ю, югуриб ҳовлига чиқди. Қараса, бароқ мушуги унга қараб келаяпти. Бошини эгип, оёқлари остига эркалана бошлади.

— Миёв, миёв!

Аҳмад ҳайрон бўлиб турди-да, йўлида давом этди. Сўнгра тонг шамоли гувиллаб, унга эргашди. Дарахт япроқларини шитирлатиб, қувлай бошлади.

— Кув-қув...

Қаердандир бир чумчукча учиб келиб, дарахт шохига қўнди. Сўнгра Аҳмадга қараб, сайрай бошлади.

— Чириқ чиқ-чириқ...

Аҳмад қушчанинг қўшигини берилиб тингладида, яна йўлга тушди. Қарангки, қадрдан кучуги қоплон инидан чиқиб қолди. У ҳам тўппа-тўғри Аҳмаднинг олдига чопиб келди. Думини ликиллатиб, вовуллади: «Вов-вов-вов!

Аҳмад ҳовуз бўйига келди. Сувда ғоз ва ўрдаклар сузид юришарди. Улар қирғоққа яқинроқ келиб, қичқиришди:

— Fo-fo-fo.

— Fa-fa-fa.

Шу пайт қўшни уйнинг эшиги очилиб, Нигора кўринди. У жилмайиб:

— Салом, Аҳмад, — деди.

— Салом, Нигора! — жавоб берди Аҳмад ҳам.

Шундагина у йўлда учратган дўстлари — мушук, шамол, қоплон, ғоз ва ўрдакларнинг унга нима дейишганини тушуниб олди.

Болалар, эрта тонгда айтиладиган бу сўзнинг қандай сўз эканини биласиз-а?

ОЙИЖОН

(Ҳикоя)

Қосим күча эшикдан ҳамиша бўлар-бўлмасга «Оий», деб йиғламсираб келар, ойиси бирор юмуш буюрса «йўқ, йўқ», деб уни бажармас эди.

Қосим аммасиникига боргандা ҳайрон бўлди. Аммасининг кенжা ўғли – ўзи тенги Пўлатжон ойиси бирор юмуш буорадиган бўлса, «хўп, ойижон», дер экан. Қосимга бу муомала жуда ёқди. У уйга қайтгач, ойисини «Ойижон», деб чақирган эди, ойиси ҳам туриб: «Қосимжон, келдингми, ўғлим?», деб жавоб берди. Қосим хурсанд бўлганидан жилмайиб қўйди.

М. МУРОДОВ

БЎЛИВ ЕЙИШДИ

Зироат опа ишдан қайтганда қизчаси Одила эшик олдида ўйнаб юрган эди. У югуриб бориб, онасини қучоқлади. Она Одиланинг пешанасидан ўпди. Сумкасидан уч дона конфет ҳам олиб берди.

- Ҳаммаси ўзимгами? – деб сўради Одила.
- Ҳа, ўзингга, – деди Зироат опа.
- Йўқ, ўзимгамас. Бўлиб еймиз.

Уйга кирганда Одила конфетларини бувисига берди.

- Бувижон, бўлиб беринг!

Бувиси:

- Мана булар сенга, – деди-да, иккита конфетни Одилага узатди. – Мана бу биттаси Собир акангга.
- Йўқ, бунақамас, – деди Одила.

– Бўлмаса иккитасини акангга бера қол, – деди бувиси.

– Бунақамас, – деди Одила яна унамай.

– Қанақа қилиб бўлай, ўзинг кўрсата қол!

Одила ҳамма конфетни қўлига олиб, биттасини бувисига, биттасини акасига берди. Бирини ўзи олди.

М. МУРОДОВ

ТЎП

(Эртак)

Бир тўп бор экан. У дум-думалоқ, бир томони лоладек қизил, бир томони гул баргидай яшил, жуда чиройли экан. Унинг қўли ҳам, оёғи ҳам бўлмаган экан. Шунга қарамай, тўп тиниб-тинчимас экан. Ҳали осмонга сакрар, ҳали ерга тушар, ҳали четга сапчир, ҳали ўтлоққа юмаларкан. Баъзан каравот тагига кириб, жим ётаркан.

Болалар тўп кетидан кувишар, лекин тўп тутқич бермай қочавераркан.

Бир куни тўп сакраб, томга чиқиб олибди. Бундай қараса, ҳовлидаги супада хўппа семиз бола пишиллаб ухлаб ётганмиш. Тўпнинг фаши келибди. Ҳамма болалар ўйнаб юрсаю бу...

Тўп бир сакраб, боланинг қорнига тушибди, бола чўчиб уйғониб:

– Кимсан? – деб бақирибди.

– Тўпман. Нега шу пайтгача ухлаб ётибсан? Қорнингни қара, шишиб кетибди, – дебди тўп.

– Ишинг бўлмасин. Жўна бу ердан. Бўлмаса, додингни бераман, – дебди-да, бола тўпга бир мушт туширибди.

Тўп учиб бориб, супа четидаги дарахт танасига зарб билан урилибди-да, қайтиб келиб боланинг

бошига тегибди. Боланинг жаҳли чиқибди. У ўрнидан туриб, тўпни тепибди. Тўп деворга урилиб, яна қайтиб келибди. Бу гал бола зарб билан бир тепган экан тўп девордан ошиб кўчага тушибди:

– Барибир, қайтиб келаман, – деб бақирибди тўп.

Ҳар куни тўп девордан, томдан ошиб тушаверибди. Бола уни ҳайдаб, тепаверибди.

Шундай қилиб, тўп ялқов болани чаққон, кучли қилиб юборибди. Бола бундан хурсанд бўлиб, тўп билан дўстлашиб олибди.

ЁД ОЛИНГ ВА ИФОДАЛИ ЎҚИНГ

ШУКУР САЪДУЛЛА

ЛОЛА ВА МУШУК

Мен – Лоламан, Лоламан,
Озода қиз бўламан.
Эрта билан тураман,
Юз-қўлимни юваман.
Мушугим бор – қора мош,
Ўзи жудаям ювош.
Мендан олдин туради,
Юз-қўлини ювади.

A. РАҲМАТ

АЙИҚЧАМ

Кенг катакда ётади,
Икки қора айиқча.
Чўмилгиси келса-чи,
Бордир цемент ҳовузча.

– Ўйна айиқ, айиқча!
Деб қичқиради қизча.
Құл күтариб айиқча
Ўйинга тушди пича.

A.RAХМАТ

АЙИҚЧАМ

Айиқчамнинг оёғи
Тушди узилиб,
Қараб турар айиқчам,
Кўзи сузилиб.

Айиқчамни мен жуда
Яхши кўраман.
Оёқчасини ўзим
Тикиб қўяман.

АНВАР ОБИДЖОН

ПАХТА ВА ЧИГИТ

Пахтагинам лўппича,
Чаноқларга дўппича.
Ўзи – оппоқ,
Бир қаранг.
Болачаси –
Жигарранг.

ҲАМИДУЛЛА ЁҚУБОВ

ҚОР

Қор, қор, қорлар,
Атроф порлар
Йилт-йилт нурдек,
Оппоқ ундеқ,

Шакар ундеқ
Шакар десам,
Агар есам,
Оғрир тишим.
Қор, қор, қорлар...
Атроф порлар...
Йилт-йилт нурдек,
Оппоқ ундеқ.

Т. ОРТИҚХҮЖАЕВ

КУЛЧА НОН

Нон ёпганда менинг ойим,
Кичик кулча ёпар доим.
Кулча жуда мазали,
Седанали, жиззали.
Еган сайин егим келар,
«Раҳмат ойи», дегим келар.

Х. РАҲМАТ

ҚУЁНЧА

Бола қуён
Чопди, чопди,
Битта жойдан
Сабзи топди.
Воҳ-ей, воҳ-ей.
Ўлжа сабзи –
Қизил, асл.
Еса борми,
Танга ҳузур.
Оҳ-ей, оҳ-ей.

Апил-тапил
Чайнади у,
Лой экан, вуй,
Тфу, тфу.
Вой-ей, вой-ей.

ШУКУР САЪДУЛЛА

ЁМФИР ЁФАЛОҚ


Ёмфир ёфалоқ,
Ям-яшил ўтлоқ.
Энди экинлар
Чиқарар қулоқ.

Тарновдан ошиб,
Тушади шошиб,
Сўнг жилғалардан
Оқади тошиб.

Ариқлар тўлар,
Зўр анҳор бўлар.
Сув сероб экан,
Кўп пахта унар.

Ёмфирдан фойда,
Майсага, донга.
Юрт сероб бўлар
Оқ буғдой нонга.

Ёмфир ёфалоқ,
Томчи юмалоқ.
Ёмфир тинганда
Чиқар камалак.



ВОДРИНГ

Бодринг дер: – Диринг-диринг,
Полизга кириб туринг,
Полизга кирган чоғда,
Палагим босмай юринг.

Мен ҳам сиздай боламан,
Қовоқ солиб оламан.
Палагимни боссангиз,
Аччиқ бўлиб қоламан.

A. ЗИЁМАТ

ЁЗ ШАМОЛИ

Шивир-шивир
Ёз шамоли
Эсар аста –
Тун наволи

Боғ оралаб
Гув-гув елар
Беҳи ҳидин
Олиб келар.

ВАЛИДА АБДУҒАФФОР ҚИЗИ

ҚАРҒАВОЙ

Кор ёғса гар далага,
Кушлар қўнар марзага.
Бизнинг қора қарғавой,
Ўйин тушар мазада.

КИЧИК ГУРУХ
(3-4 ЁШ)

ЎҚИБ БЕРИШ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИШ

ЯЙРА САДУЛЛАЕВА

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ
Ҳикоя

Олма шохига илинган тўрқовоқдаги бедана шўхгина сайраб, ширин уйкуда ётган Раъно қизни уйғотиб юборди. Раъно қоп-қора киприкларини пирпиратиб, кўзини очди. Қараса онаси ўрнида йўқ, укаси бешикда пишиллаб ухлаб ётибди. Қизалоқ ижирғаниб ётишни ёмон кўради. Уйқуси ўчдими – туради-кўяди. Ҳатто тепасига онажони келиб: «Турақол, қизим», – деб эркалаб ўтириши ни ҳам кутмайди. Аҳир бувижони: «Яхши қиз ўзи уйғонади, йифламайди», дейди-да доим. Раъно ўрнини тузатиб кўйгиси келди. Эплаши бирам қийин бўлди – бирам қийин бўлди. Кўрпасининг у ёғини текислайман деса, буёғи тортишади. Майли, сал катта бўлсин, бувижонининг ўрнини ҳам ўзи йиғиб, чиройли қилиб кўяди.

Шу пайт онасининг овози қулоққа жудаям ёқимли эшитилди:

– Асалим, новвотим, турдингми?

Махбуба опа қизалогини юқорига азот кўтариб, кейин бағрига босди. Раъно қиқир-қиқир кулди. Ҳайтовур, кулгусидан укаси уйғониб кетмади. Ойижонига салом бергиси келди-ю, беролмади. Юзини юмай туриб, бировга салом бериш мумкин эмаслигини у яхши билади-да. Унинг ўрнига

қизалоқ ҳам онасининг бўйнидан маҳкам қучди. «Асалим, новвотим», – деб эркалаши бу гал жуда-ям ёқиб кетди.

– Ойижон, асал ширинми, новвотми?

– Улардан ҳам сен ширинсан.

Раъно қувнабгина Маҳбуба опанинг бағридан тушди. Юз-қўлини ювиб келди. Чиройли сочиғига артиниб, жойига илиб қўйди. Ошхонада но-нушта тайёrlаётган онажонининг олдига чопиб, салом берди.

– Ваалайкум ассалом, энди бувижонинг салом бер.

Раъно айвонда тасбех ўгириб ўтирган бувижонинг олдига чиқди. Кампир уни кўриб, ял-ял ёниб кетди. Қизалоқ дўмбиллаб бориб, ўнг қўлини кўксига қўйиб, унга салом берди.

– Ассалом алайкум.

Кампир алик олаётиб, кўзлари чақнаб турган набирасининг «Ақлли, доно қизим», деб мақтаб қўйди. Нимчасининг чўнтағидан ялтир-юлтир қофозга ўралган попук олиб, унга тутди: «Ҳали егин», – дея тайинлади у. Маҳбуба опа хонтахта устига пахтадай оппоқ дастурхон ёзди. Юмшоққина нон, сопол товоқда қаймоқ ейишни ёқтиради. Ўзи си-гир соғиб, ўзи қаймоқ сузиб келган ёшлиқ давларини эслайди. Набираларнинг эсида қолсин деб, кичкина-кичкина сопол товоққа сут солдириб, ай-воннинг икки устуни орасига ўрнатилган тахтага қўйдириб, устига дока ёптиради. Худонинг берган куни нонуштага янги сузилган қаймоқ едиради. Болалар ҳам шунга ўрганишган.

Маҳбуба опа Раънога ҳам жажжигина сопол товоқда қаймоқ келтирди. Раънонинг қаймоқ рангига ҳаваси келиб кетди: «Оппоқ». Бувижони буни дарров сезақолди. «Қаймогинг мени тезроқ еб қўйсин», – деяпти.

Раъно кутимаганда: «Қаймогим, оппогим», – деб юборди. Бувиси жилмайиб қаради. Бир-икки тишилам нонни майдалаб набирасининг идишига солди ва ботириб-ботириб қўйди. Ўзи: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим», – дея оғзига солди. Раъно қараса, бувижони қаймоқни қўли билан еяпти. У ҳам шундай қилмоқчи эди, бувиси:

– Кошиқчанг билан еяқол, бўлмаса, ҳамма ёғингни қаймоқ қилиб юборасан, – деди.

– Чой ичиб бўлишгач, бувижони фотиҳа ўқиди. Раъно ҳам кичкина қўлларини очиб турди. «Юрга тинчлик берсинг», – деди кампир. «Она қизим катта бўлсин, чодирларга келин бўлсин» – деди кампир яна.

Набираси ҳам юзига фотиҳа тортди. Сўнг пиёлаларни йифишириб ҳовлига тушди. Ариқчада жилдираб оқаётган сувда тозалаб ювди. Ҳаёлида сув унга қўшиқ айтиб бераётганга ўхшади. «Овозларинг мунча чиройли», – деди сал згилиб. Сувда фира-шира акси кўринганга ўхшади. «Вой, сени қара, мени сувратга олаяпсанми?» Сув уни сўзини тасдиқлагандек жилваланди, унга имо қиласи. «Ҳозир бувижонимга қарай. Ҳали ўртоқларим чиққанида сен билан сувсепар ўйнаймиз».

Раъно пиёлаларни жойига олиб кетаётиб, ҳовлидаги гулларга қараб-қараб қўйди. Бугун роса очилишибди: оқ, қизил, пушти. Атиргулнинг ҳиди бутун ҳовлини тутади-я. Гулларнинг ёнидан ўтатуриб бувижонига ўхшаб садарайҳонни силкитиб юборди. Унинг ҳушбой ҳиди ҳаммаёққа таралди. Қизалоқ беихтиер: «Салом, гулларжон!» – деб юборди.

Бувижониси эса ҳассасига таяниб, дам гулларга, дам ҳосили шовул бўлган дарахтларга қараб турарди.

– Бувижон, нега дарахтлар шоҳларини эгиб туришибди?

– Улар сенга салом беришяпти.

Раъно дарахтларнинг салом беришини сира эшитмаган эди, кўзлари жавдираб кетди. «Яхшилаб қарагин, улар гапирайпти. Сени катта қиз бўлсин», – дейишяпти. Бувиси айтдими, демак, дарахтлар билан гаплашса бўларкан, ҳали япроқларига, албатта, айтади. Ишонишмаса, ишонишмасин. Барибир: «Бизнинг олма гапиради, дуо қилади», – дейди.

Бувижонининг яхши одати бор: деярли ҳар куни эрталаб невараси билан кўчага чиқади. Дарвоза олдидаги тахта ўриндиқда бир оз ўтиради. Ўтганкетган билан сўрашади. У бу янгиликларни эшигади. Кўчалари унча катта эмас, беш-ён хонадон бор. Орасталикда, кўкаламзорликда шаҳарда биринчи бўлса, ажабмас. Бувижони: «Набирам ҳам одамларни кўрсин, атрофни танисин», – дейди. Бугун ҳам у шу одатини тарк этмади. Иккалалари етаклашиб кўчага чиқишиди. Чиқиши-ю, Раъно бақрайиб қолди. Ўтиб кетаётган уч-тўрт чол-боболар бувижонига яқин келиб, яна қўлларини кўксиларига кўйиб салом беришиди. Ҳол-ахвол сўрашиди. Бувижони шундай илтифот билан алик олдики, Раънонинг оғзи очилиб қолди. Кишиларга секин бўйини чўзиб қаради. Улар қизалоқ ўйлаганчалик қари эмас эканлар. Раъно амакижонларига ҳам ширингина бўлиб салом берди.

– Ие-ие, пучук қизим, пучук қизим, – дея битта амаки ёнидан қурт чиқариб, унга узатди. – Раҳмат, – деди Раъно қимтиниб.

Амакижонлар хайр-хушлашиб туриши-ю, бироқ анчагача Раънони саволга тутишиди.

– Бувижон, нимага ҳамма бир-бирига салом беради? – сўради ўйланиб қизалоқ.

– Томдан тараша тушгандай гаплашиб кетса бўлмайдику. Аввало саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашади. Бу одат, кейин, «Ассалому алайкум» дегани, «Сизга тинчлик тилайман!» – дегани. Сенга, мана, мавриди келди, бир ривоят айтиб берай. Менга ҳам, айтиб берганлар. Ҳозир унча тушунмасанг каттароқ бўлгандা тушунасан.

Ривоят қилишларича қадимда қабилалар жуда кўп жанжаллашар, урушаверар эканлар. Куналарнинг бирида уларнинг вакиллари Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалам олдиларига келиб, қандай қилиб бундай уруш жанжалларнинг олдини олса бўлади, деб сўрабди. Шунда пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салам шундай деб айтибдилар:

– «Кўришганингизда сўрашинглар, бир-бирингизга тинчлик тиланглар» – дебдилар.

Раъно: «Тушундим» – дегандек, бошини ликиллатиб қўйди.

– Бувижон, мен ҳаммага салом бераман, – деди у ўйчан.

– Доно қизимдан ўргилай.

Шу пайт сал нарироқда катта дарвоза шараклаб очилди-ю, кичкинтой Санжар билан Наргиза опа пайдо бўлишди. Наргиза опа дарвозани қулфлаётib, ўғлига ниманидир куюниб гапирди. Санжар эса, Ростдан бу ўша кечагина ҳамманинг ҳаваси келган Санжар? Агар у бўлса, нега онасининг гапига кирмаяпти. Ахир, бувижони: «Ўзидан катталарнинг гапига кириш керак», – деб айтадиларку. Санжар ҳам эшитмаганимкан бу гапларни? Бувижони: «Санжарнинг олдига бор», – дея имо қилди. Наргиза опа Санжарга яна нимадир деди.

Боланинг ўжарлиги тутди. Онаси унинг елкасига қўлини охиста қўйиб, яна алланима деди.

Санжар яна баттар қовогини солиб олди. «Юра қол, бувинг хавотирланадилар!» – десаям, «Боймиман, боймиман» – деганини қизалоқ яққол зишитди. «Қаранг, Раъно қарайпти, уят қилади» – деди Наргиза опа. Бола ер остидан Раънога қаради. Қаради-ю, қовогини баттар уйиб олди. Қизалоқнинг күшни холага раҳми келди. Уларга яқинлашди. Энди Санжар ўзи билан тенг Раънога қараб бақрайиб қолди. Чехраси бироз очилгандек бўлди. «Сиз билан мен бора қолай», деди Раъно Санжарнинг онасига. «Хо, ўзи боради, ўғлим ақлли бола». Раъно кўлидаги қуртни Санжарга узатди. Санжар нима қиларини билмай қолди. Олгиси келди-ю, ийманди. Онасига қаради.

«Ола қол», – деди онаси. Санжар тортинибгина олди. Наргиза опа қизалоққа миннатдорчилик билдириб, печенье тутқазди. Раъно:

– Раҳмат, – дея печеньени олишга олди-ю, емади. Кўчада эса, ушоги ерга тушади, увол бўлади.

Бувиси шундай деганлар.

– Санжар Раънога қарай-қарай, онасининг кўлидан тутганича кета бошлади. Қизалоқ ўзида йўқ хурсанд эди. У яна битта нарсадан суюниб кетди. «Қорашақшақ»нинг (онаси шундай дейди) мимитгина болалари пириллаб учеб, онаси билан олдинма-кетин ерга, сал нарироққа – холироқ жойга қўнишди. Полапонлар чукурлашиб, оналарининг тумшуғига интилишарди. Она қуш оғзини очди. Гўдакларнинг бири ундан насибасини олиб бўлгач, яна учеб кетди. Яна келди. Яна чукур-чуғур. Раъно уларни томоша қилиб турди. Уларга шунчалик маҳлиё бўлганидан, ўртоғи Иброҳимнинг келиб қолганинин ҳам сезмади. Иброҳим ҳам у дараҳтдан бу дараҳтга қўниб турган зағизғон, мусичаларга қаради. Унинг ҳавасини келтиргандек бир неча кабутар учеб келиб, сал

нарироқ күнишди. Улар роса чиройли, айниқса, оппоги. Улар ғулдур-ғулдур қилишиб, ўзлариша алланималар дейишарди. «Бир-бирларига салом беришаяпти», – деб ўйлади Раъно. Кушлар ердан у буни териб еган булишди. Кейин биттаси осмонга талпинди. У шундай қанот ёзиб учдики, унга қараб, келган кабутарлар ҳам бирин-кетин кўтарилишди. Улар кўтарилганда, қанотлари ўзига хос овоз чиқарди. Бу овоз Иброҳимни гўё ўраб-чирмаб олганди. Бирдан унинг бу сахий олам узра парвоз қиласи, осмонни сайр этгиси келиб кетди. Кутимаганди, кўлларини кенг очиб юборди.

– Куш бўлиб учгим келаяпти, – деди у ширингина қилиб.

Яқинроқ келиб, уларни кузатиб турган бувижони ҳайратдан ёқасини ушлади. Шу ёшга кириб, бу тенги болалардан бунақанги гапни эшигмаган эди.

Иброҳимнинг кўзлари ёнди. Қулочини яна ҳам очди, силкинди. Унга қараб, Раъно қанотларини ёзган қушчадек қўлларини очди. Иккалалари силкинишиб-силкинишиб, гўё учиб боришарди. «Салом, кушлар!», – дея дам чайқалиб, дам ўқдек учиб бораёғгандек, қўёшга интилаётгандек ҳис қилишарди ўзларини. Иккалалари шод, иккалалари баҳтиёр эдилар шу дамда. Улар бутун борлиқقا – ўзлари тушуниб етиб етмаган борлиқقا, сув ва қўёшга, осмону заминга, ўт-у ўланларга, ҳамма-ҳамма нарсаларга салом бергилари келарди. Ҳали улар салом бермоқ – мурғак юракларининг аксадоси эканини яхши тушунмасдилар. Лекин салом бергилари келарди. Бувижонлари ўргатган бу хислат, улар учун муқаддас эди.

Бунижонлари Раъно билан Иброҳимни бағрига олди. Уларга Беҳзоду Дислоралар, Ҳабибхону Аза-

матлар, Мустақилхону Иқболхонлар құшилишди.
Улар ҳам ўзлари учун янги, ниҳоятда бахтиёр ва
сирли оламни кашф қилишарди.

ЭЧКИ БОЛАЛАРИ (Ўзбек халқ эртаги)

Бир бор экан, бир йўқ экан, баланд тоғ бағридаги серӯт, кўм-кўк водийда бир эчки ўз болалари билан яшар экан. Биринчи боласи Булбули, иккинчиси Гулсари, учинчиси Саргули, Тўртингчиси Хамиртуруш, бешинчиси Мирзахўриш, олтинчиси Лолақизгалдоқ деб аталар экан.

Эчки болаларини жуда ҳам севар, улар учун ҳатто ўз жонини ҳам аямас экан. У ҳар куни тоғ бағридаги ўтлоққа ўтлагани чиқиб кетар экан. Болаларига эса эшикни ичкаридан тамбаллаб олишни, уйдан ҳеч ёққа чиқмасликни тайинлар экан. Шундан кейин кўм-кўк ўтлоқдаги барра ўтлардан тўйиб-тўйиб ер, баланд тоғ бағридан шарқиллаб оқиб тушаётган шишадек тиниқ булоқ сувидан қониб-қониб ичар экан. Унинг бутун фикри-зикри болаларини боқиши экан. Болаларига деб тоғдаги қалин, барра ўтлардан йифиб қопга солиб, уларни кўтариб уйга қайтганда, эшикни охиста тақиллатиб, мулоийим овоз билан болаларини чақирап экан:

*Булбулужон болам,
Саргулижон болам,
Гулсарижон болам,
Хамиртуруш болам,
Мирзахўриш болам,
Лолақизгалдоқ болам,
Оч эшикни, жон болам!*

*Қопим тўла ўт келтирдим,
Елимим тўла сут келтирдим.
Оч эшикни, жон болам!*

Шунда улоқчалар қувонишиб, эшикни очар эканлар. Она эчки келтирган майса ўти ва ширин сути билан болаларини хўп тўйғазар экан. Сўнгра уларни ялаб-юлқаб, эркалаб ухлатар, эртасига эчки яна болаларини эмизиб, уларнинг олдига барра ўтларни ташлаб, ўтлоққа жўнаётганида:

– Болаларим, жуда эҳтиёт бўлинглар. Мен уйда йўқ пайтимда эшикни ичкаридан тамбалаб олинглар, уйдан ҳеч ёққа чиқманглар, ҳеч кимга эшикни очманглар, – деб тайинлар экан.

– Хўп, онажон, эҳтиёт бўламиз, – деб жавоб беришар экан улоқчалар. Ўрмонда яшайдиган кекса бўри пайт пойлаб она эчки ўтлагани кетган вақтида, уларнинг уйига келиб, худди она эчкидек эшикни тақиллатиб, қўпол хирилдоқ овоз билан ашула бошлабди:

*Булбули болам,
Лолақизгалдоқ болам,
Орқам тўла ўт болам!
Елиним тўла сут олиб келдим.
Эшикни оч, болаларим!*

Эчки болалари: «Бу хирилдоқ товуш билан ашула айттаётган ким?» – деб сўрабдилар.

– Мен ойиларинг бўламан, – дебди бўри. Улоқчалар бу чакирган ўз оналари эмаслигини даржол сезишибди.

– Йўқ, сен бизнинг онамиз эмассан, онамизнинг овози сеникига ўхшаш хирилдоқ эмас, онамиз оппоқ, қошларида ўсма, кўзларида сурмала-

ри бор, – дебди эчки болаларидан бири. Шундай қилиб, эчки болалари эшикни очишмабди.

— Бироздан сүнг она эчки ўтлоқдан қайтиб келибди, у болаларининг қилган ишларидан хурсанд бўлибди:

— Менинг ақлли, қулоқли болажонларимдан ўзим ўргилай, – деб улоқчаларини эркалабди...

Ҳ.БАДАЛОВ

ҚИП-ҚИЗИЛ ОЛМА

Турсуной ва Тоҳира – опа-сингил. Уларнинг ҳовлиси кенг, ўйинчоқлариям жуда кўп. Турсунойнинг туғилган кунига қўшни болалар Фарҳод, Шоира, Нигоралар келишди. Катта ҳовли ҳудди боғчага айланиб кетди. Уларнинг ўйин-кулгилигига Турсуной бош бўлди. Болалар боғчада ўргангани қўшиқларини айтиб беришди.

Эртасига нимагадир Тоҳира еб турган конфетидан яна олиб чиқиб, ўртоқларига улашди.

– Енглар дадам обкечдилар жуда мазалия!

– Ширин экан, – деди конфетни хашиб-паш дегунча еб бўлган Вазира. Буни қузатиб турган аммаси ўзича хурсанд бўлиб қўйди.

– Яша, қўзичноғим. Бу феълинг отангга тортган. Отанг ҳам қизганиш нима эканини билмасди...

Бугун Вазира уйидан бир қизил олмани тишлаб чиқди. Тоҳиранинг ҳам олма егиси келиб кетди.

– Менам битта тишлай.

– Хо... – деди Вазира олмасини орқасига яшириб.

Шу пайт Турсуной уйга кириб, тогорачада олма олиб чиқди-да, болаларга улашди.

– Ол, сен нега емайсан, – деди Вазирага.

– Бир четда турган Вазира тортинибгина қўл узатди.

ТУЛКИ БИЛАН ЧУМОЛИ

(Қыргыз халқ әртагы)

Тулки билан Чумоли дўст бўлиб буғдой сепишибди. Айёр Тулки ҳар куни қорним оғрияпти, бошим зирқирайпти деган баҳона билан далага чиқмасдан қимизхўрликка кетаверибди. Чумолининг бир ўзи эртадан-кечгача ишлаб сув қуяр, ўтоқ қилас экан.

Ниҳоят буғбой пишибди. Тулки хирмоннинг буғдойга тўлиб кетганини кўриб, Чумолини алдаб, ҳосилнинг барини ўзи олмоқчи бўлибди.

– Чумоли дўстим, шунча буғдойни тақсимлаб ўтиришнинг нима кераги бор? Кел, яхписи, қувлашмачоқ ўйнаймиз. Хирмонга ким биринчи бўлиб етиб келса, ҳамма ҳосил ўшаники бўлсин, – дебди. Чумоли бироз ўйланиб, ниҳоят, рози бўлибди. Ёнма-ён туришибди.

– Қани, бўлмаса бошладик! – дея Тулки қичқирибди-да, хирмон томон югуриб кетибди. Лекин чумоли ҳам бўш келмабди. У тулкининг думига ёпишиб олибди.

– Тулки хирмон олдига етиб келибди-да, силкинибди. Шунда Чумоли сирғалиб тушибди-да, буғдой устига чиқиб олиб, ўша ердан гап бошлабди:

– Ҳой, Тулки, намунча имилламасанг? Тулки саросимага тушиб қолибди:

– Қачон кела қолдинг?

– Аллақачон! Мен дам олишга ҳам улгурдим, сен бўлсанг, ҳали ҳам ҳансираф турибсан.

Шундай қилиб Тулки енгилиб, бошқа ҳийла ўйлаб тополмай жўнаб қолибди. Чумоли барча ҳосилни омборга ташиб олиб, қишда уни бир чеккадан еб ётаеварибди. Дангаса Тулки бўлса бутун қиш оч қолибди.

НОН ҲАМРОҲ

Қадим замонда икки киши узоқ сафарга чиқ-моқчи бўлишибди. Йўл олис, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган биёбонлардан ўтар экан.

Улардан бири бой одам экан. У ўзи билан бир халта олтин олибди. Иккинчи киши эса камбағал экан. У ўзи билан бир халта қотган нон олибди. Шунда бой камбағал шеригининг устидан кулибди:

– Қуруқ нон билан олис юртда тирикчилик қилиб бўларканми? Олтин олиш керак, олтин ҳар қандай юртда ҳам қадрли, истаган нарсани со-тиб олиш мумкин, – дебди.

Камбағал шериги индамабди. Икковлон йўлга чиқишибди. Йўл юрибдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрибдилар. Инсон зоти яшамайдиган саҳро-ю чўллардан ўтиб, роса чарчаб, очиқибдилар. Бир ёлғиз дараҳт соясида дам олиш учун ўтиришибди. Хуржунни олтин билан тўлчирган бой киши-нинг очликдан тинкаси қурибди, аммо бир бурда нон сўрашдан ор қилибди.

Сафарга нондан бошқа ҳеч нарса олмаган киши-нинг шеригига раҳми келибди. Унга бир бурда нон синдириб берибди. Иккови баҳам кўриб овқатланиб-дилар ва эсон-омон манзилга етиб боришибди.

Олтинга ишониб нонни менсимаган одам хижолатда қолибди, хатосини тушунибди. Ота-бо- боларимизнинг «нон – ҳамроҳ» деган ҳикматини ҳеч унутмаслик зарурлигини англабди.

БАРОҚХОН

(Ўзбек халқ эртаги)

Бир бор экан, бир йўқ-экан, оч эканда, тўқ экан, битта бароқ мушук бор экан. У якка ўзи катта чинор тагидаги бир уйда яшар экан.

Кунлардан бир кун мушукнинг бу ерда яшашини қарға билиб қолибди ва у ҳамма ҳайвонларга айтиб қўйибди. Қарғадан бу гапни эшигтган типратикан мушукнинг уйига келибди-да:

– Бароқжон, Бароқжон, эшигингни оч, икковимиз бирга яшаймиз,— дебди.

– Мунча ҳунуксан, келиб-келиб сен билан ўртоқ бўламанми? – дебди ва типратиканни уйига киритмабди.

Эртасига Бароқхоннинг уйига олмахон келибди.

– Бароқжон, Бароқжон, эшигингни оч, иноқ бўлиб, бирга яшайлик, – дебди у ҳам.

– Ўзинг сифасанми, думинг сифадими? – деб мушук олмахонни ҳам уйига қўймабди. Олмахон ўсал бўлиб, қайтиб кетибди.

Олмахондан кейин чопқир қуён келибди:

– Бароқжон, Бароқжон, эшигингни оч, йўлда очкўз бўри турибди, – дебди. Бароқжон қуёнга ҳам эшигини очмабди.

Қуёндан кейин ака-ука Ўмбалоқ ва Дўмбалоқ деган айиқчалар келишибди.

– Бароқжон, Бароқжон, эшигингни оч, биз Ўмбалоқ билан Дўмбалоқ бўламиз, сен билан бирга ўйнагани келдик, – дейишибди.

Мушук уларни ҳам қўймабди. Айиқчалар унга ёлвориб:

– Биз уйимизга борайлик, десак, йўлимизда оч бўри юрибди, жон ўртоқ, эшигингни оч,— дейишибди.

– Ўзларинг қўпол экансизлар, эшигим зўрга турибди, тегиб кетсаларингиз, ағдарилиб тушади, – деб айиқчаларни ҳам уйга киритмабди.

Бир вақт думини тараб тулки, лабини ялаб бўри келибди:

– Бароқжон, Бароқжон, сени бир кўришни орзу қиласдик, сенинг олғир бобонг Йўлбарс бизга қариндош бўлади, – деб мушукдан рухсат сўрамай ҳам ўзлари унинг уйига кириб келишавериди.

Бароқжонни гапиргани ҳам қўймай, мақтай бошлишибди.

– Вой-вой, ана бу гиламларни қаранг-а, ана бу кийимбошларни қаранг-а, идиш-товоқларни қаранг-а, – деб уни талтайтириб юборишибди. Сўнгра Йўлбарснинг уйини мақтай бошлишибди. Уларнинг мақтовини эшитган Бароқхон ўзига-ўзи Йўлбарснинг уйи менинг уйимдан ҳам чиройлик экан, дебди ва уларга.

– Мен бориб, Йўлбарс бобонинг уйини кўриб келай, сизлар менинг уйимни пойлаб ўтиринглар, – деб Йўлбарсникига қараб жўнабди. Йўлда пойлаб турган кўк бўри унга ташланибди. Бароқхон жон-холатда бўрининг кўзига чанг солибди, бўри кўзининг оғрифига чидолмай, уни қўйиб юборибди. Бароқхон уйига қайтиб келса, тулки билан бўри унинг ҳамма нарсасини еб кетишибди ва Бароқхонни ўз уйига киритишмабди.

Шунда Бароқхон нима қилишини билмай, дод солибди. Унинг додлаб йифлашини эшитган типратикан, олмахон, куён, Ўмбалоқ ва Дўмбалоқлар етиб келишибди. Ҳаммалари бир бўлиб, бўри билан тулкининг жазосини берипшибди. Бароқхон ҳамма ҳайвонларни уйига ўзи таклиф қилибди ва уларга.

– Жон ўртоқлар, келинглар, биргаликда дўст бўлиб яшаймиз, дўстликда гап кўп экан, – дебди. Шундай қилиб, Бароқхон улар билан биргаликда бехатар яшабди ва мурод-мақсадига етибди.

ҚҰЛҚОП

(Рус халқ әртаги)

Бобо ўрмондан ўтиб кетаётган экан, кетидан кучукласи әргашибди. Бобо кетавериби, бир маҳал йўлда қўлқопи тушиб қолибди.

Бир сичқон югуриб келиб, қўлқоп ичига кириб олибди.

– Энди мен шу ерда яшайман! – дебди у. Шу вақт сакраб-сакраб, қурбақа келиб қолибди:

- Бу қўлқопда ким яшайди! – дебди у.
- Кумур-күмур сичқонбой яшайди. Ўзинг кимсан?
- Вақир-вукур қурбақаман, менга ҳам жой бер!
- Кела қол.

Энди улар икковлашиб яшай бошлишибди. Қўлқоп ёнига юрганича қуёнбой етиб келибди.

- Бу қўлқопда ким яшайди?
- Кумур-күмур сичқонбой, вақир-вукур қурбақа яшайди. Ўзинг кимсан!
- Шалпангқулоқ қуёнман. Мени ҳам киргизинглар!
- Келақол.

Энди улар учта бўлишибди. Зинфиллаганча тулки етиб келибди:

- Бу қўлқопда ким яшайди?
- Кумур-күмур сичқонбой, вақир-вукур қурбақа, шалпангқулоқ қуёнвой, ўзинг кимсан?
- Тулкиниса бўламан. Мени ҳам киргизинглар!
- Шу билан энди улар тўртта бўлишибди. Бир маҳал қарашса, қўлқоп томонга Бўривой югуриб келиб қолибди.
- Бу қўлқопда ким яшайди?
- Кумур-күмур сичқонбой, вақир-вукур қурбақа, шалпангқулоқ қуёнвой ва тулкиниса, ўзинг кимсан?
- Бўривойман. Мени ҳам киргизинглар!

– Ҳа, кела қол!

У ҳам кирибди, энди улар бешта бўлишибди.
Шунда бирданига аллақаёқдан сўйлоқ тиш тўнфиз
келиб қолибди:

– Хур-хур-хур, қўлқонда ким яшайди?

– Кумур-кумур сичқонбой, вақир-вуқур қурбақа,
шалпангқулоқ қуёнвой, тулкиниса ва бўривой
ўзинг кимсан?

– Сўйлоқ тиш тўнфизман, мени ҳам киргизинг-
лар!

– Ана холос, ҳамманинг ҳам қўлқонга киргиси
келаверар экан-да.

– Сифмайсан, ахир!

– Бир илож қилиб сигиб қоларман, киритинглар!

– Нима ҳам дердик, кира қол! У ҳам кириб олиб-
ди. Энди олтита бўлишибди. Улар шундай сиқи-
либ қолишибдики, ҳатто қимирлашнинг иложи
йўқ экан. Шу вақт дараҳт шоҳларини қарсилла-
тиб, ўрмондан айиқ полвон чиқиб қолибди. У ҳам
қўлқоп ёнига келибди-да:

– Бу қўлқонда ким яшайди? – деб бўкирибди.

– Кумур-кумур сичқонбой, вақир-вуқур қурбақа,
шалпангқулоқ қуёнвой, тулкиниса, бўривой,
сўйлоқ тиш тўнфиз. Ўзинг кимсан?

– Хў-хў-хў, анча-мунча экансизлар-ку! Мен ай-
иқполвон бўламан, мени ҳам киргизинглар!

– Ўзимиз сифмаяпмиз-ку, сени қаерга кирита-
миз?

– Бир иложини қилинглар»

– Ҳа майли, нима ҳам дердик, бир чеккага кела
қол!

У ҳам кирибди, еттита бўлишибди, қўлқоп ёри-
лай-ёрилай деб аранг турганмис.

Бир вақт бобо қарасаки, қўлқони йўқ. Қидириб
топай деб орқасига қайтибди. Кучукчаси олдига
тушиб югурибди. У югуриб кетаверибди. Бир ма-

ҳал қараса, құлқоп ерда ётғанмиш, үзидан-үзи
қимирлар әмиш. Кучукча буни қўриб:

– Вов-вов-вов! – деб ҳурибди.

Құлқоп ичидагилар қўрқиб кетишибди, югуриб
чиқиб, ўрмонга қараб қочишибди. Бобо келиб,
қўлқопини олиб кетибди.

ЯЙРА САЪДУЛЛАЕВА

ЙЎЛДА

Улар бирин-кетин боғчадан чиқишиди. Рауф,
Юлдуз, Наргиза, Олим... Бири онасининг бўйни-
дан қучиб олган, бири севинчдан шаталоқ отган,
яна бири... Улар орасида Юлдуз пилдираб боради.
У ойиси берган олмани ғарчиллатиб еб: – «Айна-
ний, ойимдан», – деб эркаланади.

Ҳамма қувнаб-қувнаб боради-ю, аммо Алишер
негадир ойисига тихирлик қиласди. Йифлай деса,
кўзидан ёш чиқмади. Дам ойисининг сумкасига
ёпишади, дам ойисининг «Кўй, болам», – дейи-
шига қарамай, нарса тўла тўрхалтани тортқилай-
ди.

– Олма топиб берасиз, олма ейман, – деди у
баттар ғингшиб.

– Хўп, ўғлим, уйда бор, ҳозир... – уни овутишга
уринди ойиси.

– Йўқ, ҳозир топиб берасиз. Ана, Юлдуз еб
кетяпи-ку.

Алишер бирдан ойисининг оёқларига ёпишиди.

– Олма ейма..а..ан!

Ўтган-кетган болаларнинг қарашларидан жаҳ-
ли баттарроқ чиқиб, бақираверди. Шу орада бо-
лалардан бирининг қўлидаги ўйинчоқ машинага
кўзи тушиб: «Менгаям машина», – деб ойисини
баттар хит килди.

Ойиси бир нарса деганди, ерга ётиб олди. Топтоза кийимлари тупроққа беланди. – «Тур, одамни уятта құяпсан», – деб ойиси турғизмоқчи бўлса, у ерга баттарроқ ёпишди. Ундан ҳеч қайси бола кулмади.

Аксинча, «Вий, эркатой», – деб қўйиши. Юлдузнинг хуноб бўлган онага раҳми келиб, қўлидаги олмасини Алишерга узатди.

– Ма, ола қол! – меҳрибончилик билан деди Юлдуз.

– Обор! Алишер унинг қўлини туртиб юборди. Олма ерга тушиб, думалаб кетди. Юлдузнинг бирар йифлагиси келдики, лекин ўзини тутди. Ойисининг айтганига кирмайдиган бундай бола олдиди йифлагандан қулгани яхши.

M. МУРОДОВ

БЎЛИБ ЕЙИШДИ

Зироат опа ишдан қайтганда қизчаси Одила эшик олдиди ўйнаб юрган эди. У югуриб бориб, онасини кучоқлади. Она Одиланинг пешанасидан ўпди. Сумкасидан уч дона конфет ҳам олиб берди.

– Ҳаммаси ўзимгами? – деб сўради Одила.

– Ҳа, ўзингга, – деди Зироат опа.

– Йўқ, ўзимгамас. Бўлиб еймиз.

Уйга кирганды Одила конфетларини бувисига берди.

– Бувижон, бўлиб беринг!

Бувиси:

– Мана булар сенга, – деди-да, иккита конфетни Одилага узатди. – Мана бу биттаси Собир акангга.

– Йўқ, бунақамас, – деди Одила.

– Бўлмаса иккитасини акангга бера қол, – деди бувиси.

– Бунақамас, – деди Одила яна унамай.
– Қанақа қилиб бўлай, ўзинг кўрсата қол!
Одила ҳамма конфетни қўлига олиб, биттасини бувисига, биттасини акасига берди. Бирини ўзи олди.

МИРМУХСИН

ОЛХЎРИ ВА ЎРИК

Баҳор келди. Боғларда гуллар очилди. Осмонда қушлар учди. Ерда чумолилар ўрмалашди. Ариқларда сувлар шиддираф оқди. Зумрад деган жамалак сочли, пучуққина қизча боққа кирди.

У кўм-кўк майсаларни оралаб, кўприклардан ўтиб, олхўри дарахтининг тагига келди. Қўлларини кўтарган эди, бўйи етмади. Кейин у.

– Олхўри, олхўри! Довуччангдан бер! – деди.

Олхўри бўлса:

– Тез кунларда пишаман,
Саватчанг тушаман.

Ўшандা кел! – деди.

Зумрад ўрик дарахтининг ёнига келди. Қўлларини узатди. Бўйи етмади. Кейин у.

– Ўрик, ўрик! Довуччангдан бер! – деди.

Ўрик бўлса:

– Тез кунларда пишаман,
Ерга тап-тап тушаман.

Ўшандা кел – деди.

Зумрад бир кучоқ чучмўма, лолақизғалдоқларни териб, боғдан қайтиб чиқди.

Бир куни Зумрад яна кўм-кўк майсаларни оралаб, кўприклардан ўтиб, боққа кирди. Олхўри дарахтининг ёнига келиб, қўлларини узатди:

– Олхўри, олхўри! Олхўрингдан бер!

Шохлари эгилиб ётган олхўри шундай деди:

– Саватчангга сол, пишдим,
Шакар бўлиб етишдим.
Қизларга улаш, майли,
Тишларинг қамашмайди, – деди.
Зумрад етишиб турган шохлардаги сап-сариқ олхўриларни саватчасига солди. Ундан кейин ўрикнинг ёнига келди.
– Саватчангга сол, пишдим,
Шакар бўлиб етишдим.
Қизларта улаш, майли,
Тишларинг қамашмайди, – деди.
Ўрикни бир силкиган эди, юмшоқ бўлиб пишган ўриклар ерга тап-тап тушиб, пақ-пақ ёрила бошлиди.
Зумрад ўрикларни териб, саватчасини тўлдирди. Яна кўм-кўк майсаларни оралаб, кўприклардан ўтиб, қайтиб келди. Олхўри ва ўрикларни ювди, еди ўртоқларига ҳам берди.

ЁД ОЛИШ ВА ИФОДАЛИ ЎҚИШ

АСОМ ЗИЁМАТ

ОЛТИН КУЗИМ

Меваларни
Шакар этдинг.
Япроқларни
Сим-зар этдинг,
Олтин кузим.
Тўкин-сочин
Дала боғлар
Деҳқонларнинг
Димоги чоф
Олтин кузим.

ҮЖАР

Мансур ўрик данагин
Чақди тишда тинмайин
Насиҳатни олмади,
Үжарлиги қолмади.
Энди оғриб тишилари,
Пушаймонлик ишлари.

3. ИСОМИДДИНОВ

ЧАНА

Чана,
Гуррос қор ёғар ана.
Яна биргамиз чана,
Дам олдинг, баҳор,
Ёзда
Хизмат қылгин аёзда.

А.АБДУРАЗЗОҚ

ҚИШ КЕТАР

Биз кетмаймиз, қишиш кетар,
Күрдик унинг нечтасин.
Совуқ бўлса, иситар
Уйимизнинг печкаси.

Қушлар қишдан қўрқишиб,
Кузда учиб кетдилар.
Гала-гала тўзишиб,
Африкага етдилар.

НАСИБАНИНГ ОЛМАСИ

Насибанинг олмаси,
Тушиб кетди ариққа.
Тутқич бермай ўйнайды,
Үшшаб олтин балиққа.

Содиқжон кўриб қолиб,
Олмани ушлаб берди.
Раҳмат айтиб Насиба,
Ярмини тишлаб берди.

Н.РАҲМОНОВА

ҲАММАДАН ЯХШИ

Наргизаойга ойижониси
Ўқиб берди шундай ҳикоя:
– Онасини йўқотиб қўйиб,
Йиглаб юрар эди Ҳилола...
Ойинг қандай эди, қизалоқ?
Дея унга берсалар савол.
– Менинг ойим ҳаммадан яхши!
Қизча жавоб қайтарди дарҳол.
Наргизаой дер ойисин қучиб:
– Ўша қизчи, айтибди ёлғон,
Бу дунёда ҳаммадан яхши
Сиз ўзингиз жоним онажон!

РАВШАН ФАЙЗ

БОДРИНГ

Бодринг дер: – Диринг-диринг,
Полизга кириб туринг,
Полизга кирган чоғда,
Палагим босмай юринг.

Мен ҳам сиздай боламан,
Қовоқ солиб оламан.
Палагимни боссангиз,
Аччик бўлиб қоламан.

АНВАР ОБИДЖОН

КОПТОКЛАР ҚЎШИФИ

Сакротичмиз, чаққонмиз,
Тўп-тўп-тўп.
Биз сотувга чиққанмиз,
Кўп-кўп-кўп.

Ранжимаймиз тепсангиз,
Тўп-тўп-тўп.
Бирпас жим тур десангиз,
Хўп-хўп-хўп.

ВАЛИДА АБДУҒАФФОР ҚИЗИ

ХОНҚИЗ

Мен хонқизман, хонқизман,
Гул чечакка зор қизман.
Гулзор менинг маконим,
Үйғотади баҳорим.

Учаман мен осмонда
Қуёш чиқсин ҳар онда.
Қувнаб, яйраб гулзорда,
Кутинг мени баҳорда...

ҮРТА ГУРУХ (4-5 ЁШ)

ЁД ОЛИШ ВА ИФОДАЛИ ЎҚИШ

МУҚИМЖОН ҚОДИРОВ

ТАЛПИНАМАН ҚҮЁШГА

Она Ватан бағрида,
Улғаяман бахтиёр.
Мунча сулув, бепоён,
Ўзбекистон – гул диёр,

Сирдош бўлгим келади,
Ҳар гиёҳга, ҳар тошга.
Замин меҳрига қониб,
Талпинаман қүёшга.

РАВШАН ФАЙЗ

КУЗДА

Ариқ, анҳор, кўлларда
Шовқи-суронлар синди.
Артилган шиша каби
Кўкка боқсам кўз тинди.

Юлқиниб келган шамол,
Олмани қоқиб кетди.
Теролмадим-ариққа
Тушди-да, оқиб кетди.

ЁФДИ-ЁФДИ

Ҳеч тинмасдан,	Тоҳир дейди:
Эринмасдан	– Дур ёғди.
Туни билан	
Қор ёғди.	Бувим дейди
Деразадан	Завққа тўлиб:
Қараб Шокир,	– Болагинам,
Кўзларидан	Ун ёғди.
Нур ёғди.	Ухлаб ётган
Хурсанд бўлиб,	Шудгорларга
Кўнгли тўлиб,	Барака-ю
	Қут ёғди!

ЗАФАР ДИЁР

АРЧА

Чаман-чаман боғларнинг
Бизлар жамбил, райҳони.
Бизнинг қувноқ қўшиқлар,
Жаранглатар ҳар ённи.

Салом сенга кўк арча,
Қишин-ёзин яшнайсан.
Япроқларинг нинача,
Ясангансан гўзалсан.

Атрофингни айланиб,
Кўшиқ айтиб қувнаймиз,
Ҳар биримиз қўл бериб,
Янги йилни куйлаймиз.

ТОЛИБ ЙҮЛДОШ

ОЙИМ УЙДА БҮЛСАЛАР

Ойим уйда бүлсалар,
Уйимиз түлиб кетар.
Дадам ишдан келсалар,
Яна түй бўлиб кетар.
Бўлмасалар, уларни
Ўринлари йўқланар.
Ҳаммамиз бир бурчакда,
Шодлигимиз йўқолар.

Т. БАХРОМОВ

СУМАЛАК

Тарновларда сумалак,
Сумалак.
Сув томади чак-чак-чак.
Чак-чак-чак.
Томчилар биллур рангда,
Қаранг-а!

Кўз ёшин қилмас канда,
Аттанг-а!
Қишин кузатса керак,
Сумалак,
Баҳордан бериб дарак –
Чак-чак-чак.

БАҲОР

Билолмадим илк баҳор
Қайси ердан бошланди.
Бирдан зумрад поёндоз
Далаларга ташланди.
Ҳеч сездирмай ишлади
Унинг чаққон қўллари.
Бир кечада гиламга
Чатиб чиқди гулларни.
Қалин, совуқ музларни
Эритолди ийдириб.
Сўнгра ҳар бир дарахтга
Чиқди чопон кийдириб.

АЗИЗ АБДУРАЗЗОҚ

ТОЙЧОҒИМ

Тойчоғим бор яйловда,
Қизил отнинг боласи.
Товланади оловдай,
Ёлининг ҳар толаси.

Гижинглаган, кишинаган
Тойчоғим бор, тойчоғим.
Яйраб юрган, яшнаган,
Тойчоғим бор, тойчоғим.

Яқин бўлар йирофим,
Уни миниб юрсам ман.
Тойчоғим бор, тойчоғим,
От бўлар деб хурсандман.

ВАЛИДА АБДУРАФФОР ҚИЗИ

ВАТАН

Ватанжоним ватаним,
Сенга бўлсин жон-таним,
Мустақил диёrimда,
Қувончдан яйрап дилим.
Ватан сўзи нимадир?
Ватан бу – Онажоним.
Ватан ўзи нимадир?
Ватан бу – менинг ўзим.
Оқ, яшил, ҳаво ранг,
Ҳилпирап байрогимиз.
Бутун дунёни кезсанг,
Топмайсан тупроғимиз.
Ватан менинг кўксимда,
Уриб турган юрагим.
Ватан менинг дилимда,
– Тинчлик деган тилагим.

АБДУРАҲМОН АКБАР

ОИЖОНИМ ЁПГАН НОН

– Оижоним ёпган нон
Бунчалар тотли, ширин?
Ё қўшганми қанд, асал?
Акажон, айтинг сирин.
– Оижоним нонларга
Қанд эмас, қўшар меҳрин.
Шу боисдан нонлари
Мазали, хуштаъм, ширин.

ЎҚИБ БЕРИШ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИШ

ҲАЛОЛЛИК

(Ўзбек халқ эртаги)

Ўтган замонда бир дәхқон булган экан. Унинг камбағал ошнаси бор экан. Кунлардан бир куни у дәхқондан бир таноб ерини сотишни илтимос қилибди. Дәхқон ернинг бир чеккасидан ажратиб, камбағал ошнасига сотибди.

Ерни олган одам жўжабирдек жон экан. У ер сотиб олганидан жуда суюнибди. Бир қалин оғайнисидан кўш хўкиз олиб келиб, ерни бир марта ҳайдаб чиқибди. У иккинчи марта ҳайдаганида, бир нима омоч тишига тегибди. Дәхқон парво қилмай, ҳайдай берибди. Қайтиб ўша ерга келганида, омоч тиши яна ҳалиги нарсага урилибди. Қамбағал дәхқон: «Илгари бу ерда дараҳт бўлган, унинг тўнкаси қолиб кетган, шекилли», – деб ўйлабди-да, кетмон олиб келиб, омоч тишига қадалган нарсани ковлай бошлабди. Ниҳоят, у ердан ҳумча чиқибди. Уни очиб қараса, ичи тўла тилла эмиш. Дәхқон ернинг қолган қисмини ҳам ҳайдаб, уруғини сепибди. Сўнг ҳўкизларни эгасига топшириб, ўзи уйига бормай, ҳумчадаги тиллани кўтариб, тўғри ер сотган дәхқон ошнасининг уйига борибди. У ошнасига:

– Сиздан олган еримни ҳайдаётган эдим, мана шу ҳумчани топиб олдим. Шу тилла сизники экан, уни сизга олиб келдим, – дебди.

Дәхқон камбағалга:

– Мен сизга ўша ерни сотганман. Шу ерда нимаики бўлса, у сизники бўлади. Мен ернинг ичida тилла борлигини билмаганман. Сизга худо берибди. Бола-чақангиз билан маза қилиб енг, – деб ҳумчани олмабди.

Қамбағал дәққон эса: «Бу бошқа кишининг моли. Уни олсам, ўгри, жиноятчи бўлиб қоламан» деб ўйлаб, яна ҳумчани бой дәққонга узатибди. Улар иккаласи ҳеч келиша олмабди. Ниҳоят, улар намози аср ўқилаётган масжидга борадиган, у ердаги одамлардан сўраб, бу ишни ҳал қиладиган бўлишибди.

«Бўлмаса, қишлоқдаги етим-есир ва бева-бечораларга бўлиб беринглар», – деб маслаҳат беришибди.

Бунга дәққон ҳам, камбағал ҳам рози бўлибди. Шундай қилиб, улар тиллани қишлоқдаги бева-бечораларга, камбағал, етим-есирларга бўлиб беришибди.

Қамбағал дәққон эса, ўз меҳнати билан ҳалол кун кўриб, муроду мақсадига етибди.

УЧ ТУЛКИ

(Ўзбек ҳалқ эртаги)

Қашқа номли бир қуён бор экан. Бир кун у эшагига минибди, хўтигини эргаштириб, чангалзор орқасида яшайдиган холасиникига кетибди. Ариқ лабида қум-замбарак ўйнаб ўтирган қуёнчалар: – Чангалзор қўрқинчли, ёлғиз борма! – дейишибди қичқиришиб. Қашқа кўнмабди.

Кун қизиган, туш пайти эди. Шўх хўтиқ бошидаги попукларини тинмай силкитар, бўйнидаги қўнфироғи ҳадеб жиринглар экан. Чангалзор хилват экан. Чангалзорда ота-она ва бола тулкилар яшар экан. Қўнфироқ овозини эшитиб, уларнинг қулоқлари диккайибди.

- Қайсар қашқа келаяпти, – дебди бола тулки.
- Адабини берамиз, – дебди она тулки, – мен эшагини олиб қочаман.

– Мен хўтигини олиб қочаман, – дебди ота тулки.

– Мен кийимларини, – дебди бола тулки.

Қашқа чангалзорнинг қоқ ўртасига етибди.

Қашқа эшакни ҳайдаб олдинда бораверибди, чарчаган хўтик эса анча кейинда қолиб кетибди. Қашқа ортига қарайвериб, охири бўйни оғрибди ва:

– Хут-хут-хут, – деявериб чарчабди.

Энг охир у: «Кўнфироқ жиринглаяпти-ку, хўтик келаяпти-да», – деб ўйладди. Кейин бемалол кетаверибди.

Буни кўрган ота тулки аста келиб хўтикдан қўнфироқни ечиб олибди-да, эшакнинг думига борлаб қўйибди. Кейин хўтикни олиб қочибди. Муюлишда дараҳтлар орасида бирдан она тулки пайдо бўлиб қолибди.

– Ҳой қуёнча, якка ўзинг қаерга кетаяпсан? – деб сўрабди у.

Қашқа: «Тагин шум тулки хўтигимни олиб қочмасин», деб шартта қайрилиб қарабти, хўтик йўқ.

– Вой хўтикинам, қайда қолдинг? – деб бирдан йифлаб юборибди.

– Йифлама, – дебди она тулки, – хўтигинг қаерга бориши билмай нариги муюлишда турибди. Бориб, ҳайдаб кел. Мен эшагингга қараб турман. Қашқа суюнганидан эшакни қолдириб, орқасига қараб югурибди.

– Вой лапашанг, – деб кулибди она тулки ва эшакка мина солиб қочибди. Қашқа хўтикни тополмай, қуруқ қайтиб келибди. Қараса, эшаги ҳам йўқ. Бир қўрқиб кетибди. «Энди ўзимни ҳам ўғирлаб кетмасалар эди...» деб ўйладди у.

Қашқа чопқиллаб кетаётган экан, кўл лабида йифлаб ўтирган жажжигина бола тулкига йўли-қибди.

– Эй биродар, – дебди бола тулки, – шўрим қуриди. Бозорга бораётган эдим бир ҳамён олтиним сувга тушиб кетди, энди нима қиласман. Отам ўлдиради...

– Йиглама, – дебди Қашқа, раҳми келиб.

– Сузишни билсанг олиб чиқиб бер. Юз тангасини сенга бераман, – дебди бола тулки.

– Қашқа ўйлабди: «Юз танга. Эшак билан хўтикнинг баҳоси юз танга турса керак... бунга эшак сотиб олсам бўлади...»

– Бўпти, – дебди Қашқа. У хашиб-паш дегунча кийим-бошини ечиб сувга шўнғипти.

– Муродимга етдим, – деб қулибди бола тулки. Қашқа олтинни тополмай чиқса, кўл лабида бола тулки ҳам йўқ эмиш, кийимлари ҳам...

Шу-шу Қашқа чангалзорда ҳеч ёлғиз юрмайдиган бўлибди.

ОЛТИН ТАРВУЗ (Ўзбек ҳалқ эртаги)

Бир бор экан, бир йўқ экан, ўтган замонда бир қамбағал дехқон бор экан. Унинг атиги бир танобгина ери бўлиб, дехқон шу ерда кечаю кундуз тинмай меҳнат қилиб кун кўрар экан. Баҳор келиб қолибди. Дехқон ер ҳайдай бошлабди. Ерни икки марта ҳайдаб бўлиб, катта сойнинг бўйида салқинлаб ўтиrsa, осмонда учиб келаётган бир лайлак ерга қулаб тушибди.

Дехқон қараса, лайлакнинг қаноти синиқ эмиш. У ҳалиги лайлакни дарров уйга олиб бориб, синиқ қанотига тахтакач боғлаб, бир қанча вақт уни боқибди. Лайлак соғайиб, учиб кетибди.

Бир куни дехқон чигит экиб юрса, лайлак пастлаб учиб ўтибди. Дехқон эса чигитни экаверибди. Бироқ лайлак яна пастлаб учиб ўтибди.

Шу ўтишда уч дона тарвуз уруғи ташлаб кетибди.

Бир неча кундан кейин чигит билан баравар тарвуз уруғи ҳам униб чиқибди. Деҳқон экинни вактида ўтабди, сугорибди, чопибди. Шундай қилиб хосилни йигадиган пайт ҳам келибди. Бир куни тарвуздан учтасини узид уйига олиб кетибди. Тарвузлар жуда катта экан.

Деҳқон ўзининг яқин қариндошларини ва ошна-оғайниларини меҳмон қилиб чақирибди. Бир маҳал тарвузга пичоқ урса, пичоқ сира ботмас эмиш. Уни қўйиб, иккинчисини сўймоқчи бўлибди, пичоқ ўтмабди, учинчиси ҳам шундай бўлибди. Деҳқон ҳам, меҳмонлар ҳам хайрон бўлишибди. Ерга бир уриб, ёриб қарасалар, ичи тўла тилла эмиш. Қолган иккитасини ҳам ёриб кўришибди. Уларнинг ичи ҳам тилла эмиш. Камбағал деҳқон севиниб кетиб, тилладан меҳмонларга улашибди, улар ҳам хурсанд бўлиб уй-уйларига тарқабдилар. Уч туп тарвузнинг ҳар бири ўнтадан соглан экан. Деҳқон қолган тарвузларни ҳам йиғиб олибди. Шундай қилиб, камбағал деҳқон жуда бойиб кетибди. Унинг бир бой деҳқон кўшниси бор экан. У ҳалиги камбағал деҳқондан: «Сен нима қилиб бойидинг?» деб сўрабди.

Деҳқон бўлган воқеани бошдан-оёқ сўзлаб берибди. Буни эшигтан бой деҳқон: «Зора мен ҳам шундай олтинларни қўлга киритсан», деб сой бўйига бориб турибди. Бир вақт бой нарироқда бир лайлакни кўрибди. У секин бориб, пойлаб туриб лайлакнинг оёғига тайёқ отибди. Лайлакнинг оёғи синиб, учолмай қолибди. Бой дарров уни тутиб, уйига олиб кетибди, оёғига тахтакач боғлаб, парвариш қилибди. Бир неча кундан кейин лайлакнинг оёғи тузалиб учид кетибди. Бой деҳқон ҳар куни далага чиқиб, лайлакни

кутаверибди. Кунларнинг бирида унинг тепасидан таниш лайлак ўта туриб, икки дона уруғ ташлаб кетибди. Уруғ кўкариб чиқиб тарвуз солибди. Тарвуз пишиши билан бой деҳқон ҳамма қариндош-уругларини межмонга чақирибди. Тарвузга пичноқ урган замон ичидан катта-катта қовоқарилар чиқиб, ўтирганларни талай бошлилабди. Бой тура солиб уларни ҳайдамоқчи бўлганда, арилар уни боши демай, юзи демай чақиб ташлайверибди. Орадан сал ўтиб, бойнинг калласи, бурни, лаблари шишиб кетибди. Бунинг аламига чидолмай, ўзини катта сувга ташлаб чўкиб кетибди.

Камбағал деҳқон ҳалоллик билан муродига етибди, бой деҳқон ўз қилмишига яраша жазосини тортибди.

БЎГИРСОҚ

(Рус халқ эртаги)

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир чол билан кампир бор экан. Чол кампирга:

– Кампир, мента бўғирсоқ пишириб бергин, – дебди.

– Ахир, нимадан пишириб берайин? Ун йўқ-ку!
– деб жавоб берибди кампир.

– Э, кампир! Супрани қоқиб – сидиргин, қути ичини супургин, қарабсанки, бирпасда бўғирсоққа етадиган ун йигилиб қолади, – дебди чол.

Кампир шундай қилибди, супрани сидириб, қути ичини супуриб, бир-икки ҳовуч ун йигибди. Унни қаймоққа қорибди, зувала ясаб, бўғирсоқ қилибди, товага солиб пиширибди- да, совисин, деб деразага қўйибди.

Бўғирсоқ деразада ётавериб, зерикибди, бирданига юмалаб, сўри устига тушибди, яна бир

юмалаб ерга тушибди, тағин бир юмалаб эшик ёнига борибди, остоңдан бир сакраб, даҳлизга чиқибди, даҳлиздан зинапояга ўтибди, зинапоядан ҳовлига тушибди, ҳовлидан ташқарига чиқиб, олға қараб кетаверибди.

Бўғирсоқ йўлда юмалаб кетаётганида, бир қуён чиқиб қолибди.

– Бўғирсоқ, бўғирсоқ! Мен сени ейман, – дебди қуён.

– Йўғ-е, мени емагин, шалпанқулоқ, сўзимга қулоқ солгин, сенга ажойиб қўшиқ айтиб бераман, – дебди бўғирсоқ ва қўшиқ айтибди:

*Мен бўғирсоқ, бўғирсоқ,
Супрадаги ун-урпоқ.
Супуришиб олдилар,
Қаймоққа хўн қордилар.
Пиширдилар товада,
Совитдилар ҳавода.
Қочиб кетдим бобомдан,
Қочиб кетдим бувимдан.
Эшишт, қуён, бўлди, бас,
Сендан қочиш ҳеч гапмас.*

Бўғирсоқ қўшигини тамомлаб, яна олға қараб юмалаб кетибди. Қуён ҳам аҳмоқ бўлиб қолаверибди.

Бўғирсоқ юмалаб кетаверибди, шунда рўпарасидан бир бўри чиқиб:

– Бўғирсоқ, бўғирсоқ, мен сени ейман, – дебди.

– Йўғ-е, мени емагин, бўз бўри, сенга ажойиб ашула айтиб бераман, – дебди бўғирсоқ.

Бўғирсоқ шундай ашула айтибди:

*Мен бўғирсоқ, бўғирсоқ,
Супрадаги ун-урпоқ.*

*Супуришиб олдилар,
Қаймокқа хүп қордилар.
Пиширдилар товада,
Совитдилар ҳавода.
Қочиб кетдим бобомдан,
Қочиб кетдим бувимдан.
Қочиб кетдим қүёндан,
Эшит, бўри, бўлди, бас,
Сендан қочиш ҳеч гапмас.*

- Бўғирсоқ яна олға қараб юмалаб кетаверибди, бўри аҳмоқ бўлиб қолаверибди...
Бўғирсоқ юмалаб-юмалаб бораётганида, рўпасидан айиқ чиқиб қолибди:
 - Бўғирсоқ, бўғирсоқ, мен сени ейман, – дебди айиқ.
 - Йўғ-е, мени емагин, сенга ажойиб ашула айтиб бераман, – дебди бўғирсоқ.

*Бўғирсоқ қўшиқ айтибди:
Мен бўғирсоқ, бўғирсоқ,
Супрадаги ун-урпок.
Супуришиб олдилар,
Қаймокқа хүп қордилар.
Пиширдилар товада,
Совитдилар ҳавода.
Қочиб кетдим бобомдан,
Қочиб кетдим бувимдан.
Қочиб кетдим қүёндан,
Қочиб кетдим бўридан.
Эшит, айиқ, бўлди, бас,
Сендан қочиш ҳеч гапмас.*

Шундай қилиб, бўғирсоқ бир юмалаб, қочиб кетибди, айиқ аҳмоқ бўлиб қолаверибди...

Бўғирсоқ юмалаб-юмалаб кетаётганида, рўпа-расидан бир тулки чиқиб қолибди-да:

– Салом, бўғирсоқ! Қандай чиройлисан, худди қип-қизил мafиздайсан-а! – дебди.

Бўғирсоқ жудаям талтайиб кетибди-да, қўшиқ айтибди:

Мен бўғирсоқ, бўғирсоқ,
Супрадаги ун-урпоқ.
Суپуришиб олдилаr,
Қаймоққа хўп қордилар.
Пиширдилар товада,
Совитдилар ҳавода.
Қочиб кетдим бобомдан,
Қочиб кетдим бувимдан.
Қочиб кетдим қуёндан,
Қочиб кетдим бўридан,
Қочиб кетдим айиқдан,
Эшит, тулки, бўлди, бас,
Сендан қочиши ҳеч гапмас!

– Ажойиб қўшиқ экан! – дебди тулки. – Эҳ, аттанг, бўғирсоқ, мен қариб қолибман, қўшигинингни яхши эшитмаяпман, тумшуғимга чиқиб, яна бир марта қаттиқроқ айтиб бергин.

Бўғирсоқ тулкининг тумшуғига сакраб чиқиб, ўша қўшигини айтибди.

– Раҳмат, бўғирсоқ, ажойиб қўшиқ экан. Яна эшитгим келяпти. Тилимга чиқиб, охирги марта бир қўшиқ айтиб бер.

Тулки шу сўзларни айтибди-ю, тилини чиқарибди. Бўғирсоқ ликиллаб, лип этибди-да, тулкининг тилига чиқибди. Тулки бўлса, «хап!» этиб уни еб қўйибди.

АЛПОМИШ

(Шу номли ўзбек халқ достонидан парча)

Қадим ўтган замонда Алпинбой деган киши ўтган экан. Унинг икки ўғли бўлган экан. Бирининг оти Бойбўри, иккincinnисини Бойсари экан. Катта бўлгач, улар уйланишибди, фарзандли бўлишибди.

Бойбўрининг эгизакларига Ҳакимбек ва Қалдирғоч ойим деб, Бойсарининг қизига эса Барчиной деб исм қўйишибди...

Болалар кундан-кун ўсиб, ойдан-ой ўтиб, бирдан иккига кириб, иккидан учга кириб, тили чиқиб, элга эниб, тили чиққандан кейин, элга энигандан кейин тугиб, учовини ҳам мактабга қўйди. Булар мактабда ўқиб юриб, етти ёшга кирди. Саводи чиқиб, хат ўқиб-ёзадиган мулла бўлди. Шунда Бойбўрибай: «Энди ўғлим саводи чиқиб, мулла бўлди, ўғлимга энди шоҳлик, сипоҳлик илмини ўргатайин», – деб мулладан чиқариб олди. Бойсари ҳам Бойбўрига тақлид қилди. Бул ҳам ой Барчин қизини мактабдан чиқариб олди. «Қизимга Кўкқамиш кўлида қўй соғдириб, чорвачилик илмини ўргатайин, қўй соғмоққа уста бўлсин», – деди.

Ҳакимбек етти ёшга кирган. Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан (бронзадан) бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шу ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб, кўтариб тортди, тортиб кўриб, қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндек бўлиб кетди. Асқар тогнинг катта чўққиларини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди. Буни эшитган, душманлари: «Бу бола зўр бўпти, назар топибди, буларга ҳеч Ким баробар бўлолмайди, етти яшар бола шундай ишни қиласми?» – деб хафа бўлиб ётди. Дўстларининг вақти хуш бўлиб юрди.

Шунда барча халойиқ йиғилиб келиб айтди: «Дүнёдан бир кам түқсон алп ўтди, алларнинг бошлиғи Рустами Достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин». Охири Алпомишбек алп бўлиб, түқсон алпнинг бири бўлиб, санага ўтиб, алплик отини кўтариб, етти ёшида Алпомиш от қўйилди. Етти ёшида ёйни кўтариб отгани учун Алпомиш алп аталди.

Алпомиш қадди-қоматли, паҳлавон йигит бўлиб ўсди: Барчинойга меҳр қўйди. Душманга қарши шундай курашдики, довруғи тилларда достон бўлди...

ЗАМИРА ИБРОХИМОВА

НЕГА ПИШМАДИ?..

Дурдона эшикдан ҳовлиқиб кирди-да, айвонда китоб ўқиб ўтирган бувисига қараб:

– Буви-чи, буви, биз Гулнора билан ойисига ёрдамлашдик, ула бизани уришиб бердилар, – деди.

– Қанақа ишларига ёрдам берган эдинглар? – сўради бувиси кўзойнагини кўлига олиб.

– Шўрва қилишаётган экан, нўхот шўрва, бир қошиқдан ичиб кўрдик, туз солинмаган экан. Қозонга туз солиб, ўйнагани кетдик. Бир пайт Гулноранинг ойиси чақириб, «Қани, еб кўринглар-чи», дедилар жаҳл билан. Нўхот шўрвадан бир қошиқдан еб кўрдик, нўхотлар бирам қаттиқ, негадир пишмабди, суви бўлса шўр...

– Вой тиниб-тинчимаслар-ей, – деди бувиси Дурдонанинг гапини бўлиб, – ёмон иш қилибсизлар-ку.

– Йўқ буижон, биз кўп туз солмаган эдик, рост, ишонинг, деди йиғламсираб Дурдона. – Нега унақа бўлдийкин-а?

Бувиси қўлидаги қизил муқовали, қалин китобни ёстиғи ёнита аста қўйди-да:

Майли, бўлар иш бўлибди, бу ёқса ўтири-чи, – деди. Сўнг мулоим овозда гап бошлади. – Она-қизим, ҳозир мен сенга кичкинагина нўхотвойнинг бошига тушган аччиқ савдолар ҳақидаги бир эртакни айтиб бераман, яхшилаб қулоқ соггин:

– Жуда қадим замонларда кичкинагина бир нўхот бўлган экан. У ёлғиз ўзи яшар ва «менинг ҳам ўртоқларим бўлганида эди, улар билан маза қилиб ўйнардим, ҳеч зерикмасдим», – деб ўйлар экан. Нўхот бир куни ўрнидан туриб, тирноқлари билан ер кавлаб, кичкинагина чуқурча ясабдида, ичига тушиб олибди. Шамол чуқурча устини тупроқ билан ёпиб қўйибди. Орадан бир қанча вақт ўтибди. Нўхот униб чиқибди ва туз билан учрашиб қолибди. Чунки бу ер шўрхок экан. Туз кўм-кўк, жажжигина ниҳолга разаб билан қарабди-да:

– Ҳей сен! Мен подшолик қилаётган жойдан кўрқмай бош кўтариб чиқдингми?! – дебди. Ниҳолча жуда кўрқиб кетибди, титраб-титраб, чийилдоқ товуш билан:

– Кечиринг мени. Сизнинг бу ерда ҳокимлик қилишингизни сира ҳам билмабман. Агар рухсат берсангиз, бир неча ой ерингизда яшасам. Кейин ўғил-қизларим балан сизга раҳматлар айтиб, бошқа ерга кўчиб кетардик, – деб ялинибди.

Шунда туз кўзларини олайтириб, разаб билан ўшқириби:

– Йўқ, бўлмайди! Кўпайишиб кетганларингдан кейин сенларни йўқотиш қийин бўлади. Пишиб етилганларингда одамлар кўриб қолса борми, дарров териб, пишириб, еб кўришади. Мазали эканликларингни билишгач, менинг ерларимга экаверишади. Мени йўқ қилишга ҳаракат қилиша-

ди. Тушундингми?! – дебди-ю йирик-йирик тузларидан ниҳолчанинг юзига сепиб юборибди.

– Шўрлик ниҳолча бужмайиб қолибди. Яхшиямки, шу пайт баҳтига ёмғир ёғибди ва баргчаларига ўрнашиб олиб, жонига азоб бераётган тузни ювиб ташлабди. Ниҳолча ўзига келиб, тузнинг золимлигидан қаттиқ хафа бўлибди. Тузнинг ёмғирдан қўрқиб, қаёққадир яшириниб олганидан фойдаланиб, бошқа ер излаб кетибди. Йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири тузсиз ерни топибди. Бу сахий ер ниҳолчани ўз бағрига олибди...

Орадан кўп замонлар ўтибди. Эндиликда овқатга туз солинмаса, уни ҳеч ким емайди. Шу ҳозирги тузимиз қадимги бобосининг қилган ёмонлиги учун нўхотдан кўп марта кечирим сўрабди. Аммо қайсар нўхот ҳеч кечирмасиши. Нўхотдан овқат тайёрланаётганда тезда туз солинса, у нўхот ичидаги сувни сўриб оларканда, ўзини буриштириб, қотириб қўяркан. Шунинг учун то нўхот пишиб устидаги юпқа пўстини ечмагунча, қозонга туз солинмайди.

– Пўстини ечганидан кейин туз ташласа, нўхот нима қиласди? – ҳайрон бўлиб сўради Дурдона.

– Нима қиласди? Энди пўстини ечиб бўлган, қайтиб киёлмайди. Туз билан қозонда ширингина яшашга мажбур бўлиб қолади, – деди кулимсираб бувиси.

– Ҳа, энди билдим, нўхот нега пишмаганини, – деди Дурдона. – Бувижон, Гулнорага ҳам бу эртакни айтиб берсам майлими?

– Майли, онақизим, борақол. Лекин бундан кейин катталарнинг ишига ўзбошимчалик билан араплашманглар, хўпми?

– Хўп. Бувижоним, – деб Дурдона бувисининг юзларидан ўпиб қўйди. Сўнгра апил-тапил туфлиларини кийди-ю, чопқиллаб чиқиб кетди.

ШЕР БИЛАН ДУРРОЖ

(А. Навоий ёзган шеърий ҳикоянинг насрий баёни)

Бир ўрмонда зўр Шер ва бир Дуррож яшар экан. Шернинг кичкинагина боласи бўлиб, у ҳали юриши билмас экан. Онаси уни жуда яхши қўрар ва қумурска ҳалок қилмасин деб, доимо тишида тишлаб олиб юрар экан. Кунлардан бир куни Шер боласини тишлаб олиб юрганида, Дуррож «пир» этиб, Шернинг боши устидан учиб утибди. Шер чўчиб кетибди ва боласини қаттиқ тишлаб олибди. Боласининг жони оғриб, йиглаб юборибди. Шер бу ишдан жуда хафа бўлибди. У боласининг яра бўлган жойини тили билан ялаб-ялаб қўйибди. Боласи тинчланибди.

Дуррож Шерни доим шундай чўчитиб юришини одат қилибди. Ниҳоят, Шер Дуррож билан дўстлашмоқчи бўлибди ва унга: «Кел, шу ўрмонда бирга дўст бўлиб, тинчгина яшайлик... Сен ашулалар айтиб, мени хурсанд қил. Бирор кимса сени хафа қилса, мен ҳамма вақт сенга ёрдам берай», – дебди. «Хўп. Кел дўст бўламиз», – дебди Дуррож ҳам.

Кунлардан бир куни Дуррож: «Мен тузоққа тушдим. Ёрдам бер», – деб қичқирибди.

Шер ёрдам бериш учун югурибди. Қараса, Дуррож уни алдабди. (У ҳеч қанақа тузоққа тушмабди. Шер дўстидан хафа бўлибди). Унга қараб: «Ёлғон сўзламагин, ёлғончи эл олдида уялиб қолади», – дебди. Аммо Дуррож Шернинг гапига қулоқ солмабди, ёлғончилигини, алдашини қўймабди.

Кунлардан бир куни Дуррож ростдан овчи кўйган тузоққа тушиб қолибди. «Дод! Мени тутиб олдилар! Ёрдам бер», – деб жон-жаҳди билан қичқирибди. Шер уни эшитибди, ёрдамга бормоқчи бўлибди-ю, кейин ўйлаб қолибди: «Ҳар галгидек,

бу гал ҳам мени алдаётгандир. Бормайман». Шундай қилиб, Дуррож ўз ёлғончилиги туфайли дўстидан айрилибди ва овчи тузогига илинибди.

БОБУР ВА КАБУТАР

(Ривоят)

Мирзо Бобур ёшлигидан зийрак бола бўлиб ўсибди. Кунлардан бир куни Умаршайх, сарой аъёнлари билан қасрда ўлтирган экан бир кабутар учиб келиб, айвон пештоқига қўнибди-да, «Фулу-гулу-гу-гу» қиласерибди. Умаршайх аъёнларидан «Кабутар не дейдур?» – деб сўрабди. Анчадан буён уруш кўрмай, қиличлари қонсираб қолган аъёнлар: «Олий ҳазрат, кабутар қиличларни қиндин суғурмоқ керак, дейдур», – деб жавоб беришибди.

Гапга қўшилмай, бир чеккада жим ўлтирган Мирзо Бобур: – «Йўқ, кабутар ундей демайдур, Бобо қовун сайлига чақирибдур. Жонивор хушхабарни келтирибдур», – дебди. Умаршайх кабутарни тутиб келтиришни буюрибди. Кабутарни тутиб келиб, оёғидаги мис халқани олиб, қарашса, ичидан бир хат чиқибди. Хатда «Олий ҳазрат, қовун айни пишди. Келиб, қўл уриб берсалар», – деб ёзилган эмиш. Мирзо Бобурнинг гапи тўғри чиққанидан ҳайратга тушган Умаршайх ўғлидан: «Бунчалик топқирлигинга боис недур?» – деб сўрабди.

«Ота, – дебди Бобур, – бу кабутарга эътабор қилмадингиз. Ўтган иили қовун сайли хушхабарини худди ана шу жонивор хабар қилғон эрди, каминанинг кўзи кабутарнинг ўнг қанотидаги қора холга тушган заҳоти уни таниди ва шу сўзни таҳмин этди», – деб жавоб берибди.

Ёш Мирзонинг хушёрлигига, топқирлигига

қойил қолган Умаршайх атъёnlарга қараб: «Қилични эмас, ақл идрокни ишга солмоқ лозимдир. Хабар қилинглар, барча қовун сайлига отлансин», – деб фармойиш берибди.

ЛАТИФ МАҲМУДОВ

БАРНО

Барно оstonага чиқиб, офтобда исиниб, ўтирган эди, Мунира ўртоги чelакни кутариб уйидан чиқиб қолди. Барнога қаради-ю, индамай ариқдан сув олиб кириб кетди. Бирпасдан кейин яна чиқди. Яна ариққа чelакчасини ботириб, кириб кетаётган эди, Барно ўрнидан туриб, олдига борди.

- Мунира?
- Ҳи...
- Нега индамайсан?

– Иш қиялпман, – деди Мунира ва зинфиллаганича уйига кириб кетди. Барно ҳайрон бўлиб, унинг орқасидан қараб қолди. Остонага келиб яна офтобда исиниб ўтирди. Мунирани кутди. Мунира чиқмади. Анчадан кейин Мунираларнинг эшиги «ғиқ» этиб очилди. Барно қараса, қия очиқ эшикдан Мунира мўралаб турибди. Барно олдига бормоқчи бўлиб, ўрнидан турган эди Мунира тақ этиб, эшикни ёпиб олди. Барно нима қилишини билмай, кўчанинг ўртасида туриб қолди. Кейин секин Муниранинг эшигига борди. Бир кўзи билан эшикнинг калит солинадиган тешикчасидан мўраласа, Мунира теша билан ҳаллослаб ер чопа япти. Барно ҳайрон бўлди. Иккинчи кўзи билан яна қаради Мунира тешани бир четга улоқтириб, юмшаган ерни қўли билан ковлади. Кейин чelакчадаги сувни қўйди. Ўрнидан туриб, кўчага чиқа бошлади. Барно орқасига қайтди. Ҳовлига кир-

ди. Эшикни қия очиб, мўралаб турди. Кўзлари ола-кула бўлиб, кўчага Мунира чиқди. Барноларнинг эшигига, кўчанинг бошига қаради. Ҳеч ким йўқ. Йўл ёқасига чиройли пол қилиб экилган гулларнинг атрофида айлана бошлади.

Барноларникига яна қараб олди-да, кўчадаги бир туп гулсапсарни таг-туги билан юлиб, уйига қочиб кириб кетди. Барно турган ерида қотиб қолди. Шу топда Мунира унинг кўзига жуда-жуда ёмон кўриниб кетди. Барно бўшашиб, дунжалари осилиб, ошхонага – бувисининг олдига кетди.

– Ҳа, нима бўлди, қизим?

– Мунира... Ўғри экан, – деди Барно ва тўсатдан хўнграб йиглаб юборди. Бувиси ҳайрон бўлиб, Барнога қараб қолди.

– Вой ўлмасам, нима деганинг, қизим?

– Ўзим кўрдим-ку.

– Нимани?

– Кўчадан гул ўғирлаганини, – деди Барно яна ўпкаси тўлиб.

Бувиси афсуслангандай бошини чайқаб қўйди.

– Мунира тушмагур, кўчанинг файзини ўғирлаб нима қилар экан. Қўй, у билан ўртоқ бўлма, ёмон қиз экан.

Барно қараса, бувисининг жаҳли чиқиб, кўзлари пир-пир учяпти. Бувисининг хафа бўлганидан Барнонинг юраги ачиdi. Бир нима қилиб кўнглини кўтармоқчи бўлди. Бувисига қараб жилмаймоқчи бўлган эди, юzlари буришиб, яна йиғлаб юборди.

– Қизим, хафа бўлма, – деди бувиси Барнони юпатиб, – ҳали ойиси ишдан келсин, айтиб берай!

Шу куни кечгача Барнонинг чироий очилмади. Кечга яқин ҳовлига курси қўйиб, оёгини осилтириб ўтирган эди, хаёлига ғалати бир фикр кел-

ди. Кувониб қийқириб юборди.

– Буви, ҳой буви, – Барно курсидан иргиб тушиб, ошхонага югурди, – буви... теша қани?

Бувиси уришиб берди:

– Тешани нима қиласан, қўй ўйнама, оёғингни чопиб оласан!

– Вой, ўйнамайман! – Барно тешани олди. Бувиси нима қилар экан, деб кетидан чиқиб қаради. Барно гулзорга кириб, очилиб турган бир туп гулсафсарнинг тепасида туриб қолди.

Бувиси Барнонинг ниятини сезди шекилли, майли, дегандай имлаб, кулиб қўйди. Барно авайлай гулни олди. Кўчага олиб чиқиб, Мунира юлиб кетган тул ўрнига ўтқазди.

Барно ўз ишидан кувониб кетган эди. Бувисининг олдига югуриб кириб кетаётганда, Мунира эшикка чиқиб, худди сурат олдираётган одамдай қотиб турарди...

ОВЧИ, КЎКЧА ВА ДОНО

1-боб

Бир замонда бир овчи бўлган экан. Бир куни у далага чиқибди, ерга тузоқ қўйиб, ўзи пана жойда ўтирибди. Бир гала капитар учиб келиб, чинорга қўнибди, ерга тушиб, донламоқчи бўлибди. Уларнинг орасида Кўкча деган кекса бир капитар бор экан. У шерикларига қараб: «Пастга тушманлар, тузоқ бор, илиниб қоласизлар, – дебди.

Каптарлар Кўкчанинг сўзига қулоқ солмай, битта битга учиб тушиб, донлай бошлабдилар. Ахирни, нафслари ғолиблиқ қилиб, тўр остига кирибдилар. Кўкча шерикларидан ажралиб қолишни, ёлғиз яшашни ўзига эп билмабди. Ўзи ҳам пастга, тўр остига тушибди. Овчи секингина тўри-

нинг ипини тортибди, ҳамма кантар тузоққа илинибди. Кўкча шерикларига қараб:

– Энди бир сўзим бор, аввал хўп десангиз, айтайн, зора қутулсак, – дебди.

Кантарлар:

– Хўп, айтинг, аввал сизнинг сўзингизга кирмай, шу балога йўлиқдик, энди нима десангиз, шуни қиласмиш, – дейишибди.

Кўкча:

– Ҳаммамиз бирданига қанот қоқиб, тўр билан юқорига кўтарилишимиз. Қутулишнинг ягона йўли – шу, – дебди.

Кўкча қараса, овчи қувиб келаётган экан. Кантарлар жуда баланд кўтарилиб, кўздан ройиб бўлибдилар.

Кўкча энди тўрдан қутулиш йўлини излаб турган экан, Доно исмли бир сичқон дўсти ёдига тушиб қолибди ва кантарларни шу томонга бошлибди. Улар чўл-биёбоналар устидан ўтиб, тормардан ошибдилар.

Бориб-бориб, Дононинг ини олдига келиб қолибдилар. Доно чиқиб қарасаки, дўсти Кўкча эмиш. У дўстининг илтимоси билан аввал Кўкчанинг шерикларини, кейин ўзини тўрдан қутқазибди. Сўнгра ҳол-аҳвол сўрабди. Кўкча бўлган воқеани айтиб берибди.

Доно қадрдан дўстларини кутиш учун салқин ва хуш-ҳаво ерга жой килибди, дон-дун, нознеъматларни тўкиб ташлабди.

2-боб

Чинорда ўтириб, ҳамма воқеани кўрган бир қарға: «Кантарлар бирор ерга бориб туришса, донига шерик бўлармидим», – деган умид билан улар орқасидан учиб келган экан. Қарға Дононинг кап-

тарларга берган ёрдамини кўриб, ҳайрон қолибди, ўзича: «Дўст ёрдам берар экан, мен сичқон билан дўст бўлайин», – деб ўйлабди. Сўнгра бориб, Донони инидан чақирибди. Доно чиқиб қараса, бир қарға турган эмиш.

Доно эшикда турган қарғага қараб:

– Хўш, келинг, биродар, – дебди. Қарға:

– Мен жониворларнинг ҳеч бирига қўшилмай, ёлғиз ўзим яшаб келаман, ёр-биродарларим, жонкуярим йўқ. Жониворлар ҳамиша мендан қочишади. Ёлғизлик жондан ўтди, қийналиб кетдим. Ўйлаб-ўйлаб, сиз билан дўст бўлишни маъқул кўрдим, таклифимни қабул қилсангиз, умид билан келдим, – дебди.

Сичқон қарғага жавобан:

– Дуруст, лекин сиз мени қаерда кўрсангиз, бирор зиён етказасиз, шунинг учун сўзингизга ишониш қийин, – деган экан.

Қарға: Тўғри айтасиз, дўстим, қаерда сичқон қўрсам, тинч қўймас эдим. Аммо дўстлик яхши экан, энди сизга сира зарап етказмайман, – деб чинакам ваъда берибди.

Доно бўлса, қарғанинг сўзига ишониб, инидан чиқибди, қарға билан қўл олишиб, дўст бўлибди, уни меҳмон қилибди.

Бир куни қарға дўсти Донони боғига таклиф қилибди. Доно розилик берибди. Қарға Донони тумшуғида олиб бормоқчи бўлибди, лекин сичқон қийналмасин, деб уни чангалида авайлаб олиб кетибди. Бу боғ жаҳонда бор ҳамма мевали дарахтлар билан безанганд ажойиб жой экан. Хилма-хил гуллар ҳушбўй ҳид сочиб, бўстонни яшнатиб тураг, шишадек тиниқ сувлар шиддираб оқиб ўтар экан. Турли-туман мевалар пишиб, тагига тушиб тураг экан. Қарға Донони яхшилаб зиё-

фат қилибди. Сичқон кўп хурсанд бўлиб, бор ичи-ни қарға билан томоша қилиб юрибди. Буни шу боғда юрган бир тошбақа кўриб қолибди. Уларга ҳаваси келибди. Салом бериб, улар сафига борибди. Ҳол-аҳволларини, сичқон билан қарға ўтрасидаги иноқлик, меҳрибонлик сабабини сўрабди. Қарға тошбақага капитарлар воқеасини айтиб берибди.

Тошбақанинг ҳаваси яна ортибди. Дўстлик, биргаликнинг баҳоси йўқ, улар билан қадрдан дўст бўлишга сўз берибди. Қарға тошбақани ҳам кўп иззат-ҳиммат билан зиёфат қилибди.

3-боб

Боғнинг бир томонидаги баланд тепа бағрида бир кийик юрар экан. У қарға, сичқон ва тошбақанинг тутув бўлиб юришганини кўриб, қарғанинг маконига қараб йўл олибди. Улар яқинига келиб, сўз қотибди. Уни ҳаммалари хурсандлик билан кутиб олибдилар. Қарға кийикни дастурхонга таклиф қилибди ва ўзаро гаплашиб ўтиришганда кийик, қарға, сичқон, тошбақанинг бир-бирлари билан ҳамжинс бўлмасалар ҳам, нима учун бунчалик иноқликларининг сирини билишга келганини айтибди.

Қарға бўлиб ўтган воқеаларни кийикқа бирмабир ҳикоя қилиб берибди. Сўнгра кийик ҳам улар билан дўстлик ипларини боғламоқчи бўлибди. Дўстлар бу таклифни қабул қилибдилар. Ҳаммалари бошқатдан ўринларидан туриб, куришиб, холаҳвол сўрашиб, кийикни юқорига ўтказиб, унга кўп илатифот этибдилар.

Шу пайтда Доно капитарларни хотирлабди. Қарға капитарларга бир хат ёзиб беришни Донодан сўрабди. Доно хурсанд бўлиб, хат ёзиб, уни қарғанинг

ўнг оёғига боғлабди. Қарғага оқ йўл тилаб, ҳаммалари уни кузатишибди. Қарға капитарларнинг маконига келиб, хатни берибди. Каптарпар хатни ўқиб, қарға билан учиб, боққа келиб қўнибдилар. Дўстлар кўришиб, сўрашиб, ширин-ширин сўзлашиб ўтирибдилар.

Бир замон кийик сайдр-томушага чиқиб кетибди. Лекин ҳадеганда келавермабди. Дўстлар ҳавотир олибдилар. Шунда Кўкча қарғага қараб:

– Кийикдан шу чоққача дарак йўқ, ундан ҳабар олиш керак, – дебди. Қарға кийикни кўп аҳтарса ҳам тополмабди. Ахири хафаликдан нима қиласини билмай, хайрон бўлиб кетаётганда, бир ерга кўзи тушибди, қараса, бечора кийик золим овчининг қўйиб кегган тузогига оёғидан илиниб ётган эмиш. Тезда учиб бориб, дўстларини бу воқеадан хабардор қилибди. Улар жуда хафа бўлиб, бир-бирлари билан маслаҳатлашибдилар.

4-боб

Кўкча бундай дебди:

– Қарғавой, сен сичқонни чангалингда олиб бор, сичқон кийикнинг тузогини қирқсин.

Бу иш ҳаммага ёқиб тушибди. Қарға сичқонни чангалида олиб кетибди, орқасидан Кўкча ҳам учибди. Буларга тошбақа ҳам эргашиб қолибди. Кўкча тошбақага ҳарчанд бормагин деса ҳам бўлмабди. Қарға сичқонни кийик илинган жойга обориб қўйибди. Сичқон кийикнинг оёғидаги тузогини қирқа бошлабди.

Кўкча ўйлаб туриб:

– Дўстим Доно, кийикнинг оёғидаги тузоқнинг ҳаммасини қирқма, уч толасини қолдир. Тағин овчи буни биздан кўриб, зарар етказиб юрмасин. Овчи келгач, кийик бир зўр бериб, уч толасини

узиб кетаверади, – дебди.

Доно Кўкчанинг айтганини қилиб, уч тола ипни қолдирибди. Аввал қарға сичқонни кўтариб учибди.

Унинг кетидан капитар учибди. Улар боққа келиб қўнишибди. Қарға сичқонни чангалидан секин ерга кўйибди. Овчи тузоққа илинган кийикни кўриб, югуриб келган экан, кийик бир интилиш билан уч тола ипни узиб, қочибди. Овчи ноумид бўлиб, тузоқни олиб кетмоқчи бўлган экан, тошбақани кўриб қолиб, хуржунга солибди. Кийик аллақачон қарғанинг борига етиб келган экан. Дўстлари қарасаларки, тошбақа йўқ эмиш.

Кўкча:

– Мен унга ҳарчанд бормагин десам, кўнмаган эди. Бор, қарға, хабар олиб кел! – дебди.

Қарға кийик илингин жойга бориб қараса, овчи тошбақани хуржунга солиб, оғзини маҳкам бофлаб, кетаётган эмиш. Тезда дўстларига хабар берибди. Кўкча яна маслаҳат берибди. Дўстлар Кўкчанинг маслаҳатини маъқул топиб, шундай қилибдилар: қарға сичқонни кўтариб, учиб кетибди. Кийик овчининг олдидан ўтаверибди. Овчи кийикни кўриб, хурсанд бўлибди ва тузоқдан қочиш вақтида сёғи синиб, чўлоқ бўлиб қолган экан, энди уни ушлаб оламан, деб кийикнинг орқасидан югурибди. Кийик ҳам оқсоқланиб қочаверибди. Ахири, овчи жуда чарчабди, елкасидағи хуржунни ташлаб, кийик орқасидан роса югурибди.

Қарға сичқонни хуржун яқинига элтиб кўйибди. Сичқон хуржунни тешиб, тошбақани қутқазибди. Тошбақа бир катта тошнинг тагига кириб беркинибди. Қарға сичқонни боққа олиб бориб кўйибди. Сўнгра кийикнинг олдига бориб: «Иш

битди, энди қочавер!» – дебди. Кийик қочиб кетибди. Овчи кийикнинг гардига ҳам етолмай қолибди. Кийик билан кантар қарғанинг боғига боришибди. Дўстлар хурсанд бўлишиб, дўстлик самарасидан баҳраманд бўлиб, тоғда тинч умр кечира бошлабдилар.

ВАЛИДА АБДУҒАФФОР ҚИЗИ

АЛЛА АЙТИНГ ОНАЛАР!

Онажонимнинг айтишларича, кичиклигимда жудаям инжиқ бўлган эканман. «Алла айтмасам, ухламасдинг» дейдилар. Онамни саволга тутаман:

– Ўшанда қанақа аллалар айтар эдингиз?

Онам эслаб кетадилар:

*Алла айтай, жоним болам,
Ухлаб қолгин, алла-ё.
Мехрибонинг бағрида
Ором олгин, алла-ё.*

Бугунги кўпчилик ёш оналар алла айтишни билишмайди. Бинобарин, машҳур аллома Абу Али Ибн Сино ҳам гўдакни алла айтиб ухлатиш фойдали эканини таъкидлаганлар. Шунинг учун бўлса керак, ҳар гал фарзандларимга алла айтганимда бугунги қунларимизни, гўзал эртакларимизни алла сўзларига қўшиб айтаман. Негаки, боланинг қалбига алла билан бирга она юрт севгисини ҳам сингдириш керак. Зеро болаларимиз эртанги қуннинг яратувчиларидир. Шундай экан, уларни меҳримиз ардоғида, қўзимиз қароғида ўстирайлик, кўнгилларига она Ватан туйғусини муҳрлайлик. Ба бу аллаларимизда ўз аксини топсин.

Бижилдоқ болажонимнинг бир қўшиқни хир-

гойи қилаётганини эшитиб, қулоқ тутдим. У давлатимиз мадҳиясини куйлаётган эди... Унинг бурро сўзларини эшитиб сўнг ўйладим: болам бу улуғ сўзлар замиридаги маъно-мазунни ҳам англаётганмикан? Ахир бу мадҳия эндиликда жуда кўплаб мамлакатларда янграб, ўзбек элиниң шухратини дунёга машҳур этмоқда. Шундан сўнг боламга Мадҳиямиз мазмунини тушунтиридим. Ва ният қилдимки, бугун уни куйлаётган фарзандларимиз дунёнинг нариги чеккаларида ҳам Ватанимиз байробини баланд кўтаради. Она юртнинг асл фарзанди эканини ўқишида, ишда, яратувчиликда илфорликлари билан намоён этишади.

Оналар алла айтсалар, болалар ором олишади. Шунингдек, йиллар ўтиб улар улғайишгач, элу юртига қанот бўлишгач, вужудларига аллалар билан бирга сингтан ҳаётбахш туйгуларини эзгуликларга нисор этишгач, оналар кўнгли ҳам роҳату фароғатдан таскин топгусидир. Алла айтинг, оналар!

КАТТА ГУРУХ (5-6 ЁШ)

ҮҚИБ БЕРИШ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИШ

A. НАВОИЙ

БИР КАБУТАР

*(«Садди Искандарий» достонидаги
парчанинг насрый баёни)*

Бир тез учар кабутар бор экан. У жуда узоқ-узоқларга учиб борар эди. Кунлардан бир куни бир подшо уни тутиб олибди ва қафасга қамаб қўйибди. Қафас жуда чиройли экан.

Кабутарга дон ва сув беришибди. Лекин кабутар донни емабди, сувдан ичмабди. Чунки у жуда хафа экан. Кўзларини юмиб, осмонда маза қилиб учиб юрган кунларини эслаб, йифлабди.

Фалакнинг гардиши билан бечора қуш кўп йиллар қафасда қийналибди. Бир куни (қафаснинг эшиги очиқ қолган экан), кабутар (пайтдан фойдаланиб) қочиб кетибди. У осмонга чиқиб, хурсанд бўлганидан фир- фирманибди. Кейин ўз уйи томон учиб кетибди. Кабутар бир неча кунлик йилни бирпасда босиб ўтибди. Уйига етиб келибди... Қараса, уйчаси бузилиб, вайрон бўлган экан.

Кабутар қаттиқ хафа бўлибди. Аммо қайтиб подшоҳниги бормабди. «Подшоҳнинг қафасида нима қиласман? У ер менга бегона. Бу ер эса бузилган, вайронга бўлса ҳам, ўз уйимдир», – дебди кабутар ўзига-ўзи (У ўз уйини тузатишга киришибди).

Қушнинг ҳатти-ҳаракатларига яхшилаб қарасангиз, у чиройли қафасдан кўра тиканли (вай-

рона бузилган) бўлса ҳам ўз уйини қанчалик яхши кўришини билиб оласиз.

ШУҲРАТ

ЗАЙНАБНИНГ МУШУГИ НЕГА АРАЗЛАДИ?

Зайнаб бир куни қишида кўчага чиқса, эшиги тагида мушук боласи турибди. Зайнабни кўриши билан «Менга раҳминг келсин, мен совуқда қолдим, уйингга кирит, исинай!» дегандек чўзиб «мийов» деди. Зайнаб бундоқ қараса, чиройликкина мушук, бирор ташлаб кетгандир» деди-да, уни кўтариб уйига олиб кирди...

Зайнаб уни яхши парвариш қилди, мушук ҳам унга тезда ўрганиб кетди... Оила овқатланишга ўтиrsa, дастурхон ёнига келиб суқатойлик қила бермас, «ақдли» эди... Шу таҳлитда уч йил ўтди. Бу орада Зайнаб мактабга борди. Рўзгорда онасига ёрдам берадиган бўлиб қолди.

Бир куни онаси мактабга ота-оналар мажлисига чиқиб кета туриб:

– Кизим, столдаги идиш-товоқларни йиғишишиб қўй, – деди.
– Хўп, ойижон, – деди Зайнаб...

Зайнаб севиниб идиш-товоқларни столдан йиғиширди, ювди, артди, лекин жой-жойига қўяётганда қўлидан бир коса сирғаниб, тушиб кетди ва чил-чил синди.

Энди онаси нима дейди? У ўйланиб қолди... «Мушук тушириб юборди» дейман. Салдан кейин онаси келди. Зайнаб коса синишига худди шундай важ кўрсатди. Она бироз хафа бўлиб, мушукни қарғади. Ҳатто мушт кўтариб урмоқчи бўлди. Лекин эртасига қизиқ ҳодиса рўй берди. Одатда, Зайнаб нонушта қилганда мушукка ҳам овқат

берарди, бугун ҳам шундай қилди, аммо мушук қайрилиб ҳам қарамади... Мактабдан келиб, овқат берган эди, у яна емади. Эртасига яна шундай бўлди. Ҳатто, Зайнабнинг ёнига кам келадиган бўлиб қолди...

– Сендан аразлабди мушугинг! Зайчаб, нимадан хафа қилган эдинг уни? – деди онаси.

– Ҳеч нарсадан! – деди-у, шу замон мушугига туҳмат қилиб, унга озор бериб қўйганини сезди. Бу иш унга жуда ҳам алам қилди, хафа бўлди, бир-икки кун қийналиб юрди. Охири чидолмади, ҳамма гапни онасига очиб солди. У ростини гапириб бергани учун онаси урушмади. Ёғон гапириш одобли боланинг иши эмаслигини айтди. Бу гапларни эшитиб турган мушук аста келиб Зайнабнинг тиззасига бошини қўйди. Кечкурун Зайнаб унга овқат берган эди, мунҷоқ кўзларини милтиллатиб бемалол еди. У ҳам Зайнабнинг гуноҳини кечирган эди.

ЗУМРАД ВА ҚИММАТ (Ўзбек халқ эртаги)

Бир замонда, катта сой бўйида, кичкина уй бўлар экан. Бу уйда чол, унинг Зумрад деган қизи, ўгай она ва унинг Қиммат исмли арзанда қизи турар эканлар. Кампирнинг Зумрад деган ўгай қизни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ экан. У ҳадеб қизни уриб, қарғаб, эртадан кечгача ишлатаркан, бечорага бирпас ҳам тинчлик бермас экан.

Зумрад жуда чиройли, одобли, мулоим, ақдли қиз экан. Уни бир кўрган киши яна кўрсам, деб орзу қилас экан.

Қиммат эса ишёқмас, инжиқ ва димоғдор бўлиб, унинг бутун куни уруш-жанжал ва тўпалин билан ўтар экан.

Зумрад эрта билан барвақт күзасини күтариб сой ёқалаб булоқ бошига бораркан, йўлда учраган лола гуллар бошларини эгиб, унга таъзим қиларканлар. Зумрад майсалар устида ўтириб дам олганида гуллар уни олқишлиар, булбуллар қувониб, унга ҳикоялар айтиб берарканлар.

Аммо худди шу гуллар кампирнинг арзандасини севмас, уни эркаламас эканлар, чунки бу қиз уларни юлиб ташлар, хушбуй гулларни хидсиз, деб тепкилар экан. Шунинг учун ҳам улар Қиммат келар бўлса, қовоқларини солиб, юмилиб қоларканлар.

Буларнинг ҳаммаси ёвуз кампирнинг фазабини келтирас экан. Кампир эса буни Зумраддан кўяркан.

Бир куни кампир Зумрадни ёмонлаб, чолга дўқ урибди:

– Қизинг беодоб, ишёқмас, уни хайдаб юбор! Бўлмаса, сен билан бир нафас ҳам бирга турмайман!

Чол нима қиларини билмай қолибди. Ахири кампир:

– Қизингни ўрмонга обориб, адаштириб кел! У билан бирга турмайман! – дебди.

Чол қизини адаштириб келиш учун тоғ-тошларни кезиб, бир ўрмонга борибди. Ота-бола ўрмон ичидаги узоқ юрибди. Охири қуюқ сояли бир жойга бориб тўхгашибди.

Кейин чол ўтин кесгани кетибди. Зумрад ёлғиз қолибди.

Шу пайтда бирдан шамол турибди. Чол эса ўрмандаги бир катта дарахта болтасини осибди-да, унга оғирроқ тош боғлаб, қаттиқ итариб юборибди. Болта ўёқдан-буёққа урилиб, тўқиллайверибди.

Шамол жуда кучайибди. Болта шамол кучи билан узоқ вақт дарахтга урилиб, «тук-тук» қилиб товуш чиқарибди.

Зумрад: «Отам ўтин кесаётибди», – деб уйлаб, уни анчагача кутибди. Оқшом тушибди. Отасидан дарак бўлмабди. Шамол тўхтабди. Қиз ўрмондати чучмомаларни териб, беҳосдан болта осилган дарахт тагига бориб қолибди. Қараса, отаси йўқ эмиш.

– Вой, шўрим қурсин. Вой, отажон! – деб уввос солиб йифлаб, тўрт томонга югурибди. Ҳеч кимдан дарак бўлмабди, қиз адашиб қолибди. Ўрмон унга яна ҳам ваҳимали бўлиб кўринибди. Қиз қаёқса боришини билмай, ахири, кичик бир сўқмоқдан чопиб юраверибди.

Зумрад узоқ йўл босибди. Қоронгида гуллар унинг йўлинни ёритибди. Кетатуриб, бир вақт қараса, узоқда милтиллаган чироқ кўринибди, итнинг хургани эшитилибди. Қиз ўша томонга қараб юраверибди. Тезда кичик бир уйга етибди. Ўйнинг деразасидан қараса, бир кампир ўтирган эмиш. Қиз севиниб, кампир олдига кирибди, бошидан кечирган воқеаларни кампирга бирма-бир айтиб берибди.

Уйига шундай чиройли қизчанинг келганини кўрган кампир жуда қувонибди. Бу кампир ўрмонда яшайдиган сеҳргар экан. Кампир қизнинг йифлаганини кўриб:

– Кўп ҳафа бўлма, қизим, сенга ёрдам бераман, – деб қизни овутибди. Қиз ҳам унга:

– Раҳмат! Мен сизни ўз онамдек кўраман. Буюрган ишингизни жоним билан қиласман, – деб жавоб берибди.

Шу чоқ кампирнинг уйи тепасига жуда кўп кушлар йигилибди, улар қизчани мақтаб, сайрашибди.

Кушлар тилини билган сеҳргар кампир яна ҳам қувонибди, хосиятли қизга дунёда топилмайдиган расмли китоб ва қўғирчоқлар бериб:

– Оппоқ қизим, шириң қизим, дүмбөгим, мунчогим – деб бошини силаб, эркалабди.

Улар анча кун бирга туришибди. Кампир қизчани яхшилаб парвариш қилибди.

Зумрад озода қиз бўлгани учун уйни супурибсидириб, ойналарни артиб-суртиб, ҳаммаёқни чиннидай қилибди, буни кўриб, кампир қувонар экан.

Бир кун кампир қизга ош қилиб бермокчи бўлиб:

– Томдан ўтин олиб туш, қизим, – дебди. Қиздик этиб ўрнидан туриб:

– Хўп бўлади, онажон, – деб дарров томга чиқибди. Том баланд бўлгани учун ундан ҳаммаёқ кўринар экан. Қиз атрофга қараб туриб, бирдан ўз уйининг томини кўриб қолибди ва йиглаб юборибди.

Буни эшиштан кампир:

– Нега йиглайсан, қизим? – деб сўраган экан.
Қиз:

– Кўзимга уйимиз кўринди, отамни соғиндим,
– дея яна йиглабди.

Кампир уни алдаб-сулдаб юпатибди, икковлари овқат пишириб, ейишибди.

Эрта билан қизга кампир:

– Нарсаларингни йифиштир, қизим – деди.

Қиз нарсаларини йифиштирибди.

Кампир қизга:

– Томда қизил ва оқ сандиқ бор, оқини қолдириб, қизил сандиқни олиб туш – дебди-ю, ўрмонга кириб кетибди. Бир вақтдан кейин ўрмондан саман от қўшилган бир арава етаклаб чиқиб, қизга узатибди.

– Қизил сандиқни уйга боргандан кейин оч – деб кампир қизга бир калит берибди.

Қиз кампир билан қайта-қайта хайрлашиб, йўлга чиқибди. Бир зумда арава қизнинг уйи ол-

дида ҳозир бўлибди. Шу пайт уй эшиги олдида чол ўз қизини соғиниб, унинг дардида йифлаб ўтирган экан. Қиз меҳрибон отасини кўриши билан:

– Ассалому алайкум, отажон! – деб отасининг бағрига ташланибди.

Чол хурсанд бўлганидан анчагача кўз ёшларини тўхтатиб ололмабди. Ахири йифидан тўхтаб, қизига:

– Оппогим, мени кечир, – дебди.

Улар уйга киришибди. Қизнинг келгани ҳаммага маълум бўлибди. Кўни-кўшнилар йиғилишибди. Қип-қизил сандиқни очиши билан ҳамма ҳайрон қолибди. Қизил сандиқ асил моллар билан лиқ тўла экан. Мол шунча кўп, шу қадар ажойиб эмишики, Зумраднинг бутон умрига етиб ортар экан.

Бу нарса ўгай онани ташвишга солибди.

У чолга қизи Қимматни ҳам тезда ўрмонга олиб бориб, адаштириб келишини буюрибди. Чол «хўп» деб, Қимматни дарров ўрмонда адашгириб келибди.

Кеч кирганда, Қиммат, худди Зумрадга ўхшаб, болта осилган дараҳт тагига бориб қолибди. Адашганини сезибди. Ҳўнг-хўнг йиғласа ҳам, лекин уни овутадиган одам топилмабди.

Фақат унинг рўпарасида бойқушлар ўтириб олиб, қоронғи, ваҳимали ўрмонлар ҳақида сайрармиш.

Бу куйлар Қимматни ваҳимага солибди. У кўрқиб, ўрмондан қоча бошлабди. Қоронғи тушган пайтда сеҳргар кампирнинг уйига кириб борибди. Кампир уни яхши кутиб олибди, овутибди, меҳмон қилибди. Сўнгра қизга қараб:

– Хафа бўлма, қизим, ўзим ёрдам бераман, – дебди. Аммо Қиммат кампирга яхши сўзлар то-

пиб айтолмабди, чунки онаси унга яхши сўзлар ўргатмаган экан. Кампир уни севмабди, яхши эртаклар ҳам айтиб бермабди, дунёда топилмайдиган суратли китоблар ва қўғирчоқлар ҳам ҳадя қилмабди.

Қиммат эртадан қора кечгача ялқовланиб ўтираверар экан. Уйни йигиштириб, супурмас экан.

Бир куни кампир ўрмондан қайтиб келиб, унга:

– Томдан ўтин олиб туш, қизим – деган экан.

Қиз:

– Ўзингиз олиб тушинг, малайингиз йўқ! – дебди.

Кампир жудаям хафа бўлибди, шунга қарамай, қизни алдаб-сулдаб, томга чиқарибди. Лекин қиз ўтин олиб тушиш ўрнига том бошида чинқириб йиглайверибди. Кампир буни эшитиб:

– Нега йиглайсан, қизим? – деб сўраган экан.

Қиммат ер тепиниб:

– Уйимни кўрдим, кетаман, – деб яна ҳўнграбди.

Сеҳргар кампир қизга:

– Жуда яхши, томдаги сандиқни олиб туш, – . дебди. Қиммат сандиқни олиб тушибди. Кейин кампир қизга бир калит узата туриб:

– Мана калит, сандиқни уйингга борганингда очасан, – дебди.

Қиз ўша онда йифисини ҳам унутиб, оқ сандиқни орқалаб, жўнабди. Сеҳргар кампир унга арава ҳам бермабди, қиз оғир сандиқни кўтарганича уйига пиёда кетибди.

Қизнинг келишини, даставвал, олапар ит сезибди. У Қимматнинг онаси олдига бориб:

– Вов-вов-вов, – деган экан, кампир қулоқ солмабди, ит яна вовуллаб:

– Опам келаётирлар, орқалаганлари оқ сандиқ, илон билан лиқ тўлиқ, – дебди.

Кампир ғазабланиб, ўқлоги билан итни уриб, оёғини синдирибди.

– Менинг ақалли қизим қимматли моллар келтиради, – дебди у.

Қизининг келганини кўриб, кампир ўзида йўқ севинибди. Қўни-қўшнилар йиғилибди. Сандиқни очмоқчи бўлишибди.

Шунда кампир билан қизи иккиси: «Йўқ, очманглар!» – деб ўзларини сандиқ устига ташлабдилар.

Кейин икки дастидан кўтариб, уни уйга олиб кирибдилар.

Ярим кеча пайти экан, кампир билан қиз эшикэликни ёпиб сандиқни очишибди-ю, бирданига:

«Войдод, қутқаринглар! Аждар! Войдод» – деб бақиришибди.

Сандиқда каттакон аждар ётган экан. Қоқвош кампир билан, унинг уришқоқ қизи додлашиб, уйни гир-гир айланишибди, қўрқанларидан қулфланган эшикни очишолмабди.

Аждар кампир билан қизни ютиб, дарчадан чиқиб кетибди.

«Дод, вой» деган овозни эшитган қўни-қўшнилар эшикни бузиб, ичкари кирибдилар. Қарасалар, хеч ким йўқ эмиш. Уйдан ёвуз кампирни ҳам, унинг уришқоқ қизини ҳам тополмабдилар.

Шундан сўнг оққўнги Зумрад билан отаси тинчгина яшаб, мурод-мақсадларига етибдилар.

ФОЗЛАР ОҚҚУШЛАР

(Рус халқ эртаги)

Жуда қадим замонда чол-у кампир яшаган экан. Уларнинг бир қизчалари ва кичкинтой ўғиллари бор экан.

– Қизалогим, оппоғим! Биз бозорга кетяпмиз, сенга ширин нон олиб келамиз, куйлак ҳам тикиб

берамиз, рўмолнча сотиб олиб келамиз, ақилли бўл, укангни эҳтиёт қил, ҳовлидан узоққа кетма! – дейишипти ота-она.

Катталар ўз иши билан жўнашибди. Қизча уларнинг панд-насиҳатини жуда тез унугиб, укасини дераза тагидаги майсага ўтқизибди-да, ўзи кўчага шаталоқ отиб чиқиб кетибди, анчагача ўйнаб, сайд қилибди. Шу атрофдан учеб ўтаётган ғозлар-оққушлар болани кўриб қолиб, қанотларига ўтқазиб олишибди-да, учеб кетишибди.

Қизча уйига қайтибди. Қараса укаси йўқ эмиш! Додвой қилиб у ёққа югурибди, бу ёққа югурибди – ҳеч қаердан топа олмабди. Бор овозида чақирибди, ёлғон кўз ёши билан кўрқитибди, отаси билан онасидан калтак ейишини айтибди, аммо укасидан ҳеч садо чиқавермабди. Кенг далага югуриб чиқибди, олисда ғозлар-оққушлар элас-элас кўринишибди-ю, қалин ўрмон ортига фойиб бўлишибди.

Ғозлар-оққушлар ёш болаларни ўғирлашга одатланиб қолган эканлар. Уларнинг бу бадфеллигини ҳамма билар экан. Қизча ҳам укасини ана шулар олиб кетганлигини фаҳмлаб, уларнинг ортидан қувишга тушибди. Югурибди, югурибди, қараса, йўлида тандир турганмиш.

– Тандир-тандир, ғозлар қаёққа учеб кетишганини айта олмайсанми? – сўрабди қизча.

– Жавдар унидан ёпилган сомсамдан есанг, айтаман, – деб шарт қўйибди тандир. – Э, йўқ, бизнинг ота-боболар ҳатто буғдой унидан қилинганлариниям ейишмайди! Тандир ҳеч нарса айтмабди. Қизча яна кетибди. Йўлда унга олма дарахти учрабди:

– Олма, олма, ғозлар қаёққа учеб кетишганини айта олмайсанми? – сўрабди қизча.

– Менинг жайдари олмамдан есанг, айтаман, – дебди дарахт.

– Э, йўқ, бизнинг ота-боболаримиз ҳатто боғ олмалариниям ейишмайди. У шундай деб югуришда давом этибди. Салдан кейин рўпарасидан сутли сой, киселли қирғоқлар чиқиб қолибди.

– Сутли-киселли қирғоқлар, ғозлар қаёққа учиб кетганларини айтиб беролмайсизларми? – ўтиниб сўрабди қизча.

– Менинг киселимдан сутга қўшиб ичсанг, айтаман! – дебди қирғоқ. Унинг шартини маъқулабди сой.

– Э, йўқ, бизникилар сой сутини ичипмайди!

Унинг бахтига йўлида типратикан йўлиқибди, йўқса анчагача далаларда югуриб, ўрмондан-ўрмонга санқиб юрарди. Қизча уни оёғи билан итариб юбормоқчи бўлибди-ю, аммо тикани кириб кетишидан чўчибди. Бундан ҳам сўраб кўрайчи дебди:

– Кирпи, кирпи, сен ғозлар қаёққа учиб кетишганини билмайсанми?

– Ҳув анави ёққа! – дебди типратикан.

Қизча у кўрсатган томонга қараб чопибди. Бориб қараса, товуқоёқ кулба турганмиш, гоҳ у ёққа гоҳ бу ёққа бурилармиш. Кулбада юзини қат-қат ажин босган, оёқдари лой бир ялмоғиз кампир бор экан. Укаси курсичада ўтириб, олтин олмаларни ўйнаётган экан. Қизча секингина унинг ёнига бориб, белидан маҳкам тутибдида, олиб чиқиб кетибди. Ғозлар эса унинг кетидан қувишибди. Ёвузларнинг қўлига тушмаслик учун қайерга яшириниш мумкин? Киселли қирғоқдаги сутли сой шитоб билан тез оқарди.

– Эна сой, яшир мени!

– Киселимдан еб, сутимдан ичсанг!

Қизча чор-ночор киселдан еб, сутдан ичибди. Сой уни қирғоқча тагига яширибди, ғозлар кўрмай учиб кетишибди. Қизча у ердан чиқибди-да, «Рах-

мат!» – деб яна укасини етаклаб чопиб кетибди. Фозлар эса ортларига қайтиб, уларга қарама-қарши тарафдан учеб келишибди. Нима қилиш керак? Фалокат? Рұпарада олма дарахти туради:

- Олма, олма, яшир мени!
- Менинг жайдари олмамдан есанг!
- Қизча шоша-пиша олмадан ебди. Дарахт уни шохлари билан пана қилибди, барглари билан яширибди, ғозлар күрмай кетишибди. Қизча беркингән еридан чиқибди-да, «Раҳмат» – деб укасинг күлидан маҳкам ушлаб олиб, яна югуришда давом этибди. Фозлар тағин опа-уқани қувишига тушишибди, уларга етиб олишларига озгина қолибди, қизчани қанотлари билан уриб, укасими тутиб олиб кетишига уринишибди. Қизчанинг бахтига йўл устида тандир туради.
 - Тандир-тандиржон, яшир мени!
 - Жавдар унидан қилингандан сомсамдан ечанг, яшираман!

Қизча сомсадан апир-шапир ебди-да, укаси иккови ичига кириб қопқоғини ёпиб олишибди. Фозлар-оққушлар печнинг ёнига учеб келиб, қопқоқни очишига ҳаракат қилишибди, аммо очолмабдилар. Кейин печнинг мўрисидан кирмоқчи бўлишибди, аммо киролмабдилар, фақатгина қанотлари қурумдан қоп-қора бўлибди. Шундан сўнг улар печнинг тепасида гир-гир айланиб учишибди, овозлари борича қичқиришибди, аммо фойдаси бўлмабди, ялмогиз кампир ёнига қуп-қуруқ қайтишибди.

Қизча эса укаси билан пеҷдан чиқиб уйига югурибди, яхшиямки, вақтида етиб келгани, йўқса... Сал ўтиб ота-оналари ҳам кириб келибдилар. Уларга ҳар-хил совғалар олиб келишибди.

ЧИН СҮЗ

(Эртак)

Япил ўтлоқдаги қурт ўзини ҳаммадан чиройли деб билар эди. У ҳар томчи шабнамга қараб жамолини томоша килишни жуда-жуда севарди. Бир куни у томчидаги япалоқ юзи аксига маҳдиё бўлиб, севинчини ичига сифдиролмай: – Оҳ, қандай гўзалман-а! деди-да, сертук белини қайириб, ундаги олтиндай товланиб турган икки чизиққа кўз ташлади. Сўнг:

– Эсизгина-я мендай гўзални ҳеч ким кўрмаяпти, ҳеч ким! – деб афсусланибди.

Бир куни Куртнинг омади келди: ўтлоққа бир қизча келиб, гул тера бошлади. Курт уни бир оз кузатиб турди-да, сўнг энг чиройли гулнинг устига чиқиб, қизчанинг ўзига яқинлашишини кута бошлади. Қизча уни кўриши биланоқ:

– Вой, мунча хунуксан! Ҳатто, сенга қарашгаям одам жирканади! – деса бўладими...

– Ҳали шундайми?! – Курт қаттиқ хафа бўлди.

– Ундан булса, мен чин қуртлик сўзимни бериб, айтаманки, бундан буён мени ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қаерда кўрмайди.

Сўз бердингми, ҳаттоки сен қурт бўлсанг ҳам, уни бажаришинг шарт.

Гўзаллиги тан олинмаган қурт бир дарахт ёнига келиб тўхтади. Узоқ ўйлаб ўтирумай, унга ўрмалаб чиқа бошлади. Дарахтнинг танасидан бутогига, бутогидан шохига, шохидан шохасига, шохчасидан яна новдасига, новдасидан эса баргига ётиб борди-да, яхшилаб ўрнашиб, чалқанчасига ётиб олди. Қорнидан бир ғалтак ипак чиқариб, ҳеч кимга кўринмаслик учун, ўзини ўзи ўрай бош-

лади. У узоқ вақт бетиним мәжнат қилди. Ниҳоят, илларидан пилла ясади. Қурт ишини битиргач, чукуру хұрсинашынан:

– Бирам чарчадимки. Роса тинкам қуриди, – деди.

Пилланинг ичи иссиқ ва қоронғи эди. Қилишга эса иши йўқ. Қурт ухлаб қолди... Қурт орқасининг қаттиқ қичишидан уйғониб кетди. У жонжаҳди билан пилла деворига орқасини ишқай бошлади. Ишқалаб-ишқалаб, охири уни тешиб юборди-ю, йиқилиб тушди.

Ия, жуда қизиқ-ку? Одатда йиқилганда пастта тушар эди, у эса юқорига күтарилиб кетяпти.

Шу пайт қурт кўм-кўк ўтлоқдаги ўзига таниш қизчани кўриб қолди. «Қандай даҳшат», – деб уйлади у. – Майли, мен хунук бўла қолай. Бу менинг айбим эмас. Лекин энди ҳамма мени «ёлғончи» дейди. Бу жуда-жуда ёмон! Ахир «энди ҳеч ким мени кўрмайди», деб чин куртлик сўзимни берган эдим-ку! Мана, уни бажармадим. Уят!» Хаёлидан шуларни ўтказган қурт ўтлар устига йиқилиб тушди. Қизча уни кўрган заҳоти:

– Вой, қандай чиройли! – деса бўладими.

– Ана энди, одамларга қандай ишониб бўлади?
– ўзича тўнғиллади Қурт. – Улар бир кун бир гапни айтишади, эртасига эса бутунлай бошқасини.

Қурт қизчанинг ҳозиргина айтган гапларига ҳайрон бўлиб, томчи шабнамга қаради. Ия!

Нима гап ўзи? Шабнамдан унга узун-узун мўйловли, ўзига бутунлай нотаниш бир чеҳра тикилиб турибди. У бир иложини қилиб орқасига қараган эди, катта-катта рангдор қанотларини ҳам кўриб қолди.

– Жудаям қизиқ-ку, а? Наҳотки, танамда мўъжиза юз берган бўлса?...Ха, танамда чиндан ҳам мўъжиза юз берибди. Ха, ха, мўъжиза!!.. Энг

оддий мүъжиза. Чунки ҳамма капалаклар капалак бўлишдан аввал қурт бўлишади-ку. Бу нарса эсимдан чиқай дебди-я. Мен ка-па-лак-ка айланбман. Қурт капалакка айланганидан роса хурсанд бўлиб кетди. Ўтлоқ устида чир-чир айланиб, чарх уриб уча бошлиди.

У яна шунинг учун ҳам бехад хурсанд эдики, ҳеч қачон, ҳеч ерда, ҳеч кимга «энди мени ҳеч ким кўрмайди», деган чин капалаклик сўзини бермаган эди...

ҲАКИМ НАЗИР

ПАЛЬТОЧА

– Қаҳратон қиши. Ойнадай музлаган асфалт кўча Унинг четида бир кампир, дидираганча туриб, ўтган машиналарга қўл кўтаради. Узоқдан бўш машина кўринганди, кампир сирғана-сирғана унинг қаршига чиқди. «Волга» фийқилаганча сий-паниб тўхтади. Кабинадан ҳайдовчининг бармоқ ўқталиб, бўғилганча алланима дегани эшитилди. Жонҳолатда кампир машинага ёпишди, ялиниб-ёлворгач, басавлат кийинган ҳайдовчи иложсиз очди.

– Қаерга борасиз, холамойи?

Шартта машинага ўтириб олган кампир узоққа имо қилди.

– Вақтим зиқ, холамойи. Тушадиган жойингизни айтинг.

– Эсгинам қурсин, – деб кампир пешонасига урди. У бундан бир соатча бурун аллақайси автобус бекатида сумкасини унутиб қолдирган экан, шуни йигламоқдан бери бўлиб гапирди.

– Сумкада нималар бориди, холамойи?

– Янги пальточа, яна бошқа майда-чуйдалар...

– Бей, қолдирған жойингизда турармиди. Бошкүзингиздан садақа энди. Сумкангизда тилла йўқ, экан-ку, ҳар тугул!

Кампирнинг гумони ошиб, юраги ачишди:

– Бугун неварамнинг туғилган куни. Пальточани мактабига кийиб бормоқчиди.

– Ўша бекатда одам кўпмиди, холамойи?

– У ёнимда бир киши, бу ёнимда елкасига папка осган қизалоқ ўтирувди, шекилли.

– Кўрсангиз танийсизми ўша бекатни?

Кампир индамай, ҳар тарафга алангларди. Ҳайдовчининг тоқати тоқ бўлди.

– Ортиқ олиб юролмайман кўчама-кўча, холамойи! Вокзалга чиқиб кетяпман.

– Тағин озроқ юр, жон болам, манави қўчага, – дея туриб, кампир бирдан қичқириб юборди, – ана, ана шу.

У чўнтағидан пул чиқарди-да, ҳайдовчининг ёнига ташлади. Ҳайдовчи буни билмаганга олиб, кампирни машинадан туширди. Кўк соябон остидаги скамейкада ўн ёшлар чамаси қизча, елкасида папка, тиззасида жигарранг сумкани қучоқлаганча, дийдираబ ўтиради. Кампир инқиллаб-синқинлаб бордию, қизчани бағрига босди. Кўкариб кетган бетларини силаб-сийпаб:

– Вой, умрингдан барака топгур, вой, тасаддуфинг кетай, болажоним-е, яхшиям сен боракансан-а! – дея дуо қила кетди.

– Ҳали автобусста тушаётганингизда орtingиздан сумкани оборувдим, қарамасдан кетиб қолдингиз, – деди қизча.

– Эсгинам қурсин, – деб кампир духоба пальтоси чўнтағидан бир сўм чиқариб, қизчага узатди. Қизча худди хунук нарсага кўзи тушгандай ижирғанди, пулни олмасдан кампирнинг бетига «нима учун?» дегандай кинояли қараб қўйди-да,

йўлкадан пилдираб жўнади. Кампир унинг кетидан:

– Мунчаям орли, тортинчоқ бўлмасанг, ҳой қиз, отингни ҳам айтмадинг-а! – деб анграйганча қолди.

НОН ҲИДИ

(Ривоят)

Ҳиротнинг султони Ҳусайн Бойқаро: «Дунёдаги энг яхши ҳидни келтиринг!» – деб қолибди. Унга қучоқ-қучоқ гул келтиришибди. Султон: «Йўқ», – дебди. Қалампирмунқоқни рўбарў қилишибди, рад этибди. Ер юзидаги жамики хушбой ҳидли нарсаларни муҳайё қилишибди. Султон бўлса: «Мен айттан бу эмас», – деб туриб олибди. Кейин:

– Уч кун муҳдалат ичида топсаларинг топларинг, бўлмаса ҳаммангни жазога тортираман, – дебди.

Вазирлар нима қилишни билолмай, ўйлайвериб, бошлари қотибди. Ҳусайн Бойқаро истаган ҳидни топиша олмай, охири Навоийнинг олдига боришибди.

– Султонимиз айтган ҳидни топиб, бизни ҳалокатдан сақлаб қолинг, – дейишибди.

Дўстининг кўнгли қандай ҳид истаганини билолмай Навоийнинг ҳам боши қотибди.

Деҳқон бободан сўраган экан, у:

– Янги ёпилган нондан олиб боринглар-чи, отам раҳматли, дунёда энг лаззатли ва ёқимли ҳид – қайроқи буғдой унидан ёпилган тандир нон, ҳеч қайси ҳид унга етолмайди, дегувчи эдилар, – деб маслаҳат берибди.

Навоий хурсанд бўлиб, деҳқон айтганини қилиб, бир сават нон ёптирибди-да, саройга етиб борибди. Бир зумда саройга ажаб ёқимли ҳид тарқаб, барчанинг дилини яшнатиб юборибди.

– Раҳмат, дўстим, – дебди Ҳусайн Бойқаро нонларни кўриб, – кўнглим янги ёпилган нон исини қумсаётган эди, топиб келибсиз. Дунёда янги ёпилган ноннинг исидан кўра ёқимлироқ ҳид йўқ...

– Султоним, раҳматни мента эмас, дехқон боғоба айтинг, кўнглингизнинг хоҳишини шу киши топди, – деб жавоб берибди Навоий.

Ҳусайн Бойқаро дехқонга бош-оёқ сарпо беришини буюрибди.

ШИРИН БИЛАН ШАКАР

(Шу номли ўзбек халқ достонидан парча)

Қуёнқи шаҳрида Қосимхон деган подшо бўлган экан. У ўғилга зор экан. Охири Бўтакуз деган хотини ўғил кўрибди. Унга Шакарбек деб исм қўйишибди. Айни вақтда, вазирнинг хотини ҳам ўғил кўрибди-ю, оламдан ўтибди. Чақалоққа Ширин деб ном беридилар. Бўтакўз гўдакни ўз бағрига олибди. Улар Ширин билан Шакар бўлиб юраверибдилар.

...Улар бирга, иккига кирди, иккидан учга кирди, тилга энгандан (киргандан) мактабга борди. Бир куни иккови маслаҳат қилиб, овга чиқмоқчи бўлди.

Эгарлаб минди-ку, бул бедов отни,
Белга бойлаб сопи олтин қилични.
Кўп қаради, юриб адир-тогларни,
Сувсаб, очқаб, шундай чўлда юради,
Уч кечади, уч кундуз ҳалак бўлади.
Шунча юриб, ҳеч бир онгни кўрмади,
Куруқ келмагани маъқул билмади.

Улар Қуёнқи шаҳрининг четига келдилар, бир сарҳовузнинг бетида сузуб юрган ғозни кўрдилар.

Фозни кўриб, Шакарбек Ширинбекка қараб, бир сўз деди:

– Фозни отиб бирга олиб борамиз,
Отамнинг кўнглини шодмон қиламиз.

Бу сўзни эшишиб, Ширинбек Шакарбекка қараб, бир сўз айтиб турган экан:

– Сен эшиштган мендек уканг арзини,
Отма сарҳовузнинг юзган гозини.
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Фозни отиб, ака, жабр кўрмагин!
Бу сўзларни айтди Ширинбек ночор.
Аччигланиб, ёйга ўқни солади,
Шакар гозни отмоқчи бўп чоғлади.

Фоз Шакарбек ўқидан яраланди ва сувдан кўтарилиди. Бедов отдаги Ширин билан Шакар фозни йўқотиб қўймаслик учун ундан кўз узмай чопди. Ярадор фоз болаларнинг ўгай онаси – Кенжаойимнинг ўрдасига келиб қўнди. Ёш овчилар у ерга бариб, Кенжаойимдан фозни сўрайди.

Бу фоз Кенжаойимнинг ота юртидан олиб келган энчи (совға қилинган) фози эди. Кундуз куни сарҳовузда юзиб юрар эди. Оқшомда Канжатойимнинг уйига қайтар эди. Кенжаойим фозни ярадор кўриб, уни қучоқлаб, бу сўзни айтиб турибди:

... – Менинг фозим қизил қонга ботипти,
Жувонмарглик қиб бағрим қонга тўлдирдинг.
– Қўйинг, эна, – деди, борди Бек Шакар,
Ширин-Шакар бу иккови бирикар,
Иккови бир бўлиб тортиб олади,
Фозни олиб, кула-кула жўнади.

Болалар, сиз мактабга борганингизда ўқишни, ёзишни ўрганасиз ва «Ширин билан Шакар» дostonини маза қилиб, ўқиб чиқасиз. Сиз унда Кенжаойим ва отилган фоз туфайли норасидалар бо-

шига қандай кулфатлар тушганини, матонатли ака-укаларнинг ўз мақсадларига эришиш йўлидаги ҳаракатларини билиб оласиз.

РАУФ ТОЛИБ

ФАЛАТИ ЗИЁФАТ

Кирпи ўрмондан бирор егулик топа олмай, қуруқ қайтиб кетаётган экан. Ола қуённинг ёнидан ўтаётса, димогига карам шўрванинг ёқимли ҳиди урилибди.

«Оҳ-оҳ!» – қувонибди Кирпи. – Ола қуённикида шўрва биқиллаб қайнаётганга ўхшайди. Ўзиям қорин сурнай чалаётган эди-ку, аммо кирсам қалай бўларкин! «Айтилмаган меҳмон – йўнилмаган таёқ», дейишади, ахир. Баъзиларга ўхшаб, бетимни қалин қилиб, ис чиққан жойга иршайиб кириб борадиган одатим йўқ. Э, оч қолсам, қолай, лекин кирмайман». Кирпи ўз йўлида давом этиб, бир-икки қадам босибди-ю, яна тўхтабди. Ҳеч нари кетолмай қолибди. Шўрванинг ёқимли ҳиди иштаҳасини қўзғаб юборибди. Яна ўйлабди: «Қуён ўзимнинг жонажон дўстим-ку! Бир меҳмон бўлсам, бўлибман-да! Ахир, қуён ҳам бизникида кўп ебичган, ҳатто бир-икки гал ётиб ҳам қолганди... Қаранг, тирикчиликдан ортиб, вақт топиб қуённикига ҳам келолмаган эдим. Ҳойнаҳой, дўстим мени кўриб, ўзида йўқ севиниб кетса керак. Шундок ўшурвани ичмай, қаёққа бораман?» Кирпи тортиниб, минг бир андиша билан қуённинг эшигини қоқибди.

– Салом, дўстим қуёнбой, омон-эсонмисан? – дебди Кирпи қучоқ очиб. Ола Қуён Кирпни кўрибди-ю, бирдан қовоғи осилиб кетибди. Аммо сир бой бермай:

– Хуш кўрдик, келинг, – дебди энсаси қотиб.
– Қуёнбой, жуда қўлинг гул, пазандасан-да!
Уянгнинг ёнидан ўтиб кетётсан, шўрванинг
хушбўй ҳиди димогимга гуп этиб урилди. Кира
қолдим.

– Жуда яхши қилибсан, – дебди Ола қуён кеса-
таётгандай. Ола қуён анча хасис, зиқна экан.
Бирор марта ҳам уйига биронни чақирмаган экан.
Кирпининг келиши унга ёқмабди.

Ола қуён йўлда турган чеалакларни оёғи билан
тарақлатиб тепиб, дам у ёққа, дам бу ёққа ўтиб
меҳмонга дастурхон ёзибди.

Худди шу пайт эшикдан иккинчи меҳмон –
Юмронбой кириб келибди. Меҳмонларнинг икки-
та бўлганини кўрган қуённинг қовоғидан қор
ёғибди.

– Қуёнжон, шўрва пишираётган экансан, ке-
лавердим, бир зиёфатга тушдинг-да! – дебди
Юмрон тиржайиб.

– Меҳмонларга эшигим доим очиқ, – дебди Ола
куён ўзига ярашмаган тўнглик билан. Ичиди эса:
«Сенга кимнинг кўзи учиб турувди?» дебди.

Ола қуён ошхонага кириб кетибди. Дам ўтмай
унинг шангиллаган овози эшитилибди.

– Вой, қурибина кеткур, текинтамоқ пашиб-
лар-эй, нуқул тайёр овқатга ёпишгани-ёпишган.

Ола қуён идиш-товоқларни бир-бирига уриб,
шақиллатиб, овқат суза бошлабди. Сўнг худди:
«Мана, ичларинг», дегандай идишларни тўқилла-
тиб меҳмонлар одига қўйибди.

Меҳмонлар бир-бирларига қарашибди.

Улар шўрвадан бир қошиқ ичишибдию, ўрин-
ларидан туришибди.

– Қуёнбой, шўрва жуда мазали бўлган экан,
дейишибди-да, жўнаб қолишибди.

Ола қуён уларни кузатиб келиб, бундоқ қараса, меҳмонар овқатга тегишимабди ҳисоб... Ола қуён ҳайрон бўлибди:

— Ўзларику: «Қўли гул пазандасан, шўрвангнинг ҳиди ундоқ, мазаси бундоқ», — деб роса мақташди. Ширин бўлса, нега ичмай кетиши? Тавба....

ҚАРҒАВОЙ

(Ўзбек халқ эртаги)

Бир бор экан, бир йўқ экан, кап-катта очкуз Қарғавой бўлган экан. Кунлардан бир кун Қарғавойнинг ови барор олмай, қорни очди.

У ов қидириб, кўп сарсон бўлди. Юраверди, юраверди. Учаверди, учаверди. Энг охир денгиз лабига бориб қолди. Денгиз буйида баррагина бир қўзичоқ ўтлаб юрар эди. Қарға учиб бориб, қўзичоқнинг қоқ белига қўнди.

— Киш! — деди қўзичоқ.

— Қор, қор! — деди Қарғавой. Қўзичоқ, мен сени ейман. Қўзичоқ қўрқиб кетди. У ингичка овоз билан маъраб:

— Ма-ан ҳали ёшман. Раҳм қил. Ма-ни ема!

Қарға бўлса, яна қаттиқроқ қафиллаб, деди:

— Қо-опрр, қо-о-о-ррр. Қарға ёш қўзиларни яхши кўради. Мен сени ейман!

Қўзичоқ нима қилишини билмай колди. Бирдан илжайиб, деди:

— Майли, қарғавой, мен рози.

— Жуда соз!

Қарғавой қўзичоқни емоқчи бўлиб, оғзини очди.

— Тўхтаб тур! — деди қўзичоқ. — Онқат ейишдан оддин қўлингни юв, оғзингни чайқа...

— Нима учун?

— Тоза бўласан.

— Хўп,— деди қарға.

Қарғавой учиб, денгизга борди.

– Қор, қор! Денгиз, денгиз!

– Лаббай.

– Менга сув бер!

– Нима учун?

– Оғзимни чайқаб, барра құзичноқни мазза қилиб ейман!

Денгиз жавоб берди:

– Яхши, бор, кулолдан күза келтир.

Қарға тезлиқда кулолга чопди. Кулол лой пишитиб ўтирад эди.

– Қор, қор! Кулол, кулол! – деди қарғавой, хунук овозини баланд қўйиб. – Менга күза бер, кўзани денгизга элтаман, денгиз менга сув беради, сувга оғзимни чайқайман, сўнгра баррагина қўзичноқни мазза қилиб ейман.

Кулол жавоб берди:

– Хуп, қарғавой. Лекин Тупроғурғондан тупроқ келтиргин, күза ясаб бераман.

Қарға халлослаб, тупроқурғонга борди.

– Қор-рр, қор-рр! Қўрғон, қўрғон! Менга тупроқ бер, тупроқни кулолга элтаман, кулол күза ясаб беради, кўзани денгизга элтаман, денгиз менга сув беради, сув билан оғзимни чайқайман, сўнгра барра қўзичноқни мазза қилиб ейман.

– Сендан ҳар қанча тупроқни аямайман. Темирчига бориб, теша келтиргин!

Қарға суюниб: «Иш ўнгидан келаяпти», – деди. У тўғри темирчининг оддига борди.

– Темирчи амаки! Ҳо, темирчи амаки! – деди Қарғавой. – Менга теша беринг, тешани қўрғонга элтаман, қўрғон менга тупроқ беради, тупроқни кулолга элтаман, кулол күза беради, кўзани денгизга элтаман, денгиз сув беради, сувга оғзимни чайқайман, кейин барра қўзичноқни мазза қилиб ейман.

Бу гапни эшитиб, темирчининг энсаси қотди.

– Олов келтир, тешани ўтга солиб, пешлаб бераман, – деди у.

– Хўп!

Қарға олов ахтариб кетди.

Бир кампир чавати пишириб ўтирас эди.

– Қор, қор! Қампир она, менга олов бер, – деди. Қарға учиб келиб, оловни темирчига элтаман, темирчи теша ясад беради, теша билан тупроққўргонга бораман, у тупроқ беради, тупроқни кулолга элтаман, кўза ясад беради, кўзани денгизга элтаман, у сув беради, сувга оғзимни чайқаб, баррагина кўзичноқни мазза қилиб ейман.

Кампир ўзича ўйлади: «Майли, олов берай, бир куйиб ўлсин!».

– Олақол!

Қарға қўлига бир сиқим кул олиб, оловни унинг устига қўйди-да, тез учиб кетди. Кампир нима қиларини билмай, ҳайрон бўлиб колаверди.

Қарға темирчига бориб, оловни берди, темирчи Қарғавой кўтара олмасин деб, теша ўрнига кетмон ясад берди. Қарға кетмонни зўрга кўтариб, тупроққўргонга борди, кўрғон кўп тупроқ берди, тупроқни кулолга элтди, кулол бесунақай кўза ясад берди, кўзани ўла-тирила кўтариб, денгизга борди ва деди:

– Кўза келтирдим, сув бер!

– Олақол!

Қарға жуда чарчаган эди. У, кўза денгизга тушиб кетмасин, деб уни думига боғлаб олди-да, сувга солди.

Кўзага сув тўла бошлади. У борган сари оғирлашаверди. Очкўз Қарғавой кўпроқ сув гамламоқни хаёл қилди.

Кўза тўлди. Қарғавой уни кўтариб, учиш учун қанотларини ёзди, оёқларини кўтарди, лекин уни

күтара олмай, тийғаниб кетиб, денгизга қулади.

Минг талпиниб, қанот ёсса ҳам бўлмади, чўкиб кетди. Буни кўрган Қўзичноқ тумшуғини осмонга кўтариб, кулиб қўйди.

ВАЛИДА АБДУҒАФФОР ҚИЗИ

АЛЛА АЙТИНГ ОНАЛАР!

Онажонимнинг айтишларича, кичикигимда жудаям инжиқ бўлган эканман. «Алла айтмасам, ухламасдинг» дейдилар. Онамни саволга тутаман:

– Ўшанда қанақа аллалар айтар эдингиз?

Онам эслаб кетадилар:

*Алла айтай, жоним болам,
Ухлаб қолгин, алла-ё.
Мехрибонинг бағрида
Ором олгин, алла-ё.*

Бугунги кўпчилик ёш оналар алла айтишни билишмайди. Бинобарин, машҳур аллома Абу Али Ибн Сино ҳам гўдакни алла айтиб ухлатиш фойдали эканини таъкидлаганлар. Шунинг учун бўлса керак, ҳар гал фарзандларимга алла айтганимда бугунги кунларимизни, гўзал эртакларимизни алла сўзларига кўшиб айтаман. Негаки, боланинг қалбига алла билан бирга она юрт севгисини ҳам сингдириш керак. Зоро болаларимиз эртанги куннинг яратувчилариdir. Шундай экан, уларни меҳримиз ардоғида, кўзимиз қароғида ўстирайлик, кўнгилларига она Ватан туйғусини муҳрлайлик. Ва бу аллаларимизда ўз аксини топсин.

Бижилдоқ болажонимнинг бир қўшиқни хиргойи қилаётганини эшитиб, қулоқ тутдим. У давлатимиз мадҳиясини кўйлаётган эди... Унинг бур-

ро сўзларини эшитиб сўнг ўйладим: болам бу улуф сўзлар замиридаги маъно-мазунни ҳам англаётганмикан? Ахир бу мадҳия эндилиқда жуда кўплаб мамлакатларда янграб, ўзбек элининг шуҳратини дунёга машҳур этмоқда. Шундан сўнг боламга Мадҳиямиз мазмунини тушунтиридим. Ва ният қилдимки, бугун уни куйлаётган фарзандларимиз дунёning нариги чеккаларида ҳам Ватанимиз байропини баланд кўтаради. Она юртнинг асл фарзанди эканини ўқишида, ишда, яратувчиликда илғорликлари билан намоён этишади.

Оналар алла айтсалар, болалар ором олишади. Шунингдек, йиллар ўтиб улар улғайишгач, элу юртига қанот бўлишгач, вужудларига аллалар билан бирга сингган ҳаётбахш туйғуларини эзгуликларга нисор этишгач, оналар кўнгли ҳам роҳату фароғатдан таскин топгусидир. Алла айтинг, оналар!

ҲИДОЯТ ОЛИМОВА

ЭНГ ЯХШИ УЙ

Ҳайвонлар йифилишиб, уй қуриб барчаси бирга яашашга аҳд қилишибди.

Лайлак: «Уйимизни баланд дарахт тепасида курсак хатарсиз яшар эдик. Бунинг устига атроф кафтагидек кўриниб турарди», дебди. От эса: «Уйни мустаҳкам пишиқ ғиштдан қуриш керак, бекорга одамлар ғишт уйларда яашашмайди», деб таклиф киритибди. Ўрдак: «Балчиқсиз ҳаёт ҳаётми? Яхшиси шифобахш балчиқ кўлда яшаганимиз маъкул», деб туриб олибди. Юмронқозиқ баҳсга нуқта қўймоқчи бўлиб, шундай дебди:

– Балчиқ кўлда яшасак қишида аҳволимизвой бўлади, яхшиси, ерни ковлаб, ернинг тагида яшай

қолайлик. Ҳам иссиқ, ҳам ортиқча сарф-харажат кетмайди.

– Ҳайвонлар қанча баҳс-мунозара қилишмасин, бир тұхтамга келолмай тарқалишибди.

Бир қанча вақт ўтгач, жонзотлар яна йиғилишибди. Ҳар бири ўз уйининг құлайликларини мақтай кетибди.

Биринчи бўлиб лайлак баланд симёғоч устига қурган уясини кўрсатиб:

– Қаранглар, азизларим! Қандай чиройли ва баҳаво маскан қурдим, – дебди барчага ёқишига ишониб.

Аммо ҳайвонларга лайлакнинг уяси хатарли кўриниб, у ерда яшанини исташмабди.

Шундан сўнг от қурган гиштин сарой олдига кетибдилар. От уларга:

– Бундай кенг жойга барчамиз сифамиз, деб ўйлайман. Қор, ёмғир ҳам унга асло кор қилмайди, – деб уйининг афзалликларини санай кетибди.

От мақтаган гиштин сарой ҳам уларга ёқмабди.

Үрдак балчиқли кўл барча ҳайвонларга бирдек ёқади, деган ўйга борибди. Аммо жонзотларга балчиқли кўл ҳам маъқул келмабди.

Юмронқозиқ дўстларини адирдаги еrostи қасрига бошлаб борибди. Фақат юмронқозиқ еrostи қасрига етганидагина у ерга ҳайвонлар асло сиф маслигини тушуниб қолибди.

Шундан сўнг улар барчана мос келадиган уй бўлмаслигини англашибди ва ҳар бири ўз уйида яшаб қолибди.

ЁД ОЛИШ ВА ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Э. РАЙМОВ

КУЙГА ТҮЛСИН ОНА ВАТАН

Менинг дўстим, қушчалар, сиз
Куйни мунча хуш чаларсиз?
Баҳор келди, учиб келинг,
Боғчамизга кўчиб келинг.

Келинг, келинг, сайроқ қушлар,
Қўшиқлари янгроқ қушлар.
Куйга тўлсин боғ, гулшан,
Куйга тўлсин она-Ватан.

Т. АДАШБОЕВ

КУЗ

Яна ҳазонрезгилик,
Боглар ранги синикди.
Дилда хоким эзгулик,
Анҳорда сув тиникди.

Оқ яктакли қайинлар,
Тақди яна зарбалдоқ.
Кушларга гап тайинлаб,
Чаг-чағлайди зарбалдоқ.

Уфқ орти лолагун,
Даражтлардан ранг олар.
Хайрлашиб куз бугун,
Сочар олтин тангалаар.

ШИРМОЙ НОН

Ойим ёпса ширмой нон,
Мен ҳам қараб турмайман.
Үт ёқаман тандирга,
Гул соламан хамирга.

Меңнат қилгач, албатта,
Синдириб катта-катта,
Пишганида ширмой нон,
Мен ҳам қараб турмайман

Д. МАТЧОН

ЁF, ЁFАВЕР, ОППОҚ ҚОР

Ёf, ёғавер, оппоқ қор,
Ёғишингга күз тикиб
Оқшом-у тонглар тақрор
Күкка боқдик энтикиб.

Ёf, ёғавер, оппоқ қор,
Чанғи-чанамиз тайёр.
Сўнг ўйнаймиз қор бўрон,
Вақтимиз кетмас бекор.

Ёf, ёғавер, оппоқ қор,
Эшик қоқмоқда баҳор.
Бутун борлиқ яшиасин,
Ёғавер тақрор-тақрор.

МЕҲМОН

Эшигимиз тақилласа,
Деймиз – меҳмон!
Ҳозирданоқ меҳмонларга,
Биз – меҳрибон.
Дастурхонни ясатамиз:
«Олинг-Олинг!»
Кеч кирса-ку, жилдирмаймиз:
– Ётиб қолинг.
Бизнинг уйдан доим меҳмон,
Аrimайди.
Бағри очиқ кишилар ҳеч
Қаримайди.

X. РАҲМАТ

ЁМФИР ЁҒАР

Ёмфир ёғар шитир-шитир,
Недир сўзлаб шивир-шивир.
Уйинқароқ қушлар жимдир,
Ёмфир ёғар.
Осмон – борлиқ сокин тураг,
Дов-дараҳтлар хаёл сурар.
Хаёл сурар – ҳам чўмилар,
Ёмфир ёғар.
Бу дам атроф нимранг тусда
Завқ беради кўрган кўзга.
Ажиб файз бор дала-кузда,
Ёмфир ёғар.
Бу ёмғирим ерга сундир,
Дар томчиси бойлик-кутдир.
Тўйса далам, хосил бутдир,
Ёмфир ёғар.

УЛОҚЧА

Сакраб юрар улоқча,
Бўйнида қўнғироқча.
Улоқчага сув берар
Тол тагида булоқча.

Улоқчанинг феълидан
Қўрқиб турар ниҳоллар.
Синдирма, деб ниҳолни,
Қувлаб қолар шамоллар.

Қаранг эчки холанинг
Шоҳини, сузиг келар.
– Уришма, – деб, –
боламни, –
Кўчани бузиг келар.

Дикирлама, улоқча,
Бебош-у бекулоқча!
Яхши гапга кирмасанг,
Сув бермайди булоқча!

Ш. ОТАБЕК

АЧЧИҚ ЧОЙ

– Менга ҳам иш буюринг,
Бобожоним, жон бобо.
– Сиз, майли, чой келтиринг,
Аччиқ бўлсин-у... аммо...
Дастурхонга Салимжон
Бир чойнак чой келтирди.
Сўнгра ўзи ёнма-ён

Бобо билан ўтирди.
Чойнинг таъмини таътиб,
Бобо сўради, ҳайрон:
– Чойингиз кўп ғалати,
Кўп қизиқ-ку, Салимжон?
– Сўзингизни бобожон
Қулоғимга олганман,
Чой аччиқ бўлсин учун
Гаримдори солганман.

ВАЛИДА АБДУҒАФФОР ҚИЗИ

ЖАМАЛАК СОЧ

Жамалак соч қизалоқ,
Бунча сен ўйинқароқ.
Чиройли кулишларинг,
Одимлаб юришларинг.

Нақарот:
Жамалак соч қизалоқ,
Бунча сен ўйинқароқ.

Сакраб-сакраб ўйнайсан,
Хеч ўйингга тўймайсан.
Аълочисан ўқишда,
Чаққондирсан ҳар ишда.

Нақарот:
Жамалак соч қизалоқ,
Бунча сен ўйинқароқ.

Онасиға ёрдамчи,
Синглисига суюнчиқ.
Тиллари бийронгинам,
Қўллари чеваргинам.

Нақарот:
Жингалак соч қизалоқ,
Бунча сен ўйинқароқ.

Сингилларин ухлатар,
Хафа бўлса юпатар.
Ухлай қолгин асалим,
Дея қўшиқлар айтар.

Нақарот:
Жамалак соч қизалоқ,
Бунча сен ўйинқароқ.

АБДУРАҲМОН АҚБАР

ЮРТ ПОСБОНИ

Хизмат қиласр қўшинда
Менинг жасур, мард акам.
Акам борки, кўнглим тўқ –
Чегарамиз мустаҳкам.

Ватан тинчлигин асраш
Ҳар йигитнинг бурчидир.
Матонатли аскарлар
Юртнинг обру, кучидир.

ТАЙЁРЛОВ ГУРУХ (6-7 ЁШ)

ҮҚИБ БЕРИШ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИШ

ҚУТЛАИБЕКА РАҲИМБОЕВА

ЎҒЛИМ...СҮНГ ҚИЗИМГА БИРИНЧИ СУҲБАТ

Сизларнинг саволлар фаслингиз бошланган.

- Ая, қушларнинг Ватани қаер?
- Осмон.
- Нега бўлмаса улар осмонда фақат учадилар, ўтирмайдилар?

– Ватанда учиш керак, қўзим. Ватанда... ўтириш гуноҳ. Жавобимдаги суръат сизларга хиёл тушунарлироқ кўриндими, бошқа саволга ўтасизлар.

- Ая, Ватан нима дегани ўзи?
- Наҳот, сенинг тилинг ҳали «р», «з»га келмайди, лекин фикр дарахтингнинг бўйи ўсиб, «Ватан» тушунчасига етибди. Энди мен сўзламай, ким сўзласин? «Ватан» сўзини тоқ айтманглар ҳеч қачон. «Бизнинг Ватанимиз» ҳам дея кўрманглар. «Менинг Ватаним» деб айтинглар. Айтаётганда ҳар бир товуш юрагингиздан узилиб тушсин!

Ватан – бу сизга ота-боболарингиздан ёдгор қолган ер.

Ватан – бу сизнинг ота-боболарингизнинг айнан ўзи. Сунки улар минг миллион йиллар қувончташвишлари билан шу ерга қўшилиб кетганлар.

Сиз Ватанини яшил дарахт, билурий сув, қора тупроқ деб ўйламанг. Бу ота-боболаримизнинг буғунги кўриниши.

Ватандаги ҳар бир хис, ҳар бир товуш, ҳаттоқи ҳар сиқим тупроқ ҳам сизларнинг қариндошингиз, жигарларингиз.

Демак, сиз болажонлар, «Бу Ватан – меники», деб ишониб яшашларингиз керак. Ишонч сизга куч беради. Шу куч сизни мустақил қилади.

ҮН ИККИ ОЙ

(Словак ҳалқ әртагы)

Бир йилда неча ой бўлишини биласизми? Үн икки ой бўлади.

– Уларнинг номи қандай?

– Январь, февраль, март, апрель, май, июнь, июль, август, сентябрь, октябрь, ноябрь ва декабрь.

Бир ой тугаши билан иккинчи ой бошланади. Ҳеч қачон январь ойи тугамасдан туриб, февраль ойи келган эмас, май ойи ҳам апрелдан илгари келмайди.

Ойлар навбат билан кириб келади, ҳеч маҳал бир-бирлари билан тўқнашмайдилар.

Одамларнинг айтишига қараганда Богемия деган тоғли мамлакатда бир қиз бўлиб, у үн икки ойнинг ҳаммасини бирдан кўрган эмиш. Бу воқеа қандай рўй берган дени?

Кичкинагина шаҳарга қарашли Богемия деган мамлакатнинг бир қишлоғида баджаҳл ва қизғаничиқ хотин яшаган, унинг икки қизи бўлган: бири – ўз қизи, иккинчиси – ўгай.

У ўз қизини яхши кўриб, ўгай қизини жуда ёмон кўрар эди. Ўгай қиз нима иш қиласа ҳам, ўгай она сидан дакки егани еган. Қаҳратон қиш пайти эди. Январ ойи, қор шунчалик қалин ёққанки, эшикни очиш учун қорни курашга тўғри келарди. Ўрмондаги дарахтларни ярим белигача қор

күмган, ҳатто шамол ҳам уларни құзғата олмас әди.

Кишилар уйларида ўчоқда олов ёқар, эшикка чикмай үтиришарди.

Шундай совуқ кунларнинг бирида кечқурун берәңм ўгай она эшикни очиб ташқарига қаради. Эшикда бўрон қутирмокда әди, шунда у иссиқ ўчоқ олдига келиб, ўгай қизига деди:

– Ўрмонга бориб, бўтакўз гуллардан териб кел, эртага синглингни туғилган куни.

Бечора қиз ўгай онага қараб хайрон бўлди: у хазиллашяптими ё рост айтаяптими, билмади. Ҳозир ўрмон жуда хавфли, ундан кейин қишда бўтакўз гуллар нима қилсан. Ҳар қанча ахтарсанг ҳам, март ойидан аввал уни топа олмайсан. Ўрмонда адашиб совуқда қотиб қоласан, холос, бўлгани шу.

– Мабодо, ўрмонда йўқ бўлиб кетсанг ҳам, сенга ҳеч ким куймайди, – деди ўгай синглиси. – Тезроқ жўна, ундан кейин гулсиз кела кўрма. Ма, саватчани ол.

Бечора қиз йиртиқ, эски рўмолга ўралиб, йифлай-йифлай уйдан чиқди. Шамол аралашиб қор унинг юз-кўзига урилди. Рўмолини юлқиди. У қорга ботиб қолган оёқларини зўрга-зўрга кўтариб босди. Атрофни қоронгилик қоплади. Осмон қоп-қоронги, оппоқ қор ерни сал ёритиб турарди.

Мана, ўрмон. Бу ер жуда ҳам қоронги, ҳеч нимани кўриб бўлмайди. Қиз қорда ағанаб ётган дарахтга үтириб, «Қаерда музлаб қотиб қолсам барibir-ку», деб ўйлади.

Шу вақт кўкқисдан узокда дарахтлар орасида олов кўринди. У шохлар орасида адашиб қолган юлдузга ўхшарди. Қиз ўрнидан туриб олов томонга жўнади. У қор уюмларига ботиб зўрга-зўрга қадам босар әди. «Ишқилиб кўринган олов, ўчма-

са бўлгани», – дер эди қиз. Лекин олов ўчмай борган сари баланд ёнар эди. Чўпларнинг шитирлаб ёнаётгани эшитилиб, тутун димоққа урила бошлади.

Қиз тез юриб ялангиликка чиқди ва ҳайрон бўлиб қотиб қолди. Ялангилик қуёш чиқиб тургандай ёп-ёруғ эди. Ўртада осмон баравар гулхан ёнарди. Гулхан атрофида анча киши ўтириб, оҳис-та суҳбатлашар эди.

Қизча уларни кўриб: «Булар ким бўлса экан?» – деб ўйлади. Овчиларга ҳам, ўрмонда ўтин кесувчиларга ҳам сира ўхшамайди, чунки улар олифта кийинган баъзилари кумуш, баъзилари олтин, баъзилари яшил баҳмалга ўранган.

Қиз ўтирган одамларни санаб чиқди, улар ўн иккита бўлиб учта кекса, учтаси ўрта яшар, учтаси ёш йигит ва учтаси ёшроқ бола эди.

Ёшроқлари – оловга яқинроқ кексалар бўлса оловдан узоқроқ ўтиришар эди.

Шу чоқ ҳаммадан баланд бўйли соқолли чол қиз томонга қайрилиб қаради. Қиз қўрқиб кетди, қочишнинг иложи йўқ эди. Чол баланд овоз билан сўради:

– Қаердан келдинг? Бу ерда нима қилиб юрибсан?

Қизча бўш саватини кўрсатиб:

– Мана, шу саватни тўлдириб, бўтакўз гуллар териб кетгани келдим, – деди.

– Вой, ажойиб қиз экансан-ку. Январда ҳам бўтакўз ўсадими? Топган гапини қаранг, – деди чол ва қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Буни мен ўйлаб топганим йўқ, – деди қиз, – мени ўгай онам юборди. Гулсиз уйга қайтиб келма, – деди.

Ўтирган ўн икки кишининг ҳаммаси қизга қаради ва ўзаро пичирлаша бошлади.

Қиз роса қулоқ солди, лекин уларнинг гапига сира-сира тушина олмасди. Уларнинг гапи худди дарахтларнинг шивирлашига ўхшарди. Улар шивирлаб-шивирлаб, охири жим бўлишди.

Узун бўйли, серсоқол киши қиздан сўради:

– Бўтакўз гуллар топа олмасанг, нима қиласан? У март ойидан илгари чиқмайди-ку?

– Ўрмонда қолиб, март ойини кутаман, – деди қизча, – уйга борганимдан кўра совуқ қотиб ўлганим яхши!

Қиз шундай деди-ю, йифлаб юборди. Ўтирган ўн икки киши орасида бири елкасига пўстин ташлаган энг ёш йигит ўрнидан турди-да, чолнинг олдига келди:

– Январь оға, менга бир соатга ўрнингизни беринг, – деди.

Чол узун соқолини силаб-сийпаб, йигитга қараб:

– Ўрнимни беришим мумкинку-я, лекин февралдан аввал март келмайди-да.

– Майли, ўрнингизни бераверинг, – деди соқол, мўйлаблари тўзғиб кетган иккинчи чол, – мен жанжаллашиб ўтирумайман.

– Хўп айтганларинг бўлсин, – деди Январ.

У муз ҳассасини ерга уриб деди:

*Қалин-қалин ўрмонда
Изгимангиз совуқлар,
Сўлмасин қаҳрингиздан
Қарагайлар, қайинлар.
Паррандалар инини
Музлатганингиз етар.
Кишиларнинг уйини
Захлатганингиз етар!*

Чол ўрнидан жилиши билан ўрмон тинчиб қолди. Совуқ зўридан чирсиллаётган дарахтлар-

нинг овози тинди. Улар тепасидаги қорлар эриб, парча-парча бўлиб ерга тўкила бошлади.

– Энди навбат сенга келди, – деди Январь ўрнини укаси Февралга бериб.

Февраль ҳам муз ҳассаси билан ерни дукиллатиб деди:

– Шамол, довул, бўронлар,
Зўр бериб ўкирмангиз.
Қор тўфони, суронлар,
Тун бўйи югурмангиз!
Чакмоқ чақинг осмонда,
Ерда изгинг шер каби.
Қорлар елсин ҳар ёнда,
Оппоқ июн сингари.

Шундай дейиши билан шохларини силкиб, изифирин юрди. Қор уюмлари ерда оқ гирдоб бўлиб тўзгий бошлади.

Февраль муз ҳассасини укаси Мартга бериб:

– Энди сенинг навбатинг, Март, – деди.

Март ҳассасини қўлига олиб, ерни дукиллатди. Қиз қараса – бу ҳасса – ҳасса эмас, балки куртаклар ёзган дараҳт шохи экан. Март кулимсираб, болаларга хос жаранглаган овози билан баралла ашула айта бошлади.

– Шарқирангиз жилгалар
Оқсин сув тўла анҳор!
Ўрмаланг қўмурсқалар,
Қиши битди, келди баҳор.

Қизнинг оёғи остидаги ер юмшоқ, ҳар ёнда баҳор. Тўрт томонда қор эриб, чак-чак томчилайди, сувлар шарқираб оқади, дараҳлардан кўм-кўк япроқлар ўсиб чиқмоқда.

Қиз сүкланиб қараб, сира туймайди.

– Нима қилиб ўгирибсан? – деди унга Март, – тезроқ бўл, акаларим сен билан менга атиги бир соат вақт беришган.

Қиз ўзига келиб, бўтакўз гулларни излаб, чакалакзорлар оралаб кетди. Чакалакзорни, тошлар остини ва баланд-пастликларни, хуллас, ҳамма-ёқни бўтакўз гуллар босиб кетган эди.

Қиз саватчасини ва этагини гулга тўлдириб, гулхан ёнаётган ва ўн икки оғайни ўтирган ялангликка қайтиб кетди.

Ялангликда гул ҳам, ўн икки оғайни ҳам йўқ эди. Яланглик ёруғ, аммо аввалгича нурли эмасди. Бу нур гулхан ёруғи эмас, ўрмон тепасидаги тўлин ой ёруғи эди.

Қиз кимга миннатдорчилик билдиришини билмай, жуда ачиниб, уйга қараб чопди.

Ой эса уни кузатиб, осмонда сузиб борди.

Қиз елдек югуриб, уйига етиб келди. У эшикдан кириб улгурмаган эди ҳам, ташқарида зўр бўрон қўзгалди. Ой булатлар орасига кириб йўқолди.

– Хўш, нима гап, қайтиб келдингми? – деди ўгай она билан сингил.

– Гуллар қани?

Қиз индамасдан этагидаги гулларни столга тўқди, саватни бўлса, унинг ёнига қўйди.

– Бу гулларни қаердан олдинг?

Қиз бўлган воқеани бошдан-оёқ айтиб берди.

– Улар бошқа ҳеч нарса беришдими?

– Мен борқа ҳеч нарса сўраганим йўқ, – деди қиз.

– Вой ахмоқ-ей – деди синглиси.

– Бахтинг очилиб, ўн икки ойнинг ҳаммаси билан бирварақайига учрашибсан-у, гулдан бўлак ҳеч нарса сўрамабсан-да, сенинг ўрнингда мен

бұлғанимда, нималар сүрашни ўзим билардим. Биттасидан ширин олма билан нок, яна биттасидан оппоқ құзиқорин, яна биттадан барра бодринг сүраган бұлар эдим.

– Ўзимнинг ақлли қизим, – деди онаси, – қишида нок билан құлупнай құммат бұлади. Биз уларни сотиб, ҳам пул орттирган бұлар здик! Бу ахмоқ қиз бұлса, арзимаган бұтакүз олиб келибди. Жон қизим, иссиқроқ кийиниб, ўрмонга ўзинг бориб кел. Сени қуруқ қайтаришмайды, улар ўн иккита, сен бұлсанг, ёлғиз ўзингсан.

– Ҳа, қуруқ қайтаришмайдилар! – деди қизи. У бошига рўмол ўраб, қўлларини енгиға суқиб, ўрмонга жўнади.

Онаси унинг кетидан:

– Қўлқопингни кий, пўстинингни тугмасини солиб ол! – деб қичқириб қолди. Қиз бұлса, бу вақт кўчага чиқиб, ўрмонга қараб чопмоқда эди.

«Тезроқ ялангликка етиб олсам», – дер еди у.

Қалин ўрмон борган сари қуюқлаша ва қорон-филаша борди.

«Оҳ, қаердан ҳам ўрмонга келдим-а – деди қиз, ҳозир уйимда бұлсам мазза қилиб ётар здим. Бунда-чи, совуқ қотиб ўрмонда юрушим керак. Тагин бу ерларда адашиб кетсам-а».

Қиз шу гапларни айтган замон, дарахт шохлари орасидан адашган юлдуз сингари милтиллаган ўтга кўзи тушди. Қиз ўт кўринған томонга қараб юриб, бора-бора бир ялангилликка чиқди. Яланлик ўртасида каттакон гулхан ёнмоқда.

Гулхан атрофида ўн икки оғайни ойлар суҳбат қилиб ўтирад.

Ўгай онанинг қизи гулхан олдига келди, ҳеч кимга салом бермай ва бир оғиз ширин сўз айтмай, иссиқроқ ерни танлади-да, оловда исина бошлиди.

Оға-инилар жим бўлиб қолишиди. Ўрмонни сукунат босди. Бирданига Январъ ҳассасини дўққиллатиб уриб:

- Нима қилиб юрибсан? – деб сўради.
- Совғалар олгани келдим. Июнь ойи саватчаларга қуулупнай солиб берсин. Кутупнайлар катаката бўлсин. Июль ойи барра бодринг ва оппоқ қўзиқоринлар, август ойи ширин нок ва олмалар, сентябрь ойи пишган ёнғоқлар солиб берсин, – деди ўгай онанинг қизи.
- Шошилма, – деди Январъ ой. – Қишдан олдин баҳор, баҳордан олдин ёз бўлиши мумкин эмас.

Июнь ойига ҳали анча бор. Ҳозир ўрмоннинг – хўжайини менман. Мен ўттиз бир кун хукмронлик қиласман.

– Сени қара-ю, – жуда сержахл экансан! – деди ўгай онанинг қизи. – Ахир мен сенинг олдинга келганим йўқ. Сендан қор ва совуқдан бўлак нима олиб бўлади? Менга ёз ойлари керак

Январъ қовоғини солиб:

– Қишда ёзни топиб бўпсан! Чучварани хом санама – деди.

У кенг енгини силкиган эди, осмонда еру кўкни тўлдириб, қор-бўрон кўтарилиди. Ўн икки оға-ини ўтирган яланглик ва дарахтлар қор билан қопланди.

Қор тагида гулҳан ҳам кўринмай қолди. Фақат аллақаерда шитирлаб ёнаётгани эшитилди.

Ўгай онанинг қизи кўрқиб кетди.

Қор аралаш бўрон унинг кўзини очирмас, нафасини қайтарар эди. У қорга ботиб қолди, қор уни кўмиб кетди.

Ўгай она қизини роса кутди. Даразадан қараб ўтириди. Эшикдан чиқди, аммо қизидан дарак бўлмади. У иссиқроқ кийиниб, қизини излагани

ўрмонга жүнади. Ҳа-я, қор аралаш бўрон бўлаётган қалин, қоронғи ўрмонда биронни топиб бўлармиди?

У қидира берди, қидира берди, то совуқ қотиб қолгунча юриб, ҳаммаёқни қидирди.

Хуллас, она-бала ёзни кутиб, ўрмонда қолишди.

Ўгай қиз узоқ умр кўрди, улрайди, турмушга чиқди ва бола-чақали бўлди. Айтишларича, унинг уйи олида дунёда тенги йўқ ажойиб боғ яратилган эмиш. Унинг бу борида ҳаммадан олдин гуллар очилармиш, мевалар пишармиш, олмалар, ноклар етилармиш. Ёз кунлари салқин бўлиб, енгил шабада эсармиш.

«Қизнинг боғида ўн икки ой бирданига меҳмон бўлади», – дейди кишилар. Ким билади, балки ростдир.

ТҮЛҚИН ИЛҲОМОВ

АДИБ – БЕТАРТИБ

Бор экан-да, йўқ экан, оч эканда, тўқ экан. Адиб исмли бола бўлган экан. У одобли бўлсаям, ишлари жуда бетартиб экан. Дўпписини ҳам, куйлагини ҳам дуч келган ерга ташлаб кетаверар экан, кейин, керак бўлганда қидиришга тушар экан. Баъзан каерга қўйганини эслай олмай, хуноби ошаркан. Шунинг учун ҳам дадаси унга:

Болам, пала-партишлигингни ташламасанг, катта бўлганингда қийналиб қоласан, – дер экан.

Адиб дадасининг насиҳатларини жимгина туриб эшиштар экану, лекин эшигнларини унинг у қулогидан кириб, бу қулогидан чиқиб кетар экан.

Адиб ўспирин йигитча бўлганда дадаси унга дурадгорлик касбини ўргатибди. Чунки ўзи қўли

гул уста экан-да. Кунлар кетидан кунлар ўтибди. Адип бу хунарни яхшилаб ўрганиб олибди. Бир куни унинг отасидан ром, эшик тайёрлаб беришни сўрабди. Дадаси, ўзи бетоб бўлиб қолгани учун, вактинча ўғлини юборибди.

Адип ишга киришибди. Боғбон ичидা, ие, бу қандоғ бўлди, асбобини қайга қўйганини билмаса. Майли, иш билан унуттандир, деб роса қидириб, охири пайраҳалар орасидан исканани топиб берибди.

Кейин хомток килиш учун энди нарвонга кўтарилганида яна Адивнинг овози эшлитилибди:

– Отахон, буни қаранг, арамни қайга қўйибман-а?

Энди боғбоннинг қошлари чимирилибди. Аммо бу гал ҳам индамай, аррани қидиришга тушибди. Уни топиш анча мушкул бўлибди. Охири тахталарнинг остидан чиқибди.

– Ҳе, хали тахта олаётганимда остида қолган экан-да. Боғбон яна ўз ишига кетибди. У хали битта ток зангини қўлдан чиқармасдан яна Адип:

– Отахон, рандам хозиргина шу ерда турган эди, қаёққа йўқолибдийкина? – деб чақирибди.

Энди боғбон тутақиб кетибди-да, Адивнинг олдига келиб дебди:

– Испинг Адими ё Бетартибми? Ўз асбобингни тайинли бирор жойга қўймай, на ўзинг ишлатсан, на мени ишлатгани қўйяпсан. Қани, жўнаб қол-чи, отанг тузалганида ўзи келиб ишлайди!

Шунда Адивнинг хаёлига отасининг: «Бетартиб бўлсанг, кейин қийналасан», – деган гаплари келибди. У бир хўрсишибди-да, боғбоннинг уйидан бошини эгиб чиқиб кетибди.

ТУЛКИБОЙ

(Ўзбек халқ әртаги)

Бир куни Тулкибой чангалзорда овқат қидириб, бир ангишвона топиб олибди. Тулкибой юриб юриб, бир кампирнинг уйига келиб қолибди.

– Она, сенга шу ангишвонани әртагача қолдириб кетаман, эрталаб келиб оламан, – деб чиқиб кетибди. Ўзи эшикнинг тирқишидан кампирнинг ангишвонани қаерга қўйганини кўриб олибди. Тулкибой кампир ухлагандан кейин сеқин уйга кириб, ангишвонани қўйган жойидан олиб чиқиб кетибди. Эртаси кампир шошиб-пишб қатлама пишириб турганда, Тулкибой кириб келибди.

– Она, кечаси омонат-қолдириб кетган ангишвонани беринг, – дебди.

Кампир югуриб уйга кириб, ангишвонани қўйган жойидан топа олмабди.

– Тулкибой, ангишвонанг қўйган жойимда йўқ, йўқолиб қолибди, – дебди.

Тулкибой:

– Топиб берасиз, топиб бермаганингизга қўймайман, – дебди.

Кампир:

– Йўқолган нарсани қаердан топиб бераман, ўрнига қирқ қатлама бераман, – дебди.

Тулкибой «хўп» деб, қирқта қатлама олиб ташқарига чиққанидан кейин: «Бир ангишвона, бир ангишвонага қирқ қатлама», – деб жўнабди. Йўлда кетаётса, бир оқ эчки боқиб юрган кампирни кўрибди. Тулкибой кампирга:

– Она, шу қирқта қатламани әртагача омонат олиб ҳўйинг. Эрталаб келиб оламан, – дебди.

Кампир қирқ қатламани уйига олиб кириб, кўрпанинг қатига бекитиб қўйибди. Тулкибой яна

Эшик тирқишидан мұралаб, туриб, қатлама қүйилған жойни күриб олибди. Кампир кечаси ухлаганда келиб, секин кампирнинг уйига кириб, қирқта қатламани битта ҳам қолдирмай, еб кетибди.

Эртаси эрталаб келиб:

– Она, кечаги омонат-қолдириб кетган қирқ қатламани олиб беринг, – дебди.

Кампир уйига кириб құрпасининг қатини қараса, битта ҳам қатлама қолмабди:

Кампир:

– Тулкибой, қүйган жойимдан қатламаларинг йүқолиб қолибди, – дебди.

Тулкибой:

– Топиб берасиз, топиб бермаганингизга қүймайман, – дебди. Кампир Тулкибойдан құрқиб:

– Бисотимда битта оқ әчки бор, шуни олақол, – дебди.

Тулкибой оқ әчини етаклаб, хурсанд бўлиб:

– Бир ангишвона, бир ангишвонага қирқ қатлама, қирқ қатламага оқ әчки, – деб жўнабди.

Тулкибой оқ әчини етаклаб кетаётса, бир нортуяни боқиб юрган чолни күрибди. Тулкибой чолга яқин келиб:

– Ота, эртагача мана шу әчини сизга омонат қолдириб кетаман эртага келиб оламан, – дебди.

Чол «хўп» деб, әчини ҳовлисига олиб кириб, боғлаб қўйибди.

Кечаси чол ухлаганида Тулкибой келиб, оқ әчини еб, терисини қолдириб кетибди. Эртаси Тулкибой чолнинг оддига келиб:

– Ота, кеча қолдириб кетган омонат оқ әчини беринг, – дебди.

Чол тулкига:

– Кечаси әчини бўриб еб, терисини қолдириб кетибди, – дебди.

Тулкибой эчкини топиб берасиз, топиб бермаганингизга қўмайман, – дебди.

Чол:

– Бисотимда биргина нортуюм бор, оқ эчкининг ўнига бераман, – дебди.

Тулкибой нортуюни етаклаб: «Бир ангишвона, бир ангишвонага қирқ қатлама, қирқ қатламага оқ эчки, оқ эчкига нортую» – деб хурсанд бўлиб жўнабди.

Тулкибой нортуюни етаклаб юриб, қизи билан ип йигириб ўтирган кампирга учрабди. Тулкибой:

– Она, мана шу нортуюни эртагача сизга омонат қолдириб кетаман, эрта билан келиб оламан, – дебди.

Кампир нортуюни ҳовлисига олиб кириб, боғлаб қўйибди. Кечаси кампир ухлаганда, Тулкибой нортуюни ҳовлидан олиб чиқиб, бир чангальзорга олиб бориб қўйибди, эртасига кампирнинг олдига келиб:

– Она, кечаги қўйиб кетган омонат нортуюни беринг, – дебди. Кампир қараса, нортая боғланган жойда йўқ, ахтариб топа олмабди. Тулкибой:

– Топиб берасиз, топиб бермаганингизга қўмайман, – дебди. Кампир тулкидан қўрқиб:

– Нортуюнинг ўрнига ҳеч қандай молим йўқ. Биргина ойдин қизим бор, она-бола ип йигириб кун кечирамиз, – дебди.

Тулкибой:

– Нортуюм ўрнига ойдин қизингизни беринг. Бермасангиз она-бола икковингизни ҳам еб кетаман, – дебди.

Кампир ночор, ноилож ёлқизгина қизини Тулкибойга берибди. Тулкибой Ойдин қизни олиб, хурсанд бўлиб, кампирга қараб: «Бир ангишвона, бир ангишвонага қирқ қатлама, қирқ қатламага оқ эчки, оқ эчкига нортую, нортуюга Ойдин қиз», –

деб, Ойдин қизни қопга солиб, қопнинг оғзини бўғиб, орқасига кўтариб жўнабди. Бир тўқайдан ўтиб кетаётса, узоқдан итини етаклаб келаётган бир овчи кўринибди. Тулкибой орқасидаги қопни қўйиб, ўзи бекинибди. Овчи келиб, қопни очиб қараса, ичидা бир қиз ўтирган экан. Овчи қопдан қизни чиқариб олиб, қиз ўрнига итини солиб, оғзини бўғиб борлаб қўйибди. Овчи кетганидан кейин Тулкибой келиб: «Овчидан кутулиб қолдим», – деб суюниб, қопни орқалаб жўнабди «Йифлама, Ойдин қиз, йифлама, ҳозир уйга етамиз», – деб қадамини илдам ташлаб, уйга етиб келибди. Қопнинг ичидан яна овоз келибди. Тулкибой: «Ойдин қиз, қопнинг ичида зерикканга ўхшайсан. Бир ангишвона, бир ангишвонага қирқ қатлама, қирқ қатламага оқ эчки, оқ эчкига нортуя, нортуяга Ойдин қиз, чиқ!» – деб қопнинг оғзини очибди. Қопнинг ичидан қулоқларини шалпайтириб, овчининг ити чиқибди. Ойдин қиз чиқишини кутган Тулкибой овчи итнинг ҳайбатини кўриб, қочиб кетибди. Ит тулкининг кетидан қувлаб кетибди. Тулки ўзини шудгор томонга олибди. Тулки югуриб кетаётиб, қўён тутиш учун қўйилган қопқонга тушиб қолибди. Қопқоннинг эгаси келиб тулкининг терисини шилиб олибди.

РУСТАМХОН

(Шу номли ўзбек халқ достонидан парча)

Рустам шаҳарга кетаётганида йўлда кўрди: ажаб суратли бир қиз, жамоли кунни хира қилгудай, ҳар ким хуснини кўрса, акли кетиб, отдан йиқилиб қолгудай. Икки қўли орқасига бойланган, сочидан уйнинг керагасига бойловли турибди.

Рустам кўриб, ҳайрон қолиб, бир сўз айтиб турган экан:

*... – Менга баён айла ўсган элингдан,
Хабар олмай ҳеч ким сенинг ҳолингдан,
Бу ерларга қандай номард бойлади?
Қандай одам қылди қайгу-зулмни,
Хафа қипти сендей тоза гүлимни,
Отдан тушиб ечайинми қўлингни?*

Қиз бу гапни эшитиб, Рустамга жавоб бериб, бойлоғли турган еридан бир сўз айтиб турган экан:

*– Бизнинг шахримизни аждаҳор олган,
Уй бошига бир қиздан солиқ соглан,
Мен бойландим, бугун наебатим келган.
Кўп турмагин, кетгин бундан, бегижон.
Хаёлингни бунда туриб бўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин...*

... Рустам ўз бошини қутқариб, қизни ташлаб кетгани кўзи қиймай, аждарҳога бир бегуноҳни бергуси келмай, қизга қараб бир сўз айтиб турган экан:

*– Ушбу дамдир, бизга дамни дам дема,
Аждаҳордан сира мени кам дема...*

Қиз илгари аждаҳорни ўз кўзи билан кўргани йўқ, халқнинг қилган та'рифига, элнинг маҳобатига, Рустамнинг қадди-жасадига, аждаҳорнинг сиёсатига қараб: «Яхши йигит экан, ўлмасин», – деб яна ҳам кўп қайтарди. Шунда Рустам: «Мард сўзидан, йўлбарс изидан бурилмайди», деган гап бор, аждаҳор домига тортади, мени ютади, деб ваҳм қилмайман, қайишмай аждаҳорнинг йўлини айтгин, – деди.

Унда қиз айтди: «Ҳарчанд зўр урдим, бўлмади, сенинг ҳам ажалинг етган экан, кунинг битган

экан...» – деб бир белдос қирни кўрсатди: – «Аждаҳор шу тарафдан келади», – деди.

Шунда Рустам қизнинг гапига кириб отига қамчи уриб, бояги кўндаланг қирнинг устига чиқди. Қараса, аждаҳор кўзи оловдай ёниб, пишқириб, ҳар тарафга ўт сочиб, тоғнинг тангисидан Чархинкўл деган кўлга – сувга тушиб келаяпти экан.

– Ҳайбат билан келаётир аждаҳор,
Яқинлади Рустамбекдай зўрабор,
Аждаҳор чопиниб, дамга тортганда,
Лангар тўёсиб, Рустам ўзин тўхтатар.
Ҳеч нарсани писанд қилмас аждаҳор,
Чидай олмас энди Рустам зўрабор.
Бир-бирига энди яқинлаб қолар,
На'ра тортуб бунда Рустамдай қайсар.
Кувватиман Рустам на'ра урганда,
Рустамнинг товуши аждарга етди,
Бу товушдан унинг қулоги битди.
Кўтарган бошини ерга ташлади,
Жийириб куйругин ўзига тортди.
Аждаҳор беҳушибди, Рустамбек билди,
Қиличин чиқариб қўлига олди.
Ҳайбатли илоннинг қошига борди,
Илоннинг бошига қиличин солди.
Ҳайбатидан қўрқмай, Рустам иш қилди,
Аждаҳорни қайсар Рустам ўлдирди.
Душманни ўлдириб, кўнглин хушлади,
Қирқ бир гўла қилиб, кесиб ташлади.
Бир гўлладан олди узун бир тасма,
«Аждаҳор белгиси» деди, жўнади.

ИБН СИНО ВА КИТОБЛАР

(Ривоят)

Ровийлар ривоят қилишларича, Бухоро музофотида дунёга донғи кетган, машхур ҳакимларнинг ҳакими доно Ибн Сино ўтган экан. Ибн Сино ёшлигиданоқ илм фанга берилиб, кўп ўқибди. Ўқиган китоблари борки, уқибди, ёд олибди. Бундан ташқари ҳайвонларнинг «гап-сўз»ларини ҳам, парранда-даррандаларнинг тилини ҳам, гиёҳларнинг ҳолатини ҳам биладиган, тушунадиган бўлибди. Болалар ўйин-кулгу билан банд бўлишса, Ибн Сино чумоли, қумурсқаларни тутиш, илон, қурбақаларни ушлаш билан овора экан. Ўз-ўзидан гиёҳлардан дори-дармонлар тайёрлаб, ошналаридан қайси бири касал бўлса, уни даволаш билан шуғулланаркан. Боласидаги бу қилиқ – одатларни кўрган ота-она уни мактабга берибди. Ибн Сино мактабда ўқиладиган китобларни аллақачон ўқиб, уларни уқиб олган экан. Шунинг учун мактабга бормай қўйибди.

Ота-онаси шаҳарда ўқисин, деб Бухорога кўчиб келишибди. Аммо мадрасадагилар эшигига яқинлаштиришмабди. Ибн Син ноилож яна ўзича ўқиб, ўқиб юраверибди. Яна гиёҳ ўт-алафлар тўплаб, илон, чаён, қурбақа, тошбақаларни тутиб, улар устида соатлаб, кунлаб, ҳафталаб машқ қилиб юраверибди.

Ба’зи бир касаллар олдига келса, даволаб, дардига шифо бера бошлабди. Бора-бора жуда ҳам зўр табиб бўлиб кетибди. Аммо кўпчиликка билдирамабди, табиблигини сир сақлабди. Барибир, Ибн Сино қанчалик сир сақламасин, сирлари ошкора бўлаверибди. Чунки «гапни гап қувади, сирни сир очади», деган гап бор.

Ибн Синодан шифо тобган одам бугун бир бўлса, эртасига икки бўлибди. «Мен фалончидан

шифо топдим», – деб бир киши иккинчи кишига айтса, иккинчиси унга яна қўшиб, «фалончи-фалончи Ибн Синодан шифо топибди, касал эди, тузалибди», – деб гап тарқатаверибди. Ҳамма ёққа овозаси кетибди. Шундай бўлса ҳам ғала-мис табиблар уни тан олишмас, шаҳарга йўла-тишмас экан. Кунлардан бир куни донг тара-тишда Самарқандга teng келадиган, балким ун-дан ўтадиган Бухоро шаҳрининг хони касалга чалиниб ётиб қолибди.

Аввалига сарой табиблари: «Ҳеч гапмас, хони-миз тузалиб кетадилар, касаллари унчалик оғир эмас», – дейишибди. Қарашибди, даволашибди, хон тузалмабди. Кейинчалик бошқа мамлакатлардан ман-ман деган табибларни олдириб келиб, қара-тишибди, хон тузалмабди. Ҳеч ким хоннинг дар-дига малҳам топа алмаётганини кўриб, хон ки-шилари хавотирга тушиб қолишибди. «Энди хонимиз ўлиб қоларканда», – дейишиб, ўзларини у ёққа уришибди, бу ёққа уришибди, ҳеч нима чиқаришолмабди. Ораларидан бирорининг эсига Ибн Сино тушиб, шуни чақирсак-чи, деб қолибди. Бу гап ҳаммага ма’қул тушибди. Тезликда Ибн Синони саройга келтиришибди. Бош табиб унга ялиниб-ёлворибди:

– Улуғ хонимизнинг амру фармонлари шундай, биз бу кишини даволаб, шифо топтиришимиз ке-рак. Акс холда, ҳаммамизнинг калламиз қилич-дан ўтказилур ёхуд дорга тортилурмиз, – дебди.

Ибн Сино:

– Мен нима қилмоғим даркор? – деб сўрабди.
– Хонимизни тузатмоғинг даркор, – деб жавоб берибди бош табиб. Ибн Сино:

– Касални кўрмай, томирини ушламай, қандай даволайман. Ахир, мени унинг олдига олиб ки-ринглар-да, – дебди. Бош табиб Ибн Синони хон-

нинг олдига олиб кирибди. Ибн Сино касални кўриб, томирини ушлабди-да изига қайтиб, қишлоғига қараб кетибди. Ибн Синонинг касални кўриб, томирини ушлаб, ҳеч нима демасдан қишлоғига қайтиб кетганини хон ўзича, табиблар ўзича тушунишибди. Хон «Касалим оғир экан, энди ўлар эканман», деб уйлагани бўлса, табиблар: «Ибн Сино халиям биздан хафа экан. Шохни тузатсам, булар омон қолади, тузатмасам, уларнинг боши кетади», – деб уйлашибди. Хон табибларни ёнига чақириб:

«Касалимни тезпикда тузатмасаларинг, болачақаларингни ўзларинга қўшиб дорга тортираман», – дебди.

Табибларнинг яна бошлари қотибди. Ибн Синога яна одам юбормоқчи бўлишибди. Шу пайт Ибн Синонинг ўзи келибди-да, хоннинг олдига кириб, уйда тайёрлаган дорини берибди. Хон дорини ичибди. Ибн Сино ҳеч кимни ёнига йўлатмай, хоннинг бошида унга тикилганча ўтираверибди. Хон уйқуга кетибди. Ибн Сино сув беришларини буюрибди. Хон ўзига келиб, тузалиб қолгач, Ибн Синодан, нима берсам хурсанд қилган бўламан, дебди. Ибн Сино ҳеч нарса талаб, қилмабди. «Бир қоп тилла ол», – дебди хон. Ибн Сино қабул қилмабди. «Юрт сўра, юрт берай», – дебди хон. Ибн Сино ҳеч нарса олмаслигини айтибди. «Сурув-сурув от, қўй берай», – дебди хон. Ибн Сино яна: «Ҳеч нима керак эмас», – дебди. Хон сўра, берай, деявергач, Ибн Сино: «Хоним, мен ҳаракат қилдим худо шифо берди-ю, тузалиб, оёққа турдингиз. Менга ҳеч қандай тилла ҳам, юрт ҳам, сурув-сурув от, қўйлар ҳам керак эмас. Қишлоғимга бир қироатхона қурдириб, қирқ тия китоб берсангиз бўлгани», – дебди. Хон хурсанд бўлиб, барча усталарни йиғдириб, Ибн Сино қишлоғига

катта қироатхона қурдиришга киришибди. Бутун дунёга жар солдириб, китоб йифдирибди ўзининг бой кутубхонасидан ҳам энг нодир китоблардан олиб, 40 туюга юклатиб, Ибн Сино қишлоғига жўнатибди.

Қироатхона битиб, китоблар келтириб бўлингач, Ибн Сино кутубхона ичига кириб кетибди. Хонни ўлимдан олиб қолган Ибн Сино оғизга тушиб, донғи ҳар ёнга кетибди. Бошқа табиблар унга ҳасад билан қарайдиган бўлишибди. Кўпчилик бўлиб, Ибн Синонинг олдига боришибди. Кутубхонага кириб, китоблар орасидан Ибн Синони зўрга топишибди-да, ундан:

– Хонликдан келганингиздан бери шу ерда китоб титкилаб ётибсизми? – деб сўрашибди. Ибн Сино:

– Ҳа, энг яқин дўстларим китоблар билан сухбат қуриб, куну ой, ҳафта-ю йиллар ўтканини ҳам сезмаяпман. Миямни илмга, чўнтағимни хазинага тўлдириш билан бандман, – дебди.

– Табиблик-чи, табибликни ташладингизми? – деб сўрабди табиблардан бири.

– Йўқ, табиблигимни қиёмага етказмоқдаман. Аввал улуф устозларимнинг панду насихатларини, кўрсатмаларини билиб олиб, кейин даволашга ўтаман. Мен шу кунгача ўзимни зўр табиб ҳисоблаб, катта хатога йўл қўйган эканман. Энди мана шу китоблардан олганларимни амалиёт билан мустаҳкамлай олсангина, ўзимни табиб деб аташга ҳақдиман, – дебди. Табиблардан яна бири:

– Борди-о, кутубхонангизга ўт кетса, нима бўлади? – дебди. Ибн Сино:

Аввалимбор, кутубхонамга ўт кетишдан худо сақласин, борди-ю, фалокат рўй бериб, ўт кетса, унда чўчийдиган жойим йўқ. Ҳаммасини ёд билурман. Қайтадан ёзиб чиқишига умрим етса, ки-

фоя, – дебди. Табиблар Ибн Синонинг зеҳни билан хотирасига қойил қолиб, келган жойларига қараб кетибдилар.

Орадан кунлар ўтибди, ойлар ўтибди, барибир, табиблар ҳасад қилишни кўймабдилар. Фаламислик йўлига ўтиб, Ибн Синонинг кутубхонасига ўт қўйибдилар. Бундан хабар топган Ибн Сино чопиб бориб, кутубхона ичига кириб кетибди. «Яхшиси, дўстларим билан бирга ёна қолай», – дея китоблар орасида ўтираверибди.

Одамлар зўрга қутқазиб қолишибди. Ибн Сино куйган китобларни ёддан қайта битиб, тиклабдиди, кутубхонани янгидан қурдирибди. У умрининг кўп қисмини ўша ерда ўтказган экан.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОВУР

БОВУРНОМАДАН ПАРЧА

(Асл матн баёни)

Бобур ўз лашкарлари билан тоғ йўли орқали кетаётганида қалин қор ёғибди. Қор тўрут кун тинмабди. Улар ниҳоятда қийналишибди. Чунки йўл босиш жуда оғир эди. Корнинг қалинлиги одам белигача, ҳатто, кўксигача келар эди. Бобур орқадагиларга йўл очиб, қорни тепиб-тепиб борар эди. Юриб-юриб, чарчаб, тоғдаги бир форга етиб келиб, тўхтабдилар. Шу ерда дам олишга қарор қилишибди. Фор торроқ экан. Бобурнинг хизматкорлари дарҳол унга горнинг ичидан иссиққина, юмшоққина жой тайёрлаб беришибди. Форга киргач, Бобур бир зум қараб турибди-да, кейин ҳеч кимга гапирмай, бурчакда турган куракни олиб, ташқарига чиқибди. У қор кураб, чуқур қазий бошлибди. Қор шу даражада қалин эканки, кўксига етгунча чуқур қазиса ҳам ер кўринмабди. Ал-

батта, чуқурнинг ичи иссиқ эмас экан-у, аммо совуқ тоф шамолидан уни бемалол асраши мумкин экан. Шунинг учун Бобур чуқурга тушиб ўтирибди. Унга бир неча марта: «Сиз ичкарига киринг», – дейишибди. Аммо Бобур кўнмабди. «Барча эл ташқарида, қорда турса-ю, мен иссиқ жойда дам олиб ўлтираманми? Ахир, бу инсофдан эмас-ку!» – деб кўнглидан кечирибди Бобур. «Мен ҳам қандай ташвиш бўлса кўрайин, эл тоқат қилиб турибди, мен ҳам турайин. Форсча бир гап бор: «Дўстлар билан биргаликдаги ўлим тўйдир», – дебди у йигитларига.

Кун бўйи қор ёғибди. Намози хуфтонгача чуқурда энгашиб ўлтирган Бобурнинг устидаги қор тўрт энлик бўлибди. Шу вақт йигитларнинг севинчли овозлари эшитилибди: «Кенг фор топдик. Форга жуда кўп одам сиғади». Бу гапни эшитган Бобур устидаги қорни силкиб, чуқурдан ташқарига чиқибди. Йигитлари билан бирга совуқ ва қордан сўнг ажаб иссиқ ва фароғатлик жойда маза қилиб дам олибди.

БОБУР

Болалар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур катта подшоҳ, зўр лашкарбоши, истеъоддли шоир, олим бўлган. Андижонда туғилган. Отаси – Умаршайх мирзо Фарғонада ҳоким бўлган. Бобур оиласда бош фарзанд бўлиб, унинг иккита укаси ва бешта синглиси бўлган. Бобурни маҳсус муаллимлар уйига келиб ўқитишган. Бобур жуда зеҳни ўткир бола эди. У шеър, мусиқа эшитишни жуда яхши кўрган. Булардан ташқари, камонда ўқ отиш ва қиличбозликдан ҳам сабоқ олган. Бобур 12 ёшга кирганида, Фарғона вилоятининг ҳукмдори бўлади. Албатта, ҳукмдор бўлиш ёш Бобур учун жуда қийин

эди. Унга бу масалада онаси Қутлуқ Нигорхоним ва «отахон беги» Бобохон Алибек катта ёрдам беришган.

Бобур умрининг охирига қадар жуда кўп урушлар ва юришлар билан банд бўлади. Бобур ниҳоятда ботир, жасоратли, паҳлавон саркарда эди. У жанг пайтларида доим энг олдинда борарди, қўрқмаслиги билан навкарларига намуна кўрсатарди. Шунинг учун навкарлари уни ниҳоятда ҳурмат этишар ва унга ўхшашга ҳаракат қилишарди.

Болалар, Бобур нафақат подшоҳ ва зўр лашкарбоши, шу билан бирга, буюк шоир, ёзувчи ва олимдир. У 16 ёшидан бошлаб шеърлар ёза бошлаган.

Бобур умрининг ярмидан кўпроғини она юртидан узоқда -Ҳиндистонда ўtkазади. У туғилган ватанини ниҳоятда соғинади. Тушларида кўриб, йиғлайди. У туғилган ватанининг ҳиди, нафаси келиб турсин, деб, катта бир боғга Фарғонадан олиб келинган олча, ўрик, беҳи, гилос, олхўри, ток ва яна бошқа жуда кўп кўчатларни эктиради.

Бобурнинг кўпгина шеърларида Ватанига бўлган муҳаббати, соғинчи билиниб туради. Бобур одамларнинг ҳаёти хафачилик билан эмас, хурсандчилик, қувноқлик билан ўтишини, бирбирларига фақат яхшилик қилишлари кераклигини орзу қиласида ва ўз шеърларида шулар ҳақида ёзади.

Бобур туғилган Ватанидан узоқ – Агра деган шаҳарда 47 ёшида вафот этади. Бу инсон умри учун ниҳоятда қисқа вақтдир. Ундан бизга шеърий китоблар, «Бобурнома», «Мухтасар», «Ҳарб иши» ва бошқа кўплаб асалар мерос бўлиб қолган.

Болалар, сизлар мактабга боргач, ўқишни, ёзишни билиб оласизлар ва худди Алишер Наво-

ийнинг китоблари каби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг китобларини ҳам маза қилиб ўқийсизлар. Улар жуда-жуда қизиқарли ёзилган.

СУМАЛАК

(Ривоят)

Бир дэхçon баҳор келиши билан уруғликка олиб қўйган донини сувга ивитиб қўйибди. Лекин бирдан ҳаво айниб, ёмғир ёға бошлабди. Бугдой ивтилган идишда ниш уриб ўса бошлабди. Об-ҳаво ҳадеганда очилавермабди.

Деҳқоннинг бола-чақаси оч экан. Нишлаб кетган буғдой увол бўлмасин, бирон нарса пишириб берақолай, – деб ўйлабди деҳқон. Бу орада буғдой анча бўй чўзиб қолибди. Деҳқон донни олиб қиймалабди-да, кампирга:

Бундан бирон нарса пишир, барибир увол бўлиб кетади, – дебди.

Кампир қиймани қозонга солиб қайнатаверибди-қайнатаверибди. Охири қайнатишдан чарчаб, қозоннинг қопқоғини ёпибди-да ухлагани ётибди. Эрталаб аzonда уйқуси ўчиб, қозондан хабар олгани борибди. Қопқоғни очиб кўрган экан, ажойиб ҳид димогига урилибди.

Таътиб кўрса, қозондаги қиём жуда мазали эмиш, ҳиди жуда ёқимли, ўзи тўйимли эмиш. Келаси йил баҳорда деҳқон болаларининг яна ўша таомдан егилари келибди. Шу тариқа сумалак пишириш удуми пайдо бўлибди. Бу таом ҳалқ ўртасида кенг тарқалиб, баҳорнинг лаззатли неъматига айланибди. Кейинчалик деҳқонлар донни фақат уруғликка эмас, балки сумалак пишириш учун ҳам олиб қўядиган бўлишибди. Уруғликка олиб қўйилган дондан мўл-кўл хосил кўтарилса, сумалакка асраб қўйилган буғдойдан эса

кишилар ўзининг соғлигини тиклаш ва бардам бўлиш учун ҳаётбажш таом тайёрлашар экан.

Д. СУЛАЙМОНОВ

ФОЙДАЛИ ИШ

Тўхташ етти ёшга тўлар-тўлмас, ўқиши ўрганиб олди, ўзининг отасининг исмини bemalol ёзадиган бўлди.

– Бу йил мактабга борасан, – деди отаси. – Энди катта бўлиб қолдинг. Уй ишларига ҳам қарашиб тур.

Тўхташ мактаб сўзини эшилтгач, қувониб кетди. Ўша томонга тез-тез борадиган бўлди. Дераздан мўралаб, синф ичида нималар борлигига қизиқди. Аммо у қанчалик уринмасин, ойнага бўйи етмасди.

Тунов куни мактабга келса, ҳеч ким кўринмади. Таътил кунлари экан-да. Эшикни итариб кўрса, ёпиқ. Бир амаллаб очмоқчи бўлди, қоровул кўриб қолди. Ўрта бўйли бу чол Кўчарбой амаки эди.

– Ҳой, бола, нега ҳар куни бу ерга келсан? – деди Тўхташга қараб. – Ҳали ўқиш бошланмаган бўлса...

– Мактабни кўргим келяпти, майлими?... – ялинди Тўхташ.

– Майли, юрақол!

Кўчарбой амаки йўлакдаги энг охирги синфни очиб кўрсатди.

– Сен мана бу синфда ўқийсан.

Тўхташ синфни кўриб яйраб кетди. Деразали катта, ўзи ёп-ёруғ, девордаги нотаниш кишиларнинг портретлари, доска, парта – ҳамма-ҳаммаси унинг учун бошқача эди. У парталарни ушлаб

кўргиси келди. Эндинга битта бармогини партага чўзган эди, Кўчарбой амаки:

– Бўлди, кетдик, – деб қолди. – Бошқа синфларни кейин кўрарсан.

Кўчарбой амаки синфдан чиқсан захоти, Тўхташ партанинг қопқоғини очди-ю, секин ўтириб олди.

Қандай яхши. Эшитса, ўртоқларининг унга ҳаваси келади-да.

У йўлакка чиқди.

– Қани, энди уйинга борақол! Мактабни ҳам кўриб олдинг. Ҳадемай ўқувчи бўласан. Шаталоқ отиб юришинг яхши эмас, – деди Кўчарбой амаки.

– Тўхташ уйига келиши билан кетмончасини кўтариб, уй орқасидаги таморқа томон ўтди ва сабзи кавлашга тушди. У чарчашиб нималигини билмасди. Отаси унга девор орқасидан тикилиб турарди. Чамамда у фойдали ишга қўл урганди.

И. АРАБШОХ

АМИР ТЕМУРНИНГ ЖАЙҲУНДАН ШОШИЛИНЧ ЎТИШИ

Илариги замонларда Амударёни Жайҳун деб аташган. Кунлардан бир куни Темурнинг ўз аскарлари билан ана шу дарёдан ўтишига тўғри келибди. Дарё тўлиб тошиб, пишқириб, ҳайқириб оқаётган экан. Секин-имиллаб ҳаракат қилишга фурсат йўқ. Чунки орқадан душман келаётган экан. Йигитлар дарё қирроқда нима қилишларини билмай, ҳайрон бўлиб, тўхтаб қолишибди. Шунда Темур уларга қараб:

– Кутулишнинг битта йўли бор. Ҳаммангиз ўз отингизнинг юганини тутиб, ёлига осилинг-да, сувга тушинг! – деб буйруқ берибди.

Ҳамма дарёning нарига қирғоғида кўриниб турган улкан дараҳт ёнида тўпланишга ваъдалашибди. Отнинг ёлини маҳкам ушлаб олган Темур:

– Имилламанглар! – дебди-ю, ҳайқириб-пишқириб, тўлиб-тошиб, шиддат билан оқаётган дарёга биринчи бўлиб тушибди. Унинг орқасидан аскарлари ҳам дарёга ҳеч бир иккиланмасдан отларни узоқ-узоқларга оқизиб кетибди. Аскарлар бир-бирларининг ҳолидан хабар ололмай қолишибди. Лекин уларнинг ҳаммаси дарёning у қирғоғига эсон-омон ўтишибди. Келишилгандай, қирғоқдаги азим дараҳт ёнига аста-секин тўпланишибди. Аскарлар ўз саркардаларига ақлига, тадбиркорлигига қойил қолишибди, душманнинг қўлида ўлишдан, асир тушишдан кутулганликлари учун қувонишибди. Темур эса йигитларининг қўрқмас, саботли, иродали эканликларидан кўп мамнун бўлибди.

ФАРҲОД МУСАЖОНОВ

ҚЎШОҚВОЙНИНГ ҲИММАТИ

Қўшоқвой битта физик китоб ўқиб қолди. Унда Анвар деган бола укасини жуда яхши кўриши, доим овутиб, ўйнатиб юриши ёзилган экан. Ҳикоя Кўшиқвойга жуда ёкиб тушди. У ҳам ўша Анвар деган болага ўҳшаб укасига бир яхшилик қиласмоқчи бўлди. Нима яхшилик қиласам экан, деб роса ўлаади. Охири, укаси Парпини чақирди-да:

- Ҳозир сенга қайиқча ясаб бераман, – деди.
- Ростданми, ясаб беринг, – деди Парпи хурсанд бўлиб:

Қўшоқвой қофоздан қайиқча ясай бошлади. Парпи акасининг ишига хайрон бўлиб қараб турди, севинчи ичига симай:

– Қачон битади, ака, қачон битади? – деб, кетма-кет тихирлик қилаверди.

– Бижирлайвериб, ҳалақит бермасанг, тез битади, – деб қулди Күшоқвой.

Ниҳоят, қайиқча битди. Парпи икки құллаб қайиқчага ёпишган эди, Күшоқвой уни түхтатти:

– Шошма, олдин мен ўзим оқизиб күрай-чи, қандай чиққан экан.

Ака-ука ариқ бўйига боришиди. Күшоқвой қайиқчани сувга авайлаб қўйди.

Қайиқча сув юзида тебраниб, сузиб кетди. Парпи унинг кетидан қичқирганича югурди.

Күшоқвой ҳам укасининг кетидан эргашди. Ариқ қўшни ҳовлига чиқиб кетадиган жойда Күшоқвой қайиқчани тутиб олди.

– Энди менга беринг! – деди Парпи акасига.

– Тўхта, олдин ўрганиб ол, – деди Күшоқвой.

Ариқ бошига бориб, қайиқчани яна оқизди. Қайиқча майда тўлқинлар устида сакрай-сакрай сузиб кетди, девор тагига етганда, уни Күшоқвой яна ушлаб олди.

– Энди бера қолинг, мен ҳам битта оқизай, – ялинди Парпи, – ўзингиз айтдингиз-ку, сенга ясаб бераман, деб.

– Ҳовлиқмасанг-чи, – укасини жеркиб берди ўйинга қизиқиб кетган Күшоқвой. – Сен билмайсан, чўқтириб юборасан. Олдин яхшилаб қараб, ўрганиб ол, деяпман-ку!

Күшоқвой қайиқчани бу гал ҳам ўзи оқизди. Парпи бир четда кузатиб турди. Қайиқча сув бетида қалқиб-қалқиб борарди. Шу пайт у ариқ лабида ўсиб ётган ёввойи ўтга урилиб, ағдарилди, ичига сув тўлди-да, қофози ивиб, чўкиб кетди.

– Вой, аттанг, – деб юборди. Парпи кўзларини жавдиратиб.

– Кўявер, хафа бўлма, – деди Қўшоқвой жилмайиб, – сенга бошқасини ясаб бераман.

– Керак эмас, – деди Парпи қовоғини солиб, – унисини ҳам ўзингиз ўйнаб, чўқтирворасиз.

ЁД ОЛИШ ВА ИФОДАЛИ ЎҚИШ

БАРОТ ИСРОИЛ

ШУНДАЙ ЎЛКАМ БОР...

Ўлкамнинг далалари
Кучоғига тортади.
Бағрини кезган сари
Унга меҳрим ортади.

Ватанимнинг боғлари,
Ойна булоги гўзал.
«Оқ олтин»дан тоғлари,
Унинг дарёси гўзал.

Яйрайман кучоғида,
Шодликдан кўкда бошим.
Гул унар тупроғида,
Бош узра ёз қуёши...

ҲАБИБ РАҲМАТ

КЎЗ КЎРИНИШЛАРИ

Саратоннинг тафти йўқ,
Куёш боқар олисан.
Ажид бир ис тараалар,
Хов қирдаги полиздан.
Дарахт барги тилларанг

Мевалардан томар бол.
Дараҳтларга бир қаранг.
Оқ гуллардан чаманзор.
Сунбуланинг сувлари,
Шишадан ҳам тиниқроқ
Учиб борар турналар,
Кўкда солиб аргумчоқ.
Йигим-терим авжида,
Бирдам қолмас тўхталиб,
Ҳадемай қиши йўргалар,
Оқ кўрпасин кўтариб.

ОЛИМ АБДУРАҲМОН

УСТА

Мен ҳам кичик устаман,
Ўз ишимга пухтаман.
Дадам билан эрталаб,
Ёғоч, тахта рандалаб.
Уй ясадик товуқда,
Қолмасин деб совуқда.

ЙЎЛДОШ СУЛАЙМОН

ЁФАЯПТИ

Ер тўйсин деб бир йўла,
Қор бўралаб ёфаяпти.
Гўё осмон ун элар,
Ҳавоси ҳам ёқяпти.
Юрганимда из қолса,
Қор уни тез ёфаяпти,
Кучугим ҳам оқариб,
Атрофимда чопяпти.
Моможоним ойнадан

Жуда хурсанд боқяпти
Хәёлимга ёз келиб,
Сув шарқираб оқяпти.

Т. УБАЙДУЛЛО

ИНСОН БЕШИГИ

Булбул бешиги – боғда,
Бургут бешиги – тоғда.
Инсон бешиги эса
Шу муқаддас тупроғда.

Булбул боғни ўйлайди,
Булбул боғдан сўйлади.
Латиф овози ила
Ишқ розини куйладиди.

Бургутга тоғ маскандир,
Бургут тоғда ўсгандир.
Бағри тош каби қаттиқ,
Забти кўкни тўсгандир.

Инсон ҳам боғни куйлар,
Инсон ҳам тоғни куйлар.
Бир гул каби ардоқлаб,
Она – тупроқни куйлар...

РАВШАН ФАЙЗ

МОМОҚАЙМОҚ

Момақаймоқ моҳ дедим,
Пахтадай юмшоқ дедим,
Хурпайиб турганига.
Керакдир ўртоқ дедим.

Секин бориб «поҳ» десам
Момиқгул чўчиб кетди.
Мен унинг ғамин есам
У шошиб кўчиб кетди.

АНВАР ОБИДЖОН

КАПАЛАК ҚЎШИФИ

Эшак борди адирга,
Мен ҳам бордим адирга,
Унинг қўзи печкада,
Менинг кўзим чечакда,
Қанотларим пирпирак –
Пир-р-р, пирпирак!
Хонқиз борди далага,
Мен ҳам бордим далага.
Унинг қўзи молада,
Менинг кўзим лолада
Қанотларим пирпирак –
Пир-р-р, пирпирак!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

С. Фозиева, Д. Очилова, Л. Долимова. Бадий терма китоб МТМ ёшидаги болалар учун эртаклар, ҳикоялар, шеър, топишмоқ ва тез айтишлар тўплами. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти. 1996 й.

И. Акбаров. Мусиқа саводи. 2-синф. Тошкент. 1963 й.

А. Обиджон. «Ўғирланган паҳлавон» Тошкент. «Чўлпон» нашриёти. 2006 й.

А. Зиёмат.

М. Муродов.

А. Ирисов.

Ҳ. Ёкубов.

Ҳ. Раҳмат. «Оlam тўлсин қўшиқقا». Тошкент. Ёш гвардия. 1984 й.

Ҳ. Раҳмат. «Ботир аскарча» Тошкент. Чўлпон 1995 й.

Ҳ. Раҳмат. «Мен орзу қиласан гуллар». Тошкент. Ёш гвардия нашриёти. 1988 й.

Ҳ. Раҳмат. «Тўғрисини айтайми?». Тошкент. Ўқитувчи нашриёти. 1997 й.

Р. Файз.

Ш. Саъдулла.

«Мактабгача таълим» журнали.

Авторларнинг ўзлари ёзиб берган шеър ва ҳикоялар.

МУНДАРИЖА

Кириш	3	
Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси	6	
ИЛК ЁШ ГУРУХИ (2-3 ёш)		
ЎҚИБ БЕРИШ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИШ	7	
Фил билан хўроз (ўзбек халқ эртаги)	7	
<i>M. Муродов.</i> Мехрибон	8	
<i>A. Ирисов.</i> Билмай қолиб	9	
Икки эчки. (Ўзбек халқ эртаги)	9	
Мақтанчоқ қуён. (Ўзбек халқ эртаги)	10	
<i>Раим Фарходий.</i> Тонгти сўз	11	
<i>P. Азизхўжаев.</i> Ойижон (ҳикоя)	12	
<i>M. Муродов.</i> Бўлиб ейиши	12	
<i>M. Муродов.</i> Тўп (эртак)	13	
ЁД ОЛИНГ ВА ИФОДАЛИ ЎҚИНГ		14
<i>Шукур Саъдулла.</i> Лола ва мушук	14	
<i>A. Раҳмат.</i> Айиқчам	14	
<i>A. Раҳмат.</i> Айиқчам	15	
<i>Анвар Обиджон.</i> Пахта ва чигит	15	
<i>Ҳамидулла Ёқубов.</i> Қор	15	
<i>T. Ортиқхўжаев.</i> Кулча нон	16	
<i>X. Раҳмат.</i> Қуёнча	16	
<i>Шукур Саъдулла.</i> Ёмғир ёғалоқ	17	
<i>P. Файз.</i> Бодринг	18	
<i>A. Зиёмат.</i> Ёз шамоли	18	
<i>Валида Абдугаффор қизи.</i> Қарғавой	18	
КИЧИК ГУРУХ (3-4 ёш)		
ЎҚИБ БЕРИШ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИШ	19	
<i>Яйра Садулаева.</i> Ассалому алайкум	19	
Эчки болалари (ўзбек халқ эртаги)	26	

<i>Х.Бадалов. Қип-қызил олма</i>	28
Тулки билан чумоли (қыргыз халқ әртаги)	29
Нон ҳамроҳ	30
Бароқхон (ўзбек халқ әртаги)	30
Құлқоп (рус халқ әртаги)	33
<i>Яйра Саъдуллаева. Йұлда</i>	35
<i>M. Муродов. Бұлыб ейишди</i>	36
<i>Мирмұхсан. Олхұри ва ўрик</i>	37
<i>ЁД ОЛИШ ВА ИФОДАЛИ ЎҚИШ</i>	38
<i>Асом Зиёмат. Олтин күзим</i>	38
<i>Мухтар Рассоқов. Ўжар</i>	39
<i>З. Исомиддинов. Чана</i>	39
<i>А.Абдураззоқ. Қиши кетар</i>	39
<i>T. Адашбоеев. Насибанинг олмаси</i>	40
<i>H.Раҳмонова. Ҳаммадан яхши</i>	40
<i>Равшан Файз. Бодринг</i>	40
<i>Анвар Обиджон. Коптолар құшиғи</i>	41
<i>Валида абдугаффор қизи. Ҳонқиз</i>	41
 ҮРТА ГУРУХ (4-5 ёш)	42
<i>Ёд олиш ва ифодали ўқиши</i>	42
<i>Муқимжон қодиров. Талпинаман қүёшга</i>	42
<i>Равшан Файз. Кузда</i>	42
<i>T. Раҳимова. Ёғди-ёғди</i>	43
<i>Зафар Диёр. Арча</i>	43
<i>Толиб Йұлдош. Ойим уйда бұлсалар</i>	44
<i>T. Баҳромов. Сумалак</i>	44
<i>Кавсар Турдиеева. Баҳор</i>	45
<i>Азиз Абдураззоқ. Тойчесім</i>	45
<i>Валида Абдугаффор қизи. Ватан</i>	46
<i>Абдураҳмон Ақбар. Ойижоним ёпған нон</i>	46
<i>Үқиб беріши ва ҳикоя қилиш</i>	46
<i>Ҳалоллик (ўзбек халқ әртаги)</i>	47
<i>Уч тулки (ўзбек халқ әртаги)</i>	48
<i>Олтин тарвуз (ўзбек халқ әртаги)</i>	50
<i>Бўғирсоқ (рус халқ әртаги)</i>	52
<i>Алпомиши (шу номли ўзбек халқ достонидан парча)</i>	56
<i>Замира Иброҳимова. Нега пишмади?</i>	57
<i>Шер билан дуррож</i>	60

Бобур ва кабутар	61	
<i>Латиф Маҳмудов. Барно</i>	62	
Овчи, кўкча ва доно	64	
<i>Валида Абдугаффор қизи. Алла айтинг оналар!</i>	70	
 КАТТА ГУРУҲ (5-6 ёш)		
<i>ЎҚИБ БЕРИШ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИШ</i>	72	
<i>A. Навоий. Бир кабутар («Садди Искандарий»</i>		
достонидаги парчанинг насрый баёни)	72	
<i>Шуҳрат. Зайнабнинг мушуги нега аразлади?</i>	73	
Зумрад ва Киммат (ўзбек халқ эртаги)	74	
<i>Фозлар оққушлар. (Рус халқ эртаги)</i>	80	
<i>Валентин Берестов. Чин сўз {эртак}</i>	84	
<i>Ҳаким Назир. Пальточа</i>	86	
Нон ҳиди (ривоят)	88	
Ширин билан шакар (шу номли ўзбек халқ достонидан парча)	89	
<i>Rauf толиб. Ғалати зиёфат</i>	91	
<i>Карғавой (ўзбек халқ эртаги)</i>	93	
<i>Валида Абдугаффор қизи. Алла айтинг оналар!</i>	96	
<i>Ҳидоят Олимова. Энг яхши уй</i>	97	
 ЁД ОЛИШ ВА ИФОДАЛИ ЎҚИШ		99
<i>Э. Раимов. Куйга тўлсин она ватан</i>	99	
<i>T. Адашибоев. Куз</i>	99	
<i>Ю. Шомансур. Ширмой нон</i>	100	
<i>D. Матчон. Ёғ, ёғавер, оппоқ қор</i>	100	
<i>Толиб Йўлдош. Меҳмон</i>	101	
<i>X. Раҳмат. Ёмғир ёғар</i>	101	
<i>O. Ҳожиева. Улоқча</i>	102	
<i>Ш. Отабек. Аччиқ чой</i>	102	
<i>Валида Абдугаффор қизи. Жамалак соч</i>	103	
<i>Абдураҳмон Ақбар. Юрт посбони</i>	104	
 ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲ (6-7 ёш)		
<i>ЎҚИБ БЕРИШ ВА ҲИКОЯ ҚИЛИШ</i>	105	
<i>Қутлибека Раҳимбоева. Ўғлим...сўнг қизимга биринчи сұхбат</i>	105	
<i>Ўн икки ой (словак халқ эртаги)</i>	106	

<i>Тўлқин Илҳомов. Адиб – бетартиб</i>	114
<i>Тулкибой (ўзбек халқ әртаги)</i>	116
<i>Рустамхон (шу номли ўзбек халқ достонидан парча)</i> ..	119
<i>Ибн сино ва китоблар (ривоят)</i>	122
<i>Захрииддин Муҳаммад Бобур. Бобурномадан парча (асл матн баёни)</i>	126
<i>Бобур</i>	127
<i>Сумалак (ривоят)</i>	129
<i>Д. Сулаймонов. Фойдали иш</i>	130
<i>И. Арабшоҳ. Амир Темурнинг Жайҳундан шошилинч ўтиши</i>	131
<i>Фарҳод Мусажонов. Қўшоқвойнинг ҳиммати</i>	132
<i>ЁД ОЛИШ ВА ИФОДАЛИ ЎҚИШ</i>	134
<i>Барот Исроил. Шундай ўлкам бор</i>	134
<i>Ҳабиб Раҳмат. Кўз кўринишлари</i>	134
<i>Олим Абдураҳмон. Уста</i>	135
<i>Йўлдош Сулаймон. Ёғаяпти</i>	135
<i>Т. Убайдулло. Инсон бешиги</i>	136
<i>Равшан Файз. Момоқаймоқ</i>	136
<i>Анвар Обиджон. Капалак қўшиғи</i>	137
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	138

Илмий-услубий нашр

**«БОЛАЖОН»
ТАЯНЧ ДАСТУРИ БҮЙИЧА
БАДИЙ АДАБИЁТ ТҮПЛАМИ**

Мұхаррирлар
Муфтилло ЮСУПОВ
Дилдора ЭШОНХҮЖАЕВА

Бадиий мұхаррир
Б.БОЗОРОВ

Мусаққиқ
Ч.АЛИМОВА

Компьютерда сәхіфаловчи
Н.ЖУМАБОЕВ

Нашриёт лицензияси: АI № 119 - 12.11.08.

Босишига 14.12.2012 й.да ружсат этилди.

Бичими 84x108 1\32. Босма тобоги 4,5.

Шартли босма тобоги 8,61.

Гарнитура «Bookman Cyr+Uzh».

Офсет қороз. Адади 1280 нусха.

Буюртма № 889.

«Bekintashoq-plyus» нашриётида тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.
«Ideas Developing Business» босмахонасида босилди.
Тошкент, Нақошлик кўчаси-16A.